

**МАРГУБА МИРҚОСИМОВА**

# **Сўз изтиробли**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2010

83.3(5Ў)

M58

Мирқосимова Марғуба

Сўз изтироблари: М. Мирқосимова; масъул муҳаррир С. Матчонов. - Т. : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. - 144 б.

Адабиётшунос ва методист олима, педагогика фанлари доктори, профессор Марғуба Мирқосимованинг “Сўз изтироблари” кейинги йилларда чоп этилган адабий-назарий ҳамда илмий-методик рисолалари ҳамда мақолаларидан таркиб топган сайланма бўлиб, соҳа мутахассислари, адабиёт ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар эътиборига ҳавола қилинади. Рисола Низомий номидаги ТДПУ илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

*Масъул муҳаррир:* педагогика фанлари доктори,  
профессор **Сафо Матчонов**

*Тақризчилар:* педагогика фанлари доктори  
**Р.Ниёзметова,**  
филология фанлари номзоди, доцент  
**А.Улуғов.**

ББК 83.3(5Ў)

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010 й.

*Ушбу рисола падари бузрукворимиз  
Мирориф ўғли Мирқобил ҳожининг  
порлоқ хотираларига бағишиланади.*

Оламни англамоқ, билмоқ, идрок этмоқ тасаввурдан бошланади. Тасаввурлар олами шу қадар кенг, бепоён, миқёслики, рухимиз унда парвоз қиласи. Биз мислсиз эркинлик қувватидан лаззатни туямыз, вужуд талпинишидан куч олиб, моҳият сари фикран интиламиз, бу оламнинг рангин манзаралари қатига кириб борамиз...

Аслида ижодкор баркамол асар яратиш учун бепоён тасаввурлар дунёсига ҳам эга бўлмоғи лозим. Истеъдод ва билим, ҳаётий тажриба билан ўзига хос услугб бирлашиб, тасаввур дунёсида туғилгандан сўнг кўнгил оламига кўчган ҳақиқатлар-у гўзалликларни моҳирона сувратлантириб, китобхон қалбини ларзага солади. Қалбимизни ларзага соларлик ҳолатга келган чинакам бадиий асар ўз муаллифини ҳам лол қолдириши мумкин. Миколанжеллога ўзи яратган ҳайкал тириқдай кўриниб, кўркиб кетганлиги, Бальзак қаҳрамони ўлганида юрак хуружига учрагани, Қодирий Кумуш ўлганини тасвирлаш чоғида юм-юм йифлагани ҳақидаги миш-мишлар бехуда эмас.

Адабиётшунос ҳам ижодкор каби руҳият ва ҳаёлот оламида парвоз қиласи. Шоир мисралари қатига яширинган маъноларни ўз сезимлари орқали пайқайди, нозик ишораларни ҳис қиласи, гўзал тасвир ва жозиб туйғулардан ҳайратланади. Бадиий сўз адабиётшунос кўнглига изтироб солади ёки руҳият кенгликларига йўллайди. Зотан, истеъдод – ёниклик, сўз изтироби или яашаш... Ушбу сайланмадан сўз изтироблари юқсан айрим мақолалар жой олди. Уларни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётганимдан баҳтиёрман.

**Муаллиф**

## **РОМАН ТАЛАБИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ**

Агар ўзбек адибларининг 70-80-йиллар мобайнида яратилган романларига эътибор берсак, шу жиҳат кўзга ташланади: ёзувчиларимиз замонавий ва тарихий мавзуда қалам тебратиб, бугунги ҳаётимизнинг ўзига хос, айни чоғда мураккаб жараёнларини қамраб олишга интилаётирлар. “Олмос камар”, “Диёнат”, “Гирдоб”, “Нур борки, соя бор” каби қатор замонавий мавзудаги романларни ўқиб, улардаги қаҳрамонлар ҳаёти, интилишлари, курашлари билан танишгач, замондошимиз нафас олаётган муҳитни ҳис этамиз, ҳалқимизнинг бугунги ҳаётини, орзу мақсадларини тасаввур қиласиз. Энг муҳими, ёзувчиларимиз роман жанрининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳаёт қатламлари ичига янада чуқурроқ кириб боришга, бугунги куннинг муҳим ижтимоий-маънавий муаммоларини акс эттирувчи ғоялар яратишга, ғояни эса ҳаётий ва жонли инсон тимсолида бадиий акс эттиришга – ҳаётий ва ҳаққоний бадиий типлар, эпик характерлар кашф этишга интилиб қалам тебратмоқдалар. Санъаткор адиблар томонидан яратилган романлардаги воқеалар ҳам катта миқёсли эпик характерлар яратишга йўналтирилган. Бошқача қилиб айтганда, романбоп ҳодисалар, романбоп характерларни юзага келтиришга хизмат қилган. “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Кўхна дунё” каби тарихий романлардаги воқеалар, тарихий шарт-шароит Улуғбек, Бобур, Беруний ва Ибн Сино каби улуғ алломаларнинг инсоний қиёфасини гавдалантиришга, мураккаб инсоний дунёси тасвирини яратишга сафарбар этилган. Шу сабабдан, уларга қамраб олинган воқеалар сигимига қараганда характерлар кўлами кенгроқ, характер ва воқеалар асосидаги ғоя салмоғининг миқёси юксакроқ. Ҳар қайси романга хос эпик тафаккурнинг кўлами ва миқёси эпик кенгликлар қадар юксалган. Асардаги ҳар бир қаҳрамон, тўқнашув, ҳолат, кечинма, манзара тасвири орқали англашиладиган мазмун салмоғи эпик тафаккурни юзага келтиришга хизмат қилган. Аммо романбоп воқеалар, романбоп характерлар, романга хос “тафаккур” деганда нимани тушуниш керак?

Таникли танқидчи Умарали Норматов романга хос “тафаккур”ни таъминлайдиган омиллар “асарда романбоп ҳодиса, воқеа, жиддий проблема, улкан драма ва мукаммал, чуқур оригинал концепцияга эга бўлган қаҳрамонларнинг мавжудлигидир”, - деган фикрни далиллашга ҳаракат қилган

бўлса, ёзувчи Одил Ёкубов танқидчига эътиroz билдириб, “романга хос “тафаккур” деган гап асарда романбоп ҳодиса, воқеа улкан драматизмнинг мавжудлигига” эмас, балки “ёзувчи ҳаёт воқеаларини улкан санъаткор-романист сифатида идрок этишидадир”, - дейди<sup>1</sup>. Ушбу қарашларнинг бир-бирига яқин турган, бир-бирин тўлдирадиган жиҳатларига эътиборимизни жалб этган ҳолда бошқа бир танқидчи катта миқёсдаги эпик полотнода романбоп ҳодисаларни улкан санъаткор-романист сифатида тадқиқ этиш, идрок қилиш муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлайди. Романга хос “тафаккур” тушунчасини “эпик тафаккур” деб атайди. Уни яратувчи омиллар билан бирга ҳаракатга келтирувчи кучлар, воситалар мавжуд эканига эътиборимизни қаратади<sup>2</sup>.

Рус адабиётшунос ва танқидчиси Ю. Суровцев ҳозирги адабий жараённинг услубий ўзига хослиги ва ранг-баранглигини тадқиқ этишга қаратилган мақолаларида ҳам романга хос эпик тафаккурни таъминловчи омиллар билан уни ҳаракатга келтирувчи воситалар мавжудлигини қайд этган.

Эпик тафаккурни яратувчи омиллар деганда ёзувчининг ҳаёт ҳодисаларини улкан санъаткор-романист сифатида идрок этиш қобилиятини ҳам, ана шу қобилият натижасида яратилган, ижодкорнинг ғоявий-бадиий концепциясини ўзида мужассамлаштирган кенг миқёсдаги мураккаб эпик характер, ҳаётий образларни ҳам, романбоп ҳодисаларнинг кенг кўламли тадқиқу таҳлилини ҳам, ижтимоий-маънавий тараққиёт муаммоларини ўзида акс эттирган чукур драматизмнинг мавжудлигини ҳам назарда тутамиз. Айни пайтда эпик тафаккурни ҳаракатга келтирувчи кучлар, воситалар сифатида роман жанрининг шакл компонентлари билан услубий компонентларини, уларнинг мураккаб диалектик бирлигини кўзда туваётимиз. Чунки, худди ана шу бирлик вужудга келгандагина, эпик тафаккурнинг роман кўлами бўйлаб ҳаракати таъминланади.

Демак, романга хос “тафаккур” - уни яратувчи омиллар билан ҳаракатга келувчи кучларнинг, воситаларнинг синтезидан таркиб топади. Ҳақиқий истеъодод эгалари яратган етук романларга эътибор берилса, эпик тафаккурни яратувчи омиллар билан асар ғоясини чукур ёритиш учун талаб қилинган барча воситалар узвий бирликни ташкил этганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бундай бирлик ҳосил бўлган “нуқта” вазифасини романнинг етакчи қаҳрамони ўтайди. Эпик тафаккур эса асардаги барча

1. У. Норматов. Талант тарбияси. Ф.Улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 106-133-бетлар.

2. Н. Худойберганов. Сени ўйлайман, замондош. Ф.Улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 62-89-бетлар.

қаҳрамонлар қиёфасида, руҳи, қалби ва маънавий-ижтимоий, интим фаолиятида ўз аксини топиб, ўзига хос кенг миқёсли, эҳтиросли ғояларни юзага чиқаради.

Йўқ, шунчаки эҳтиросли ғоялар эмас, балки кучли эҳтиросга йўғрилиб ҳаёт ҳақиқатини мавжуд зиддиятлари билан намоён қиладиган ғоялар қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига сингдириб юборилиши керак. Романбоп воқеалар кенг миқёсли ҳодисаларнинг қанчалик кенг майдонда барча тафсилотлари билан ифодаланганилигига қараб белгиланмайди. Балки асар ғояси ва образларни юзага келтиришга хизмат қилувчи эпик тафаккур кўлами ва маъно салмоғи эътиборга олинади. Чунки романбоп ҳодисалар ва характерлар орқали англашиладиган фикрлар олами ўзига хос эпик тафаккурни юзага келтиришда иштирок этади.

Аммо ҳаёт воқеаларини ўзига хос тарзда идрок этиш, кенг миқёсли эпик характер қашф этиш, тақрорланмас тасвир яратиш каби бадиий ижоднинг биринчи галдаги талаблари ижодкорнинг истеъдодига, яратиш, қашф этишдаги санъаткорлигига боғлиқдир. Чинакам истеъдод эгаси роман ёзишга киришар экан, кенг миқёсли эпик тафаккур талабларини яхши билган ҳолда иш кўради, реал воқелик моҳиятини бадиий таҳлил қилиш, чуқур идрок этиш орқали ижодий муваффақият таъминланишини англаб этади, имкониятларни ана шунга сафарбар этади.

Ёзувчи Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” қаторида “Қўхна дунё” романи ҳам айнан шу жиҳати билан ажralиб туради. Тарих ва замона ўртасидаги боғлиқликни ёрқин акс эттирувчи инсон ва унинг шахси, идроки ва интилишлари, хатти-ҳаракатларидағи зиддиятлар асосини ташкил этувчи яхшилик ва ёмонликнинг тўқнашуви бу романда ҳам ўзига хос тарзда бадиий гавдалантирилган.

Агар асар воқеалари ривожига эътибор берилса, сюжет “ўқи” ҳам, конфликт ҳам мустабид султон Маҳмуд Фазнавий билан икки улуғ алломага, соxта “ҳакими даврон” Ибн Шаҳвонийга бориб тақалганининг гувоҳи бўламиз. Асарнинг ғоявий мазмуни серқатламлиги билан ажralиб туради. Ҳар бир қатлам мураккаб сюжет тармоқларининг бири билан боғланиб, мухим маънони қамраб олган. Роман воқеаларининг бир учи жаҳолат гирдобидаги Фазнавийлар ҳаётига бориб тақалса, иккинчи учи юз бераётган адолатсизликлар моҳиятини англашга, сабабларини идрок этишга интилган улуғ алломаларга уланади, бошка бир учи эса зулм ва истибодод исканжасидаги ҳаётда инсоний қадр-киммати топталган инсонлар тақдирига, инсоний фожеаларга боғланади.

Мифологик қатлам эса қаламга олинган ҳаётий ҳодисалар замиридаги фалсафани бўрттиришга, асарнинг фалсафий руҳини таъминлашга хизмат қиласди.

Роман сюжетининг энг катта тармоғини икки улуғ алломанинг ҳаёти, кечинмалари, ўй-хаёллари ташкил этади, бир қанча сюжет линияларига бўлиниб кетади (Беруний ва Ибн Синонинг ёшлик чоғлари, интим ҳаёти, айрим асариларнинг ёзилиш тарихига оид воқеалар ва бошқалар). Бироқ буларнинг барчаси ягона гояни ёритишга йўналтирилганлиги туфайли яхлит эпик тафаккурни вужудга келтиради.

Яна шуниси муҳимки, Одил Ёқубов дикқат марказига кўпроқ Маҳмуд Фазнавий ва сохта Ибн Синони чиқариб, уларнинг кирдикорлари, қабиҳликларини очишга қаратилган воқеаларни ёритади. Бу воқеалар аввало подшолар, уламоларни фош этишга қаратилган, пировард натижада ҳар иккала салбий тип Ибн Сино, Беруний сингари улуғ даҳоларнинг матонатини, адолат ва ҳақиқат учун курашини кўрсатишга сафарбар этилган.

Роман воқеалари Маликул-шароб майхонасига кириб келган улуғ ҳаким Ибн Синонинг сирли ташрифи билан бошланади. Иккинчи бобда сultonon Маҳмуд Фазнавийнинг бедаво дард азобидаги ҳолати, ваҳимали хаёллар гирдобидаги руҳияти ёрқин акс эттирилган. У саройга барча алломаларни тўплаб дардига шифо бўлгувчи “неъмати илоҳий”ни топиб беришни талаб этади. Беруний шоир Унсурӣ каби оддий чўпчакни ҳақиқат деб эълон қилишдан бош тортади. Ўз подшосига яхшилик қилиш ниятида унга мўъжиза ниҳол инъом этиб, бошидан жудо бўлган тўти ҳақидаги ривоят ибратли чўпчак эканини рўй-рост айтади. Дарғазаб бўлган сultonon барча алломаларни саройдан ҳайдайди, икки вазирга ё “неъмати илоҳий”ни, ёки ҳаким Ибн Синони топиб саройга келтиришни буюради. Акс ҳолда ҳар иккисининг боши олинишини таъкидлайди. Ҳақ сўзни сўзлаган Беруний зинданбанд этилади. Ёзувчи ривоятда қўлланган детални асар воқеалари ичига моҳирлик билан олиб ўтади. “Неъмати илоҳий”га муносабат орқали асардаги персонажларнинг инсоний қиёфалари очиб берилган. “Неъмати илоҳий” рамзий ифода тарзида ҳақиқат ва адолатга бўлган муносабатни ёрқин акс эттириб, асар гоясига ёндош ҳолда ҳаракат қиласди. Ўзича воқеалар ривожидаги иккинчи “тугун”ни ҳосил қиласди.

Воқеаларнинг асосий “тугун”и сирли ҳакими давроннинг пайдо бўлиши билан юзага келади. Ҳаёти хавф остида қолган икки вазир Ибн Синони излаш ва топиш режаларини тузадилар. Маликул-шароб майхонасида пайдо бўлган Ибн Сино ўғирланади.

Улуф ҳакимга жуда ўхшаб кетадиган Абу шилқим ибн Шаҳвоний ўзини Ибн Сино деб авомни тунаб юриб, беҳисоб бойлик орттирган, эндиликда Маҳмуд Фазнавийнинг кўл остида суюкли хотини ва қизи қолиб кетган Амир Алитетин саройида хизмат қиласарди. Султон Фазнавийнинг Ибн Синони излаётгандилигини эшитиб, эски одати хуруж қилиб, Ибн Шаҳвоний Фазнага отланади. Бир чеккаси, омади келиб султоннинг ишончини қозонишни, шунда амир Алитетиннинг хотини ва қизини кутқазиб, биргаликда қочиши мақсад қилиб қўяди. Мақсади амалга ошса, амирдан энг юксак марҳаматлар тилашни дилига тугади. Аммо, кутилмаганда номаълум кимсалар уни хибсга олишди.

Коронғу ертўлада шуларни хаёлдан кечирган Абу Шилқимнинг ҳолати қуидагича тасвирланади: “Хўп, у ёғи-ку, шундай бўлди, энди бу ёғи не бўлади? Тақдири не кечади? О, қариб қуюмаган нодон! Бир оёғинг гўрда турганида ҳазрат Ибн Сино бўлишни орзу қилган миясиз эшак!”.

Сиртдан қараганда, Абу Шилқим тавбасига таянган кимсага ўхшаб афсус чекади, аммо икки вазирнинг муддаоларини билгач, яна алдамчилик йўлига юради. Сохта Ибн Сино катта иззат-икром билан саройга чақиришни сўрайди. Воқеалар шиддат билан ривожлана бошлайди. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, асар воқеаларининг шиддати ошган сайин асар қаҳрамонларидан ҳар бирининг инсоний қиёфаси ва маслаги моҳияти ҳам шунчалик ёрқин намоён бўла бошлайди. Роман воқеаларининг ритмик зарби ҳам кучаяди, таъсири ҳам ошади. Сокин оҳанглар билан мунгли, фарёдли туйғулар йўғрилган оҳанглар алмашиниб боради, вужудимиз инсоний дардга тўлиб-тошган мусиқа таъсирида гоҳи қалқиса, гоҳида жунбушга келади, гоҳо бу туйғулар оқимини англаш, ҳис этиш қийинлашади. Шундай вазиятларга авторнинг содда, равон нутқи воситасида аниқлик, ёрқинлик киритилади, тасвир конкретлаштирилади. Шу тариқа мураккаб ҳолатлар ва манзараларнинг бадиий тасвири билан талқин, талқин билан тадқиқу таҳлил уйғунлашиб боради.

Романда икки буюк алломанинг ўй-хаёллари, кечинмаларининг нозик, таъсирчан, айни пайтда, чукур мазмунни ифодалашга қаратилган бадиий тасвири етакчи ўринни эгаллайди.

Романдаги Садафбиби, Сабху, Бобо Хурмо каби персонажлар эса адолатсизликнинг, золимликнинг қурбони бўладилар. Абу Фарид билан Абул Ҳасанак эса сарой аъёнлари ва подшо билан ҳамфирк бўлиб яшаганликлари, ўз манфаатлари йўлида тубанликдан, алдамчиликдан тоймаганликлари туфайли чексиз иззат-икромга сазовор бўладилар.

“Ҳакими даврон” Ибн Шаҳвоний-чи? Қандай қилиб у ёнгилмас кучга айланди? Ибн Шаҳвоний уни ўраб турган мухит ва одамлар билан ҳаммаслак бўлиб иш юритгани учун ёнгилмас кучга айланди, илму идрок соҳиблари устидан ғалаба қозонди. Аммо унинг ғалабаси муқаррар ва мустаҳкам ғалаба эмаслигини сезиб турамиз. Ибн Шаҳвоний султон Фазнавий ишончини қозонишга муваффақ бўлган бўлса-да, ҳамиша фош бўлишидан кўркиб кун кўради, кўнглининг аллақаерида адолат ва ҳақиқат қарор топиши мумкинлигини ҳис этиб туради, таҳлика ичидаги яшайди. Шундай бўлса-да, сабаби бедаво дард ва ўлим шарпасидан ҳадик, телбанамо султонни йўлдан оздириши мумкинлигига ишонади. Шундай мудҳиш ишни амалга оширади. Инсоний бурч юзасидан саройга келган Ибн Сино ҳазратлари соҳта ҳаким деб топилиб, қувғин этилади, Ибн Шаҳвоний эса чин ҳакими даврон сифатида тан олинади. Юз берган ҳодисадан қаттиқ изтироб чеккан Беруний қаҳр ва ғазабдан тўлғониб фарёд қиласди: “Ё тавба! Бу гўзал олам, бу мусаффо осмон, бу ёруғ ўлдузлар, қўйингки, бу мукаммал оламни бунёд этган худованди карим нечун ўз бандасини бундайин номукаммал қилиб яратди? Агар бу фоний Дунё, Абу Али, сен айтгандай буюк зарурат ва етук ақл-идрок асосига қурилган бўлса, нечун бу улуғ қонуният бани башар ҳаётига келганда ўз кучини йўқотди?.. Нечун унга бошқа ҳеч бир тирик зотга ато қилмаган ўткир тафаккур ва етук ақл-заковат инъом этиб, бу ақл-заковатни тубанлик, разолат ва қабоҳат йўлида ишлатмоқни раво кўрди” (320-бет)<sup>3</sup>.

Берунийнинг андухли сўзларига жавобан Ибн Сино кўхна бир ривоятни сўзлаб, комил-ишонч билан шундай дейди: “... тубан эҳтирослар қанчалик кўп бўлмасин, бани одам, яъники, ақл-идрок барибир ёнгусидир!”. Устоз Ибн Синонинг бу сўзлари асарнинг фалсафий руҳини гўёки умумлаштирган ҳолда уни пафос даражасига кўтаришга хизмат қилган. Икки улуғ алломанинг видолашув онлари тасвири эса романнинг барча қатламларини бир тўпламга келтириб, яхлит ва салмоқдор умумлашмани юзага чиқарган: “Беруний биринчи бўлиб Абу Алини кучиб бағрига босди.

- Алвидо, азизим. Диidor кўришмоқ насиб этмаса рози бўл, жигарим! Кимки сени хор қилган бўлса, ўзи хор бўлсин!”.

Дарҳақиқат, ҳаётини, имкониятларини илму идрок равнақига бағишлиланган буюк алломаларни хор этган кимсаларнинг ўзлари хор бўлишларини дил-дилимиздан истаймиз, шундай бўлишига

3. Одил Ёкубов. Кўхна Дунё. Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

ишонамиз. Абу Убайд ал-Жузжоний хотиралари ҳам буни тўла тасдиқлаб турибди. Демак, ҳақиқат, адолатнинг қарор топиши муқаррар. Ҳақиқат ва адолат эса илму идроқда. Шу боис, илму идрок тантанаси ҳам муқаррар! “Кўхна дунё” романни ана шу ҳақиқат мазмунини ва моҳиятини чуқур очиб бериб, кенг кўламли бадиий гавдалантирувчи эпик характерлар ва тўқнашувларни қамраб олувчи асар эканлиги билан қимматлидир.

## ҲАЁТИЙ МАТЕРИАЛ ВА ҚАҲРАМОН ХАРАКТЕРИ

Маълумки, тарихий материални ўзлаштириш бобида ўзбек адабиётининг ўзига хос тажрибалари, анъаналари бор. Кўпчилик роман ёки драмаларимиз марказида тарихий шахслар туради. Асар сюжети қисман шундай шахслар биографиясига асосланади. “Юлдузли тунлар” романни марказида ҳам реал тарихий шахс - саркарда, шоҳ ва шоир Бобур образи гавдаланади.

Шундай саволнинг кўндаланг бўлиши табиий: тарихий романнинг ўзига хослиги нималардан иборат? Тарихий мавзуга мурожаат этишнинг қандай мураккаб томонлари мавжуд?

Буюк танқидчи В.Г. Белинский тарихий мавзуга кўл уришнинг кўпгина мураккаб жиҳатларини ёритиб, жумладан куйидагиларни баён этган эди: “Тарих бизга бўлиб ўтган воқеаларни авра томонидан, саҳнавий томонидан кўрсатади, ичкарида бўлаётган ҳодисалар устидаги пардани кўтариб ташламайди, бу воқеалар замирида рўй берәётган ҳодисалар ҳам уларнинг кундалик, оддий ҳаётдаги инъикоси ҳам бекиниб қолади. Роман тарихий ҳодисаларни шунчаки айтиб беришдан, баён қилишдан воз кечади. Ҳақиқий роман тарихий фактлар, тарихий воқеаларнинг ички томонини, уларнинг авра-астарини ростакамига очиб беради. Тарихий романнинг ўзига хослиги шундаки, у қайси бир мамлакат ва ёки қайси бир ҳалқ ҳаётига мурожаат қиласин, барибир унинг асосида ҳаққонийлик тушунчаси ётади. Тарих фани билан санъатнинг кўшилиш нуқтасида тарихий роман туғилади. Шунинг учун ҳам тарихий роман тарихни яна ҳам тўлдиради, яна ҳам бойитади, бинобарин, у - тарихнинг ажралмас бир қисми ҳамдир”<sup>4</sup>.

Демак, тарихий роман асосида ҳаққонийлик ва замонавийлик тушунчаси ётади. Бошқача қилиб айтганда, тарих ва замонанинг умуминсоний ва умумбашарий муаммолари ҳар қандай тарихий асар мазмунининг асосини ташкил этади. Тарихий роман шу икки омилнинг бадиий синтезидан ташкил топади.

4. В.Г. Белинский. Собр. Соч. В трех томах. Т. 2. гижл. М, 1948 г., стр 40.

Замонавий мавзуда ижод этган адиг бугунги кун кишиларини ўйлатган ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни замондошимиз характерини яратиш орқали тадқиқ этиб, замондошимиз интилишлари, курашлари тимсолида таҳлил этади. Фаровон турмушимизнинг янада равнақ топишига тўсқинлик қилаётган иллатларни, айрим сабабларни ҳаққоний ёритиш орқали ижтимоий-маънавий тараққиётга ҳисса кўшади. Тарихий мавзуда қалам тебраттган адиг ҳам ўтмиш ҳаётига объектив муносабатда бўлиб, тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнида реализм методининг ижодий принципларига таянган ҳолда иш кўриб, ҳаққоний бадиий образлар яратишга бор имкониятларини сафарбар этади.

Англашиляптики, замонавий ёки тарихий мавзуда қалам тебратада иллатларни умумий ва ягона мақсад бирлаштириб турибди: ҳаётий ҳодисалар ичига чукур кириб бориш орқали китобхонга эстетик завқ бағишлиш, тарих сабокларини замонга хизмат қилдириш ёки бугунги куннинг истиқболи учун курашга чорлаш. Санъаткор адиднинг бор истеъдоди тарихий ҳақиқатлардан бадиий ҳақиқат яратиш жараёнида намоён бўлиб, ҳақиқатларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини бадиий сўз ёрдамида тасвирлаш, ҳақиқатларнинг асл мағзини очиш орқали бадиий тасвир яратиш чоғида юзага чиқади. Етук адиллар томонидан яратилган романлардаги тарихий воқеалар ҳам ана шундай таъсир кучини ҳосил этишга хизмат қиласди.

Таникли адиг Пиримкул Қодиров шундай самарали йўлдан бориб, ҳаётий материал ва манбалардан таъсирчан бадиий образлар яратишда фойдаланган. Мовароуннаҳр ва Хурросонда XV аср охири ва XVI аср бошларида содир бўлган бир қатор тарихий хужжатлар ва бадиий асарларга ижодий муносабатда бўлган. Қаламга олинган тарихий ҳодисалар яхлит бир серкирра, мураккаб ва зиддиятли инсон характеристини яратишга йўналтирилган. Бу – Бобур Мирзодир.

Маълумки, Бобур Самарқандни эгаллаб, марказлашган кучли давлат барпо қилишни орзу қилган. Лекин Шайбонийхон қўшинидан енгилиб, ўз ютидан узоқларга кетишга мажбур бўлган. Ҳаётининг сўнгги йилларида у Ҳиндистонга юриш қилиб, бобурийлар давлатига асос солди. Бу ўлкани забт этиб, фақат бойлик ортиришни кўзлаган фотихлардан (масалан, Маҳмуд Газнавий, Чингизхондан) фарқли ўлароқ мамлакатдаги феодал тарқоқликка чек қўйишга ҳаракат қиласди, диний мазҳаблар ўртасидаги низоларни бартараф этишга интилди, илм-фан ва маданиятни равнақ топтиришга ҳисса кўшди, қатор асарларини яратди.

Ёзувчи П. Қодиров Бобур ҳаётининг энг драматик паллаларини қаламга олиб, тасвир марказига унинг инсоний дунёси, кечинмалари, нозик туйгулари, дил изтироблари, ўй-хаёллари, мақсад ва интилишларини бадиий акс эттирган. Қаҳрамоннинг мақсад ва интилишлар йўлидаги шиддатли кураши эса асардаги гоявий-бадиий концепцияни ҳаракатга келтирувчи кучга айланган. Табиийки, буларга осонлик билан эришилмаган.

Ҳаётда меҳр-оқибат, фидойилик, мардлик, матонат, ҳалоллик каби туйгулар кескин курашлар эвазига қарор топади. Етук ижтимоий тараққиётнинг ўз-ўзидан, қаттиқ маънавий-иқтисодий тўқнашувларсиз юзага чиқиши мумкин эмас. Бу ҳодиса бадиий адабиётда хилма-хил шакллар, ранг-баранг тасвирий воситалар, усулларда ўз ифодасини топади.

Адабиётимизда сўнгги йилларда яратилган асарларда ҳам масаланинг шу томонига жиддий эътибор бериладир. Ҳусусан, Пиримқул Қодировнинг “Олмос камар” романи ҳаётий воқеалар, ҳодисалар, кескин тўқнашувларга бойлиги билан китобхон диққатини тортади. Асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бири Аброр Аъзамов – моҳир меъмор. У чизган лойиҳалар асосида Тошкентда гўзал иншоотлар, фавворалар, хиёбонлар бунёд этилган. Аброр куч-кудрати, билими ва имкониятларини замонавий меъморчилик санъатини равнақ топтиришга, Тошкентни юксак маданий марказ сифатида обод эттиришга сарфлайди. Диққат қилинг, қаҳрамон ўзидаги мавжуд имкониятларни эзгулик яратишга қаратаетир. Лекин у ҳаётда эзгулик, юксак эътиқод ва яхши ният учун курашиб, жиддий қаршиликларга дуч келади. “Олмос камар”ни ўқир эканмиз, Аброрнинг ўз-ўзи ва ўзгалар билан мунтазам талашиб-тортишиб, тўқнашиб яшаганини, меҳнат қилганини англаймиз. Айни чоғда, романдаги бадиий конфликтнинг эпик кўлами жанр талабларига мос тушган. Асарнинг етакчи қаҳрамони Аброр фақат Вазира, ота-онаси билангина эмас, балки ҳамкаслари, масъул раҳбарлар билан ҳам жиддий масалалар ҳусусида тўқнашади. Бундай тўқнашувлар жуда кўп одамлар тақдирли, фикр-ўйларини қамраб олади, асар мазмунини янада бойитади. Романда Аброр ва Вазиранинг дунёқараши, хатти-ҳаракати Тошкентни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш мақсадида чизилган икки лойиҳага боғлиқ ҳолда очилади. Биринчи лойиҳани Аброр яратади, иккинчисини Шерзод ишлаб чиқиб, ўзига Вазирани шерик қилишга муваффақ бўлади.

Диққат қилинг: бир-бирига зид лойиҳалар, қарама-қарши характерлар, туйгулар ва манфаатлар курашини келтириб чиқаради. Ўз мақсадини Аброр қўйидагича изоҳлайди: “Бўзсув

кatta тарихий бир обида, унинг қайта тикланадиган жойлари кўп. Тошкентнинг икки минг йиллик тарихини кўрсатадиган чорбоғлар, шийлонлар, бошқа этнографик нарсаларнинг ҳаммасини Бўзсув бўйларига қуриб, такори йўқ бир ансамбль яратиш мумкин".

Шерзод эса бундай ансамбль яратилишига қарши. У тез ва арzon қуриладиган объекти химоя қилади. Ёмони шундаки, у табиатнинг ўзига хос жозибаси, роҳатбахш хусусиятларини сақлаб қолиш тўғрисида бош қотирмайди. Бироқ ёзувчи бу характеристи фақат "қора бўёқларга" чаплаб ташлаган эмас. Шерзод қанчалик истеъдодсиз архитектор бўлмасин, инсон сифатида баъзи яхши фазилатларга ҳам эга. Қалбида қандайдир эзгу ниятлар, хиссиётлар мавжуд: "Японияда Тошкентнинг макети павильонининг катта бир залини эгаллапти. Халойиқ кети узилмай кириб турибди. "Тошкент" меҳмонхонаси, Навоий театри, йигирма қаватли бино – ҳаммаси худди кафтда тургандек аниқ кўринади. Ҳаммаси жуда усталик билан ичидан, тагидан, ёнидан ёритилган. Ўзбекистонни эслатадиган чиройли бир музика эшистилади. Ватанингизни узоқ жойда шунаقا эъзозлашганини кўрсангиз кўнглингиз кўтарилиб, ғалати бўлиб кетар экансиз, Вазира, этларим жимиirlab, кўзларимга ёш келди-да ишонасизми?".

Ха, Шерзоднинг "Этлари жимиirlab, кўзларга ёш келганини" тасаввур қилиш мумкин. Биз унинг характеристида ҳаётийлик ва табиийлик мавжудлигини ҳис этамиш.

Маълумки, табиат муҳофазаси инсоннинг маънавий гўзаллиги, баҳт-саодати учун кураш билан қўшилиб "олмос камар"ни ташкил этиши керак, деган фикр асарнинг мазмунини ташкил этади. Буни ёзувчи романнинг етакчи образларига сингдириб юборолган. Аброр билан Вазира севишиб турмуш қуришган. Лекин бу улар ўртасида жиддий тўқнашувлар бўлмайди, деган маънони билдирумайди. Ҳолбуки, айрим асарларда ижобий қаҳрамон сифатида талқин этилган эр-хотинлар ҳамма вақт бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб, тинч-тотув яшайдилар. Мабодо уларнинг ўзаро муносабатлари сал мураккаблашса, муаллиф уни осонгина бартараф этади. Аммо оиласвий ҳаётнинг ўзига хос нозик жиҳатлари ҳам борки, буни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ёзувчи Аброр ва Вазира ўртасидаги қарама-қарши муносабатларни ёритишда айнан шу масалани четлаб ўтмаган, натижада қаҳрамонларнинг майший ҳаёти романда ишонарли акс этган. Аброр ҳам, Вазира ҳам ўзига хос характеристга, нуқтаи назарга эга бўлган образлардир. Улар ўртасида муайян муштараклик, шу билан бирга баъзи зиддиятлар мавжуд. Ҳар иккиси оиласда баҳтли турмуш кечиришни, ишда, ижтимоий

фаолиятда эл-юртнинг ободонлиги, турмуш фаровонлиги, Тошкентнинг меҳнаткаш халқ учун ўзига хос “олмос камар” бўлиб хизмат қилишини орзу қилишади. Лекин қаҳрамонлардан ҳар бири ўз савияси, дунёқарашига кўра баҳтни ҳам, ижтимоий фаолиятдаги эзгулик ва ҳалолликни ҳам ўзича тушунади. Улар ана шу тушунчалари ва эътиқодларига кўра яшайдилар, тер тўқадилар, курашадилар.

Адиб Вазира характеристида муайян чекланганлик мавжудлигини яширмайди. У Аброрнинг ота-онасини ёқтирамайди, урф-одатлар, удумлардан бутунлай юз ўгиради, ўзини ҳаддан ташқари маданиятли, оқила ҳисоблаб, ўзгаларга, ҳатто Аброрга ҳам бироз менсимайроқ қарайди. Баъзан раҳбар ходимларни ўзига ром этишда аёллик назокати, латофатини ишга солади. Вазиранинг мана шу хусусиятлари эрига малол келади. Турмуш ўртоғининг бундай хатти-ҳаракатлари унинг маънавий эҳтиёжларига зид тарзда юзага чиқа бошлайди. Хусусан, Вазиранинг Тошкент ариқларини бетонлаштириб, табиат муҳофазасига қарши қаратилган лойиҳа муаллифи Шерзодни ёқлаши Аброрнинг жон-жонидан ўтиб кетади: “Сиз ҳам ўша одамга ўхшаб нуқул темирбетонга сифинасиз, тирик табиатни писанд қилмайсиз. Сизга ясама гўзалликлар бўлса бас... одамдаги бу камчилик – маънавий карликка ўхшайди, шуни билиб қўйинг!”.

Ёзувчи эр-хотиннинг бир-бири билан ошкора олишувини рўйност кўрсатиб, табиат гўзаллигини сақлаш учун кураш инсоннинг маънавий поклиги, баҳти учун курашга боғланиб кетишини тўғри таъкидлайди. Шуниси дикқатга сазоворки, романдаги қаҳрамонларнинг ўзаро тўқнашувлари жуда ҳаётый, табиий равишда юз беради.

Пиримқул Кодиров романни қайта ишлаш жараёнида асар конфликтини кучайтирган, қаҳрамонларнинг характеристидаги кўпгина хусусиятларни янада теран очишга интилган. Аброр, Вазира, Шерзод образларининг ҳаётый, табиий чиқиши учун жон куйдирган. Натижада “Олмос камар” “Дружба народов” журналида чоп этилган, ёзувчилар уюшмасининг мукофотига сазовор бўлди.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларини янада жонли гавдалантириш учун ҳаётый материални тадқиқ этиш йўлидан боради. Хусусан, Аброрнинг ижтимоий фаолияти, интим дунёсидағи қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ тасвирланади. Баъзи ҳоллардагина китобхон қаҳрамон ўрнига ёзувчи сўзлаётгандай, баёнчиликка мурожаат этаётгандай тасаввур уйғотади: “Эр-хотин уйда ишдаги келишмовчиликлардан оғиз очмасалар ҳам, лекин бу келишмовчиликлар икковларининг

орасида кўзга кўринмас бир деворга ўхшаб турар ва ҳовлида ўринсиз қурилган уйдан бешбаттар халақит берарди. Ҳатто кечалари эр-хотин қўш каравотда ёнма-ён ётгандарида ҳам сукутдан қурилган бу девор уларнинг қалбларини бир-бирларидан тўсиб тургандай бўларди”<sup>5</sup>.

Кўринадики, ёзувчи қаҳрамонлар хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатларидағи зиддиятларни факат таъкидлаяпти, холос. Қаҳрамонлар ўз характерларининг мантиқига кўра ҳаракат қиладилар-у, гоҳида ёзувчи фикрларини шунчаки баён этувчи воситага айланадилар. Натижада романбоп характерлар ҳаққоний эпик тип даражасига кўтарилемай қолади. Эпик тафаккур эса асаддаги барча қаҳрамонлар қиёфасида, қалбида, маънавий ва ижтимоий фаолиятида ўз аксини топиб, муаллиф нуқтаи назарини юзага чиқаради<sup>6</sup>.

Бинобарин, шунчаки бадиий мақсадлар эмас, балки ҳаёт ҳақиқатини мавжуд зиддиятлари билан намоён қиласидиган кучли эҳтирослар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, кечинмалариға сингдирисиб юборилиши керак. Афсуски, баъзи ёзувчилар воқеалар қанчалик кенг майдонда ва барча тафсилотлари билан ифодаланса, романбоп бўлаверади, деган нуқтаи назарга мувофиқ иш кўрадилар.

**“Роман, тарих ва замон” (1985) рисоласидан**

## **ИЖОДКОР ШАХСИ ВА БАДИЙ УСЛУБ**

Услуб тушунчасига ўтган асрнинг етмишинчи–саксонинчи иyllарида, айниқса, жиддий эътибор қаратилганлигини қатор адабиётшуносларнинг мақола ва тадқиқот ишлари орқали кузатиш мумкин.

Адабиётшунос олимлар Ҳомил Ёқубов ва Салоҳиддин Мамажонов услугуни “Фоявий–бадиий хусусиятлар бирлиги” тарзида талқин этган бўлсалар, қатор тилшунос, ҳаттоқи, баъзи адабиётшунослар ҳам услугуни тил ҳодисаси сифатида қарашни маъқуллаганлар.

Ёзувчи услугубини фақатгина бадиий тилга боғлаб ўрганиш, асад тилини лексик қатламлар, образли ва образли бўлмаган нутқ воситалариға ажратиб талқин этиш унчалик тўғри эмаслигини адабиётшунос Ўрол Носиров ўзининг “Иходий шахс, бадиий услуг, автор образи” номли монографиясида тўғри таъкидлаб, қуйидаги мулоҳазани билдиради: “Шундай қилиб, услуг

5. Андре Бретона. Сюрреализм манифести. // Жаҳон адабиёти. – 2000. 5-сон. 179-б.

6. Ҳ.Каримов. Истиқлол даври шеърияти. 42-б.

ёзувчининг воқеликни индивидуал образли ўзлаштириши, уни эстетик-образли тасвирлаш, индивидуал бадиий талқин қилиш усулидир”.

Ана шундай талқин ўзбек адабиётшунослигига тўқсонинчи йилларга қадар ижодкор услубининг назарий талқинига оид қарашларда етакчилик қилган. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигига ижодкор услуби у яратган бадиий оламга хос етакчи хусусиятларга боғлаб ўрганилмоқда. Сўнгги даврда ижодкор феномени, яъни, истеъдод соҳибларининг ижодий қиёфасини белгилаш ўзига хос услуб яратиш йўлидаги изланиш-интилишларига муштарак тарзда тадқиқ қилинмоқда. Бир қатор адабиётшунослярнинг шеърият поэтикаси, ўзбек насрига хос етакчи тенденцияларни илмий тадқиқ ва таҳлилга тортган қатор кузатишларида, алоҳида сўз санъаткорлари ижодига чизгиларида улардан ҳар бирининг ижодий қиёфасининг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ўзига хос услуб тарзида ўрганилган. Икром Отамурод кангул шоири сифатида ранг-баранг одамларнинг кўнгил манзараларини ўзига хос тарзда поэтик кашф этишга эришмоқда:

*Бир одам... қувончдан яйраб кетмайди,  
тўкилиб кетмайди қайғудан.*

*Бир одам... канглун очмас,  
зинхор бирояга,  
бировнинг канглуга –  
кириб ҳам бормас.*

*Бир одам... кунини ё қарғаб,  
ё мудраб ўтказади,  
тимирскиланиб ўтказади  
тунини.*

*Бир одам... тошбақамижоз:  
роста бўлиши ҳам осон,  
чаппа бўлиши ҳам осон...*

Шоирнинг “Узоклашашётган оғриқ” номли достони муайян андозаларга мос келмайди. Поэтик тафаккур тарзининг сержилвалиги лирик қаҳрамон кўнглидаги оғриқнинг хилма-хил маъноларни ифода қилишидан англашилади: “Токи бу дунёда шундай бир оғриқ борлиги ва усиз одамзод қалби фафлат, жаҳолатга ботиб қолишин англасин, тушуниб етсин юракдан. Ўйғонсин қалбининг қаърида мудраб, ғофил ётган оғриқ азоби...”. Лирик қаҳрамон қалбидаги бу оғриқ қандай маънони ифода қиласди? Унинг тизгинсиз ўйлари не сабаб одамнинг ўзлиги ҳақида? Ўзлик, шоир талқинича, бу ХОТИРАНГ, ҚАДАМИЯТИНГ, НОМИНГ, ЛИСОНИНГ, ВАТАНИНГ, ҲАҚИҚАТИНГ ва юрагинг

куввати – ЭРКУ ИХТИЁР, сўзинг равон этган НОМУС ва ОРИНГ!

Лирик қаҳрамон вужудини ўртаган алам, изтироб оғриқ минбарда ҳақиқатдан лоф уриб, амалда ундан ниқоб ўрнида фойдаланувчилар туфайли. Юртининг номидан от суреб, эътиқодин шиллиқурт каби сўриб ётгандар; ақли сийрак, фаҳми нотавон зотлар; аъмоли ўмариш, қилмиши-найрангдан иборат кимсалар. Шулар томирингни емириб борарлар. Барча нодонлигу жаҳолат улар туфайли.

Имонни, виждонни туфроққа қориб,  
таъманинг қарами бўлса муддаонг,  
ё раббим, кўксингда тўр тўқир тинмай,  
ўргимчак балои нафснинг аъмоли.  
Кимлигин билмаган банда алҳазар,  
ҳамиша ўқланган сопқон сингари  
ғаним дастида шай турган катора:  
сотқинлик, жиноят ўшандан содир,  
разолат, хиёнат ўшандан пайдо,  
ўша – ишорани бажарувчи қул,  
ўша – ҲАҚИҚАТНИ мўлжал олган тиф.

Мабодо, инсон ўзлигини англаб етмаса, кечани эсдан чиқарса, бугуннинг ўзида тўхтаб қолади. Шоир лирик қаҳрамон қалб нидоси орқали эрта сари бораётган одамларга қаратса ўзинг билан бирга кечадан келган меҳни, ишончни, оқибатни эртанги кунларга олиб ўт. Бу фазилатларни боболаринг сенга мерос қилиб қолдирган, уларни унутсанг ўзлигингга ҳам бегонасан... дея бонг уради. Кангул кўноғида доимо мен кимнингдур ўрнидаман, деган бир илоҳий ҳис макон тутмоғи мансуб. Умид шундан. Шафоат шундан. Иноят шундан. Шулар туфайли заминда ҳаёт давом этади, инсон эрта сари интилади, азобу оғриқлар ундан узоқлашади. Аммо, оғриқсиз яшаб бўладими? Ҳаётнинг турли йўлларидан юриб келаётган икки йўловчининг ҳаёт фалсафаси, нуқтаи назари, сезимлари, ҳукм-хуносалари орқали бу саволга жавоб топамиз. Бундан қочиб кетаётган тўрғайларни, йўрғаларни, сафсарларни вактида меҳр билан ортга қайтарсак, сотқинларнинг урчиши, кўрқоқларнинг тиф тутиши, манфаат жаллодлари бўй чўзишига чек кўйилади. Одамлараро меҳр-мурувват макон топса, назарнинг тўқлиги, дил фориғлиги, юзлаб кўзларнинг бирдан очилишига сабаб бўлади. Барчанинг мулки – ИМОН, давлати – СУБУТ, макони – ВАТАНГА айланса, изтиробни туйса, севса, севилса, оғриқ ундан узоқлашмаса, шунда ИМОНга етишар, кўнгил покланар. Достоннинг фалсафий-бадиий умумлашмаси салмоқли.

Дунёнинг бор азоб-уқубатларини нафақат жисмонан, балки ўз руҳий дунёсида эзилиб кечирган овора кечмишларини адига

921 446

Саломат Вафо “Оворанинг кўрган-кечирганлари” романида таъсирчан ва ишонарли услубда тасвирилаган. Ҳаётда ўз иқтидорига кўра севган касбини уддалаб, болалари, оиласи бағрида ҳалол яшашни ҳар қанча истамасин, асар қаҳрамони Салтанат ҳаётнинг зарбаларига, шафқатсизликларига, хиёнату мунофиқликларига дуч келаверади. Оқибатда, у яшашдан безади, ҳаётдан фазабланади, нафрлатланади. Аслида, одамлардан беғараз, самимий муносабат, яқинларидан меҳр-муҳаббат, дўсту сирдошларидан вафо, садоқат, ўзи яшаб турган бу оламдан қувонч ва тўқислик излаган аёл учун кўрган азобларига чидайди, шу баҳтга етиш йўлини излайди. Ўз бошпанаси, ўз осмони, ўз ҳавоси ва суви бўлишини орзу қилади. Унга бу орзулардан ҳеч бири насиб этмайди. Чунки истаганлари учун тўланадиган бадал юки оғир эди. Тинч, осойишта яшаш учун Аббос Сулаймоннинг жирканч нафсини қондириши, бошқаларнинг унга нафрлатланиб қарашларига чидаши, энг ачинарлиси, виждон азобида яшаши керак. Салтанат бутун вужуди билан бу йўлнинг носозлигини, ичидаги “мен”га қарши кураша олмаслигини хис этиб, қишлоққа қайтади. Афсуски, жигарлари уни қўллаб-кувватлашни истамайди, бойвачча синглиси ўз қасридан кичик хужрани ҳам унга раво кўрмайди. Топар-тутари бадастур укаси аллақайси бегона аёлга миллионлаб қарз бериб юборади-ю, ўз жигарига ёрдам беришдан бош тортади. Энг оғир вазиятда ўз уйидан ҳайдалади.

Салтанатни қийнаган азобли саволларнинг бари жавобсиз: “Нега қиз бола турмушга чиқиб кетгандан сўнг уйга қайтиш номус хисбланади? Ака-укаларимнинг уйда қанчалик ҳаққи бўлса, менинг ҳам шунчалик ҳаққим борми?”. Салтанат қиёфасининг ўзига хослиги ҳамма каби эмаслигига. У мағрур, серҳаяжон, жангари, бир қадар қайсар. Адиба қаҳрамон қиёфасини “иккиланишда” тасвирилади: бири истеъдодли журналист, гўзал ва мафтункор аёл. Кези келганда, бошқаларда бўлмаган ноёб хислатларидан фойдаланишни билади, “сувга олиб бориб, суформай олиб келиш”ни уддалашига кўзи етади. Иккинчи қисми ўзи билан ўзи курашиб яшайдиган, ҳар қандай муносабатдан манфаат изловчи кимсалардан нафрatinи яшира олмайдиган, ўз қисматидан аламзада (истаган эркак аёл қисматини ўз манфаати йўлида ағдар-тўнтар қилиб юборишидан норози), ҳимоясиз, суюнчиқсиз, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган ожиза, оиланинг бор юкини аёл елкасига ташлаб, на унинг, на фарзандларининг қисматига масъул бўлмаган бефаросат, овқат ейишдан бошқа нарсани ўйламайдиган хайвонсифат эр билан яшашдан бош тортган, барчанинг лаънатига дучор бўлса-да, ўзи истамаган ҳаётдан юз ўгирган, шу туфайли

юз минг ташвишларни бошдан кечирган Салтанат Маҳмудова қиёфасида гавдаланади. “Эримни севмадимми? Ака-укаларимга боғланмадимми? Ким сенга шундай қил деди? ...Қалбим, юрагим билан шуларни түғри йўлга солиш керак дедим...”. Асарда қаҳрамон қиёфаси шу тариқа икки кўринишида: баъзан ўз-ўзи билан курашувда, баъзан бири иккинчисини инкор этиш, исён қутариш, фарёд чекиш, “пичоқларнинг аёвсиз азобларига дош бериш”, баъзан кўниш ва кўникиш ихтиёрида гавдаланади. Ҳар икки қиёфа бирлашганда, китобхон кўз ўнгига меҳрга ташна, ёниқ қалбидаги тизгинсиз меҳрни беришга муносиб инсонни топмаган, фақат хаёлидагина уни топган ёлғиз аёл гавдаланади. Адиба меҳрдан мосуво аёл рухиятини “ичдан” ёритишга эришган. Аёлнинг сирли ички олами, сирли туйгулари ва хаёллари, сезимлари илк бора очиқасига тасвирланган. “Овворанинг кўрган-кечиргандар” аёл бўлиб туғилгану лекин аёл бўлиб яшаш бахти насиб этмаган, оқибатда, бутун бир жамият фожеасига айланган ўнлаб овворалар қисматини Шоира, Азиза, Мақсада опа, Омонгул, Малика, Ойзода Камол тақдири тимсолида тасвирлайди. Асарда улардан ҳар бири бошқасига ўхшамайдиган олами, қиёфаси, яшаш фалсафасига эга бўлса-да, аччиқ қисмат, хўрлик, аёллик бахтидан бенасиблик улар учун умумий дард. Айниқса, Мақсада опа образи узок муддат китобхон кўз ўнгидан, тасаввуридан нари кетмайди. У покиза, самимий, иймон-эътиқодли, тақводор аёл. Ҳаётнинг бор эзгуликларини жуфти ҳалоли-Кори ака тимсолида кўради, унга сўзсиз бош эгади, ўзлигини унга бағишлийди. Иймон-эътиқодининг рамзига айланган эри ёшлиқда кўнгил кўйган аёлга уйлангач, Мақсада опа маънавий ўлим топади. Қадр-қиммати топталган, хўрланган кезлари Салтанат бу азоблардан тўлғониб, дод дейди, исён қилади. Мақсада опа эса барини Оллохнинг иродаси, марҳамати деб қабул қиласи, қаршиликсиз итоат этади. Окибатда, ҳаётлигига да ёк маънавий жиҳатдан емирилиб, ҳеч ким ҳисоблашмайдиган, қадрламайдиган, ихтиёридан айрилган, ёлғизликка маҳкум қилинган аёлга айланади. Салтанат орзу қилган, бахтини топган аёл бўлиб туюлган Мақсада опа ҳам, аслида, унинг ўзига ўхшаган бир бечора, хўрланган аёл эканлигини англаб етади. Асардаги барча аёлларнинг аянчли қисмати бир бутунликда овворанинг кечмишларига айланниб кетгандай. Ҳар бир қисмат аёл фожеасининг бир кўриниши, турфа суратидай туюлади. Ҳатто қамоқхона назоратчилари, буюк ғоялар тимсоли Идея ҳам аёлнинг битмас-туганмас оғриклари тимсоли. Аёл қисматининг бу қадар азобли тасвири Мадина каби аёлларга тақдирдош қизалоқ билан боғлиқ воқеалар орқали, айниқса, таъсирчан ифода этилган.

Салтанатнинг ёвуздар чангалидан уни кутқариши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари, қизчанинг чуқурликка ағдарилиб, йўқолиб қолиши муайян рамзий маънони англатади. Жамиятда аёлнинг қадр-қиммати, ўрни тикланмас экан, уни оёқ-ости қилиш, хўрлаш давом этаверади. Эркаклар жамиятда ҳам, оиласда ҳам ўз ўрнини эгаллаб, аёлга суюнчик, ҳимоячига айлансалар ҳаётда бозорчи аёллар, Салтанату Мадиналар қисмати бу қадар оғир, аччик, фожеали бўлмасмиди? Одамлар онгидаги аёлга муносабат тушунчаси ўзгармас экан, Мадиналар қисмати шу тариқа мавхумлигича қолаверади.

Саломат Вафо тасвирда ресроспектив усулдан самарали фойдаланиш, баробарида, қаҳрамон руҳиятидаги драматизмни унинг тушларига маҳорат билан кўчира олган. Айниқса, воқеаларнинг поёнига етмаганлигини, қаҳрамон тақдири “Умр китобининг фуссоли саҳифалари ёпилиши”дан кейин ҳам давом этиши Салтанатнинг асар сўнггидағи туши орқали ойдинлаштирилган. “Тушида Маҳмуд Искандаровга ўхшаган бир одам унга қараб келар эмиш. Унинг атрофида, йўқ, йўқ, эслади, белида ялтироқ пичоқлар осилганди. Шаҳдам қадам ташлаганида жаранг-журунг этарди. Анчадан бери таниш пичоқлари энди Маҳмудга кўшилиб унинг жонини олишга келибди-да? Чунки бошқа оладиган ёки кечадиган ҳеч ким ва ҳеч нарса қолмаган”. Пичоқлар қандай маънони англатади, нега у ҳаёт йўлларида қаҳрамонга такрор ва такрор рўбарў бўлаверади? Пичоқ муайян рамзий маънога эга. Салтанат бошидан кечириши тақдирида бўлган фожеалар, йўл кўйган гуноҳлари, хатолари оқибатида бошига тушадиган кўргиликлар пичоқ каби унинг вужудини, юрак-бағрини нимталайди. Ўзи истаб-истамай қилган ишларидан виждони эзилганда, ана шу азобни ҳис қиласди. Пичоқлар гоҳ Аббос Сулаймон кўлида, гоҳ муаллақ ҳолда, гоҳ яқинлари, асар якунида эса Маҳмуд Искандаров кўлида кўриниш бериши аёл изтиробларининг чексизлигини билдиради.

Салтанатга илк меҳрни Аббос Сулаймон беради. Меҳрга зор чоғлари ўз ихтиёридан ташқарида қайта ва қайта ўша меҳр кўрган гўшасига боради, “Сизни жуда соғиндим!”, дея илтижо қиласди. Сўнгги бор Маҳмуд юборган гулларни кўлига олганида, ўзининг аёллигини, кимнингдир эътибори, меҳри туфайли илиқликини ҳис қиласди, вужудини ёқимли ҳарорат қуршайди. Яшашга умид уйғонади. Адиба аёлнинг меҳрга ташналигини, самимий меҳрни туйган чоғи ўзини ва ўзлигини унга курбон этишга қодирлигини ана шундай ишонарли манзараларда тасвирлашга эришган.

Меҳр-муҳаббатга талпинган Салтанатни ўз вужудидаги виждан

маёгини тутган иккинчи Салтанат баъзида тафтиш этиб, айблайди, интилишларини қоралайди, хатти-ҳаракатлари устидан шафқатсиз ҳукм чиқаради. Шундай ҷоғларда у шашқатор ёш тўқади, ҳатто “кўзларимдан қон томар эди”, “юрагимни хис қилмай кўйдим”, “уз танамга нисбатан нафрат, чегарасиз нафрат”ни туйдим, дейди. Асарда аёл дунёсидаги зиддиятлар таъсиричан ва ҳаётий тасвирланган. Саломат Вафо аёл дунёсининг, қалбининг сирлари, аслида, оддийгина бир туйгу билан боғлиқ эканини, шу хисни бутун вужуди орқали тўлик хис қилиш учун у ҳар нимага, ҳар қандай азобга, қисматга рози эканини, баҳт кўйида оворанинг кўрган-кечирганлари орқали ифодалашга ҳаракат қиласди. Бу, шубҳасиз, бугунги ўзбек адабиётида, хусусан, насрда инсон қалбини янги жиҳатлар тасвирлаш ўзига хос услублар орқали намоён бўлаётганлигини кўрсатади.

**“Шарқ юлдузи” журнали, 2009 йил, 3-сон**

## **ҚЎЛАМДОР СЎЗ САНЪАТКОРИ**

Мақсад Шайхзоданинг 1957 йилда яратилган “Тошкентнома” лиро-фалсафий достони шоир феноменини англаш имконини берувчи, лирик туйгулар билан йўғрилган қўламдор асар ҳисобланади. Алоҳида лавҳаларга сингдирилган фалсафий мушоҳадалар, ўй-кечинмалар лирик қаҳрамон – шоир образи орқали бирлашиб, яхлит поэтик ғояни ифодалайди. Айни жиҳат асарнинг композицион бутунлигини ҳам таъмин этган. Достон 18 қисмдан ташкил топган.

Шаҳарлар бокийдир, умр – ўткинчи,  
Дарёлар событдир, сувлар – кўчкинчи.  
Ҳар ким ўз шаҳрида қўйган эсдалик:  
Ё бино куришда катта усталик,  
Ё ширин латифа ёки ихтиро,  
Ё дараҳт, ё фарзанд, кўпприк, ё мисра,  
Ё кўшиқ, ё дори, мактаб, соқчилик,  
Хулоса: дунёда бирон яхшилик...

Асарнинг “Бағишлов” деб номланган илк қисмида шоир авлодлар учун эзгулик яратиш мақсадида қалам тебратганлигини фалсафий йўсинда таъкидлаган. Тошкент шаҳрини, унинг самимий, меҳр-оқибатли одамларини “дилдаги муҳаббат, ихлос” илиа таърифлаган: “Тошкент дейилса, эсга келар ёз ... Ҳа, Тошкент дейилса, қуёш эсда шай”.

Умрида ким келса, бир бор бу ерга  
Калбига экади Тошкентим меҳрин.  
Шу учун Тошкент ҳам қуёшли муҳрин,

*Босар паспортларга, хотираларга.  
Дейдилар: Тошкентда сув ичган чумчук  
Қайтиб келар экан Маккатуллодан.  
Юзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам очик  
Табаррук тупроғи зару тиллодан...*

Шоир “табаррук тупроғи зару тиллодан” бўлган юрт тарихини сарғайған қўлёзмалардан ўқиб, мушоҳада қилади, ҳаёт ҳақиқатининг “мағзини” чақишига интилади:

*Ҳа, билим қолар экан, ёзув қоларкан,  
Ёзувдаги азалий орзу қоларкан.  
Ёмонлик ўлар экан, пастлик ўларкан,  
Истибдоднинг қалъаси бир кун қуларкан!..*

Гўзал юртларни, бой маданияти ва буюк тарихига эга ҳалқларни истибдодга соглан собиқ шўролар ҳокимииятига қаратилган ўтли ҳукм эди, бу! Достонда шоир яшаган тузум ва унинг асосчиларини мадҳ этувчи мисралар учраса-да, китобхон ўз замонасига, ўз даври сиёсати ва воқелигига бўлган муносабатини очиқ-равshan ифода қилганлигини қатор мисралар орқали ёрқин англайди.

*Аммо ариқлар қазиб, кўприк  
соглганлар,  
Дастурхоннинг бошида куруқ  
қолганлар.  
Ер ҳам, сув ҳам, қуёш ҳам,  
обу ҳаво ҳам,  
Камбағал нонин бутун қилмади,  
нега?  
Зўравонлар ҳукмида қул эди одам,  
Толе хонадонида меҳнаткаш,  
ўгай ...*

Серкүёш юртнинг бепоён манзарапари зилол сувлари, беназир обу ҳавоси эркисиз, меҳнатга қул қилингандан ҳалқнинг ўзгалар “ҳукмида”; толеи нурсиз эканидан изтироб чеккан шоир ўтмиш даврлар тасвирига ўз замонасининг дардларини йўғириб ифодалайди.

*Йўлларда ётарди кўп бегуноҳлар,  
Фотих излари – бесон қабрлар.  
Тилингдан, элингдан кеч, деб буюрди,  
Тиз чўкмай “йўқ” деди ботирлар юти.*

Достоннинг VII-қисмигача 2-бўғинли туроқ тартибиға мос оҳанг етакчилик қилса, замонавий қиёфадаги Тошкент чизгилари 9 бўғинли туроқ тартибиға монанд оҳангда ифодаланган. Тошкентликлар ҳаёти, кураш ва интилишлари ҳақидаги лавҳалар

орқали шоирнинг эл-у юртларни жаҳаннамга айлантирган босқинчилик урушларига қарши исёни ҳис қилинади. Айни чоғда бармоқ ва эркин вазнда битилган ранг-баранг лавҳалар шоир ўй-кечинмаларини ҳис-ҳаяжонларга йўғириб ифода қилса, сарбаст вазнида ёзилган шеърларда сўз, ҳижо, туроқ каби унсурлар иккинчи даражали воситага айланади. Оҳангга йўғрилган эҳтиросли ва кўламдор фикрлар биринчи ўринга чиқади. Шоир нигоҳи қаерга тушса, ўша ердан бир ҳикмат топади. Лирик қаҳрамоннинг мушоҳадалари тарзида баён қилинган фалсафий мазмундаги ҳикмат даражасига кўтарилиган мисралар китобхонга “юқади”, уни ҳам ўйга толдиради: “Ёмонликлар ўткинчидир, яхшилик – ғолиб”, “Сенинг виждонинг – эл тарозиси”, “Худди шундай ёшлиқ ҳам фақат, Бир бор бўлар биз билан улфат”, “Ҳайкал тирик – бир чақириқдек”, “Тоймаймиз суюнсак катта деворга”, “Кўчат кўчиб келиб экилган тупроқ, Унинг Ватанидир дейиш тўғрирок”.

Шоир айрим ўринларда риторик сўроқ усулидан фойдаланиб, китобхон дикқатини савол-у жавобга тортади. Кўз ўнгимизда Тошкент ва тошкентликлар қиёфасини жонлантиради.

- Нимаси кўп Тошкентнинг?
  - Суви, сойи, сояси ...
  - Нималар кўп Тошкентда?
  - Ошлар, ишлар, кишилар...
- Ёзнинг келиши ила  
Токнинг томирида май.  
Ёйма саватлар тўла  
Маржон каби қуулунай.  
“Жаннат шунда экан-да”  
Дейилса, ким ишонмас?!

Халқ оғзаки ижодига хос ўйноқи оҳанг, қисқа туроқ тартиби ўзига хос поэтик фикрни ифодалашга хизмат қилган. “Булат осиқ Чотқол”, “дороз чинорлар”, “тиник юзли ҳаволар”, “хушбичим теракзорлар”, “маржондай қуулунайлар”, “асл қизил олмалар” каби ўҳшатиш, жонлантириш, маъно кўчиши, метафора, талмех каби шеърий санъатлар воситасида шоир муайян бадиий деталларнинг янги поэтик маъноларини очишга эришган.

Шоир вужудининг бир бўлаги – кўнгли орқали унинг ўзбек халқига, жаннатмакон юртга бўлган меҳру муҳаббати, ҳайрату ҳавасини ҳис қиласиз. “Тошкентнома” сўз санъаткори Шайхзодага хос ўйчанлик, лирик жўшқинлик, кўламдор мулоҳазакорлик каби хусусиятларни намоён этибгина қолмай, унинг ватанпарварлик туйгулари нечоғли рангин, кўтариинки ва улуғвор эканлигини ҳам англатади. Достоннинг сўнгги XVIII

қисмидә шоир ватан мавзусини ёритар экан, ўз эҳтиросларини қуидагича баён қилган:

Ватан – бувилардан набирагача,  
Чўпон сурнайидан операгача ...  
Ватан – гўзалиқдан яхшиликкача,  
Қишдаги қорлардан яшилликкача...  
Тошкентни севмоқлик юракнинг иши,  
Шу учун шартмикан бунда туғилмоқ!  
Шартми, бир романга ишқибоз киши  
Ўзи у романга қаҳрамон бўлмоқ!  
Умрим бино бўлди Озарбайжонда,  
Кечди болалигим у гул маконда ...  
Лекин шоирликнинг нозик толеи  
Кулди Сирдарёнинг ҳавзаларида,  
Ўзбек қўёшининг чин оталиги  
Акс этди мастоба косаларида.  
Ҳазрат Навоийнинг ўпиб қўлини  
Ўзбек водийсида отимни сурдим ...  
Йўқ, мен тақдиримдан эмасман хафа,  
Шоирлик унвони бахтимдан тухфа!

Дарҳақиқат, шоирликнинг юксак унвонига – ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган улкан сўз санъаткори Мақсуд Шайхзода ўзи меҳр қўйган юрт ва халқ қўнглига сингишиб, “мангуликка дахлдор” сиймоларидан бирига айланди. “Мирзо Улуғбек” трагедиясида ҳукмдор билан онаси – Гавҳаршодбегим учрашувлари тимсолида тожу тахт ва салтанатнинг сиртдан караганда улуғвор, шуҳратли экани, аммо шафқатсиз домига тортгувчи қора куч экани рўйи-рост ёритилган. Қуидаги парчага эътибор беринг:

Гавҳаршод: Яхши майл... Яхши майл!  
Мирзо, Салтанат  
Яхшиликни дастур қилса қулайди тездан.  
Тахтни сақлаш лозим экан, шаддодлик керак!  
Бу сир эмас. Ота-бобо удуми-ку...  
Истайман, фарзандларим сulton бўлса ҳам,  
Хоҳишимга итоаткор, қарам бўлсинлар.  
Келинларим каниз каби турсин хизматда.  
Тарбиямда баҳра топган набираларим.  
Шу ахлоқда ўсиб-унди. Мисол, ўғлингиз...

Онаси тарбиялаб, вояга етказган набиралар: Абдуллатиф, Алауддавла ўртасидаги қонли ғараз, ёвуз ғанимлик, жанжалу нифоқни ўйлаб, Мирзо Улуғбек улар онгига сингдирилган ахлоқу тарбиянинг носозлигидан изтироб чекади. Куч-кудрати, салтанату бойликни эзгуликка бўйсундириш орзусида курашади. Аммо... (Улуғбек чукур хаёлга ботиб ўйланади).

Кўп ғалати замонда яшар эканман,  
Қалбимдаги ҳароратни инсонга бериб,  
Эвазига олмокдаман совуқ ғаразлар,  
Мен отамга, жаннатмакон Шоҳруҳ Мирзога  
Камарбаста ўғил бўлдим қирқ йил муттасил,  
Аммо шуни ўғиллардан кўрмадим, ҳайҳот!  
Абдулазиз фикри заиф, жисми ногирон.  
Абдуллатиф – жисман тетик, хулқи хатарли.  
Бу-ку майли! Оналарнинг икром-иззатин  
Умр бўйи талқин этдим аҳли ватанга  
Ўз онамга эҳтиромим эвазига мен  
Не эшиздим? Зуғум билан тъяна, аразлар,  
Бу ҳам майли, Фируззанинг шаънига гийбат!

Ёки, Фируза ҳақидаги ёлғон миш-мишлар авжига чиққанда Мирзо Улуғбек Шайхулислом билан кенгаш қиласди ва талоқ хати ёзишга изн беради. Шу чоғда унинг қалбини ўтли андуҳ кемиради:

Султонларнинг насибаси шу тахлит экан,  
Сиёсатга курбон кетар уларнинг қалби...  
Зеро, ҳазрат, яхши билинг ва унутманги,  
Шоҳ хотини бўлса ҳамки, мутлақ бегуноҳ,  
Унинг номи ҳар хил гапдан, шубҳадан, сўздан  
Холи бўлиб, олий бўлиб турмоғи лозим,  
Эл оғзида чайналмоғи балойи азим.

Фирузани сева-сева талоқ бераман!

Мирзо Улуғбекнинг ушбу дил сўзлари унинг қандай сифатларини ёритишга хизмат қилган?

Асаддаги Фируза тимсоли Мирзо Улуғбекнинг инсоний хусусиятларини, софдиллигини, эзгу хис-туйғулари мазмунини очишга хизмат қилган. Бир сўз билан айтганда, Улуғбек инсон қалбини англашимиз учун унинг юрак кечинмаларини чуқур тушунмоғимиз лозим. Шу билан бирга, асадда ёритилган манзаралар, қаҳрамоннинг ички монологлари тимсолида яна шуни англаймизки, фақат Улуғбекдай буюк инсон ҳалолликни, покликни ўзлигини курбон этиб бўлса-да ҳимоя этишга қодир! Улуғбекнинг инсоний қадр-қиммати ҳам шунда кўринади: ўз севгисини, майл-истакларини курбон бериб, Фируззанинг покиза номини, софлигини сақлашга интилади, садоқатли аёлни юксакка кўтаради, ўз эътиқоди қадар олий бўлиб турмоғини истайди. Демак, ҳар бир инсон ўз севгисига интилмоғи, уни ҳимоя этмоғи лозим. Инсон севгиси, қалби қай даражада пок ва қудратли бўлса, эзгуликка бўлган ишончи ҳам юксак бўлади. Бундай инсон оддий севишу висол... ишқидан ўзгача мақсадлар билан яшайди. Буюк инсоннинг орзу-тилаклари ҳам улуғвор маънолар касб этади.

Энди трагедиядаги яна бир образга эътиборни қаратайлик.

Пири Зиндоний тимсоли қандай ҳәёттүү ҳақиқатларни ифода этади?

Пири Зиндоний образининг маъноси анча чукур. У асарнинг ўртасида ва охиридагина кўриниш беради. Аммо, трагедиянинг етакчиғосини очишда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Асарда муаллиф Улуғбек ҳәётининг сўнгги йилларини тасвирлаганлиги аён бўлди. Шу даврлар улуғ ҳукмдор умр бўйи салтанатни илму-маърифатга, эзгулик йўлига хизмат эттириш учун жон куйдириб яшаганидан гувохлик беради. Афсуски, унинг орзулари, интилишлари аксар холларда кутилган натижани бермайди. Шайхзода айнан мана шу сабабларга, уларнинг Улуғбек ҳәёти ва тақдирига кўрсатган зарбасига эътиборни қаратади.

Бундай сабаблардан бири замонанинг жаҳолат, зулм, истибодод исканжасида экани, тоҷу-тахт учун курашлар авж олган паллада Улуғбек тимсоли, унинг эзгу орзулари зулмат қаъридаги нурдай эканида. Иккинчи сабаб, Улуғбек фарзандларининг ноаҳиллиги, темурийзодалар қалбига чирмашган кек ва адovat, faraz va fanimlik tuyfular асарда ниҳоятда ҳәёттүү ёритилган. Учинчи сабаб сифатида ёзувчи Улуғбек ҳукмдор тимсолидаги қарамакарши туйфулар курашини тасвирлаган. Улуғбек олим билан Улуғбек инсонга хос фазилатлар чигал вазиятларда бирлашиб, ягона кучга айланади ва Улуғбек хатти-ҳаракатларини бошқаради. Бироқ, Улуғбек ҳукмдорга хос ўй-кечинмалар унинг жисмида исён кўтариб, ўз қалбига, эътиқодига қарши ишларни амалга оширишга сабаб бўлади. Муаллифнинг маҳорати шундаки, у Улуғбек вужудидаги ана шу икки қарамакарши хис-туйфулар курашини ўй-кечинмалари, фикрлари ва хатти-ҳаракатларидаги зиддиятларга боғлаб тасвирлаган, ниҳоятда табиий ҳамда ҳәёттүү тарзда гавдалантирган. Улуғбекка хос кучли ва ожиз жиҳатларни ёритишида, айниқса, Улуғбек ҳукмдор қиёфасини очиб беришга Пири Зиндоний образи хизмат қилган, деб ўйлаймиз.

Пири Зиндоний билан Мирзо Улуғбек учрашуви ҳукмдорнинг ҳукмдорлигини, яъни у йирик олим, маърифат раҳнамоси бўлсада, тоҷу тахт билан салтанатнинг мустаҳкамлигини ўйлаб, ўзи хис этган ҳақиқатлардан кўз юмишини, айрим пайтларда ўз эътиқодига қарши боришга мажбур бўлганлигини жонли манзараларда гавдалантиради. Улуғбек - улкан олим, улуғ инсон, шавкатли салтанат ҳомийси. Бундан қатъий назар, у энг аввало тирик инсон! Барча одамлардаги каби кучли ҳамда заиф сифатлар унда ҳам мавжуд. Шунинг учун баъзан хатоларга йўл қўяди, баъзан хато ишларга изн беради. Шу боис, Пири Зиндоний Улуғбек олим қаршисида ва Улуғбек инсон олдида тиз чўкишга рози эканини баён этади.

## **Пири Зиндоний:**

... Абу Наср Форобийнинг бир китобида –  
Ёзиладики, донишмандлар кенгашиб туриб,  
Мамлакатни бошқарсалар, эл бўлур обод!  
Бирор каснинг нафси, кайфи, ғарази эмас,  
Инсоф ахлин вижданига қолса идора,  
На ҳақсизлик, на фитналар, на фисқу фужур,  
На мулк учун талаш бўлур, на қонли низо,  
Эзилганлар қаддин ростлар, золим тийилар...

## **Улуғбек:**

Ким билади, бўлмасайдим шу замонда  
Бу давлатнинг бошида мен, нелар бўларди!  
Балки диёр зулматларга чўкиб қуларди,  
Аммо билинг, галим холис, Пири Зиндоний  
Фақат тожнинг меҳри эмас шу андишалар,  
Мен шоҳликни маърифатга қилдим дастёр.

Улуғбекнинг ушбу сўзлари дунёқарашидаги маълум чекланганликни эмас, балки чигал қарашларини аён этади. Пири Зиндоний тўғри айтганидай, “Тож бошдаги фикрга қафас”.

Улуғбек эзгу тилак билан яшаганлигини эътироф этмоқда: мен умр бўйи бор имкониятимни шоҳлик ва маърифатни ҳамдам этишга, яъни ҳукмдорлик илиа эзгулик ҳақидаги орзуларим, хоҳиш истакларимни бирлаштиришга интилдим. Шу боис, бошқа ҳукмдорлардан фарқли маърифат равнақига ҳисса кўшдим, ўз давримда илму урфонни юксалтирдим, демоқчи. Бу фикрлар Улуғбекнинг чекланган томони, хато қарашларини билдирамайди. Балки, унинг орзулари моҳиятини очиб беради, у “қани эди, барча ҳукмдорлар, мансабдорлар ҳам шу йўлдан юрсалар”, - деб орзу қиласди. Ўз орзуларининг ушалишига ишонади.

Улуғбек ҳукмдор сифатидаги бурчини, тожу-тахтни муайян вазиятларда устун кўяди. Шу сабаб у Пири Зиндонийни хибсдан озод этмайди. “Подшоҳлар-зулмкордирлар. Эллик, юз йил ўтса ҳам уларнинг бу хулқи ўзгармайди”, - деган ҳақ сўзлари Улуғбек вужудини ўртаса-да, маҳбусни ўз салтанати учун хавфли деб ҳисоблади. Мана, ўша дақиқалардаги Улуғбек фикрлари қандай бўлганига ишонч ҳосил қиласлий.

## **Улуғбек:**

Замонамиз тоят нозик, ҳар ёқ хатарнок!  
Бизга лозим забардастлик, бирлик ва идрок  
Бу фурсатда оломонга галаён солиб,  
Бизга қарши қўзғатганлар бизга дўст эмас.  
Улар Темур хонадонин ёвуз душмани.  
Бундай овоз зиндонлардан чиқмай бўғилар...

Ёзувчи Улуғбек тимсолидаги зиддиятларни ичдан ёритиш

мақсадида Пир Зиндоний образини киритган. Бу түқима образ тилидан айтилган аччиқ сўзлар гўё Улуфбек Фикрларидағи зиддиятли ўй-кечинмалардай туюлади.

Улуфбекнинг буюк шахс эканлиги эзгу тилак билан яшаганлигига: куч-кудратини илму-маърифат равнақига сарфлашга интилади, ўйлайдики, илму-маърифат юксалса, эл обод, юрт фаровон бўлади, фозилу-фузало юртни эзгулик сари йўллайди, қабоҳат чекинади, ҳақиқат қарор топади. Аммо, Улуфбек, яшаган даврда ҳам, бошқа замонларда ҳам қабоҳат, ёвузлик осонлик билан енгилган эмас. Шу туфайли дунё яхшилик ва ёмонлик ўртасида азалий курашларни бошдан кечирган, кечирмокда...

Улуфбек тимсолида кучли ва заиф жиҳатларнинг қоришиқ ҳолда тасвирланиши образнинг табиий ва ҳаққонийлигини таъминлаган. Ахир у ҳам тирик инсон-да! Баъзан хато қилади, баъзан одил иш юритади... Охир-оқибатда Улуфбекнинг ўз ихтиёри билан тожутахтни топшириши буюк жасорат эмасми?! Бундай тадбирни амалга ошириши учун юксак ақл, инсонийликдан ташқари нақадар кучли ирода ва журъат керак. Охирги дақиқаларда ҳам у элни, улусни ўйлайди, ортиқча қон тўклишини хоҳламайди, эзгу тилакларини васият тарзида изҳор этиб, фанимлардан сўз олади. Охирги фурсатда ҳам имкон қадар ўзи эътиқод қўйган эзгуликка амал қилади, тиф кўтармайди, Пир Зиндонийни озод этиб, унинг тилидан изҳор этилган маълум ҳақиқатларни тан олади. Бу хусусиятлар Улуфбекнинг буюклигини, ўз замонасидан анча олдинда эканини билдирумайдими?

Муаллиф бизни ҳам маънавий юксакликка чорлайди, буюк инсон ва олим, ҳукмдор Улуфбек билан фахрланишга, унинг эзгу эътиқодига ворисликка чақиради.

*“Ўрта мактабда драматик  
асарларни ўрганиш” (1993) китобидан*

## **ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Бугунги ўзбек шеърияти анъанавий тасвир усулидан фарқ қилувчи янгича образлар, кутилмаган рамзий ифодалар, кочирилмлар, тазод ва парадокслар, энг муҳими, бетакрор сероҳанг, сермаъно ифодалар билан китобхонни ўйлантиради. Фикрнинг ихчам, лўнда шаклда ифодаланиши, замонамиз ва замондошимиз руҳий оламини янги жиҳатлардан поэтик тадқиқ этиш – инсоннинг безовта руҳини, дардларини тасвирлаш борасида эришган ютуқлари ўзбек шеърияти янги поэтик

сарҳадларни кашф этаётганилигидан далолатдир.

Хусусан, истеъододли шоир Баҳром Рӯзимуҳаммад яратган ана шундай поэтик кашфиётлар анъанавий шаклларга мос тушмайди, гапларнинг грамматик жиҳатдан параллел жойлаштирилиши, риторик тузилиш, мурожаат, хитоб оҳангларини ифодалашга йўналтирилганлиги билан янгича.

*Арвоҳнинг дастхатини кўрдим  
Қалқиб йиқилдим бир бўлак тушга  
Осмон  
Қорачиги суғириб олинган  
кўз каби  
Бойўғли увиллар эди  
Хувиллаб қолган боғда  
Соялар  
Ҳеч ким таклиф қилмаса-да  
раксга тушарди  
Яна нима дейишими мумкин  
дунё кенг экан.*

Мазкур шеърда Бойўғли увиллаётган кимсасиз боғ, қорачиги суғириб олинган осмон, раксга тушаётган соялар гўё туш кўраётган одам нигоҳлари орқали кузатилади. Туш эса ўлимга қиёсланади. Шу боис, шоир тасвирилаётган манзара жонсиз, ҳаракатсиз, маънисиздай туюлади. Аммо инсоннинг кўзларига яширган олам билан ақл ва идрокка сингишган дунё манзаралари айни оламнинг турфа кўринишларидир. Шоир дунёнинг кенглигини таъкидлар экан, унинг рангин эканлигига ҳам дикқатни қаратади.

*Жийда гули  
мени маст қилди  
жин чалди жийданинг остида  
Сап-сариқ чироқмикан бу гуллар  
юлдуз шуъласидан қувват оларми?  
нуқул қошиқчалар жарангি  
Энг хавфлиси шунда-ки  
болари нектар йиғмоқ учунмас  
сизни чақиши учун келди.*

Жийда гулининг ифоридан маст ҳолдаги лирик қаҳрамон гўзаллик ўғриси сифатида тасвириланади. Табиий гўзалликнинг шарбатини симирувчи боларилар бу “ўғрини” чақиши учун келаётгандай. Манзара анъанавий поэтик тасвирига сира ўхшамайди. Шоир айтмоқчи бўлган поэтик фикр ҳам яширин. Тасвириланаётган манзарадан китобхон ўз зехни ва туйгулари қувватига кўра маъно англайди: гўзаллик қаршисида эс-хушидан айрилган лирик қаҳрамонни жин чалиши натижасида жийда гуллари сариқ чироқларга, жийда гулига парвона боларининг

ҳаракатлари қошиқчалар жарангига ўхшатилади. Айни шу нуктада поэтик маъно юзага чиқади: бизни ўраб турган олам ва унинг гўзалликларидан ҳайратланишни, завқланишни билмаган инсон хаёти рўёга ўхшайди. Бундай одамлар фақат ейиш-ичиш ғами билан умр ўтказадилар, уларни боларининг машақатли меҳнати натижаси эмас, ўз жонининг, хузур-ҳаловатининг бехавотирлиги қизиқтиради. Бундай одамлар боларидан ҳам майдароқ, боларичалик фойда келтирмайдиган, ўз нафсининг қулларидир. Шеърда манзара ичига қараб ҳаракатланувчи спирал кўринишли поэтик тафаккур бу дунёнинг ранг-баранг манзараларга бойлигини, ҳар бир манзара ўз ички маъноларига эга эканлигини англатади. Шоир шеърларидағи ҳар бир сўз, ҳар бир сатр муайян бир образли ифодага, рамзий маънога ва ички оҳангга эга эканлигини қўйидаги шеър орқали ҳам кузатиш мумкин:

Узок тараддулданиб турди Кўркув  
хотиржамликка ўхшаб бамайлихотир  
таҳликаға чап бериб турди  
Кўлини соябон қилиб қошига  
Ваҳима яшаётган уйга қаради  
Қаради музaffer навкар сингари  
Сўнг эса  
сўнг шундай алпозга тушдики,  
қалтирамаган жойи қолмади.

Кўркув образи орқали шоир диққатимизни унинг хавфли маънавий иллат эканига қаратади. Кези келганда кўрқоқ одамлар хотиржам, уддабурон, айёр ва ўта эҳтиёткордирлар. Аммо мардлик талаб қилинганда улар ўз-ўзини фош этади. Ана шу маънолар кўркув образи орқали тасвиrlанаётган манзара-ҳолат замиридан англашилади. Кўриниб турибдики, бундай шеърларнинг чукур маъноларини илғаб олиш учун икки мухим омилни теран идрок этиш талаб қилинади: биринчиси, Навоий, Бедил сингари санъаткор ижодкорларнинг меросидан, анъаналаридан; иккинчиси, умумеврола бадиий тафаккурининг нафис намуналаридан боҳабарлик; бугунги ўзбек шеъриятида Баҳром Рўзимухаммад каби шоирлар ижодида ана шу икки мухим омил ўзаро туташиб, янги бадиий қашфиётлар яратилишига таъсир кўрсатмоқда. Бармоқ вазнида ёзилган шеърлардан фарқ қилувчи ҳижо, туроқ ва қофиядан узоқ, ҳалқ жонли тилига яқин бундай сарбаст шеърлар кўпроқ насрга ўхшаб кетса-да, бадиий таъсирчанлиги, поэтик тили, сермаънолилиги, оҳангি, сўз жозибаси билан китобхонни ўлатади, фикрлатади.

Илоннинг ўзидан эмас  
шаклидан кўрқаман

*шамойили совуқ мен учун  
мабодо мушукка ўхшаганида борми  
силаб-сийпалардим илонни...*

Ҳаётда муайян шакл-шамойилга эмас, балки ўз нүктаи-назарига эгалик кимларнидир чўчитар, ҳақ сўзни дангал айтувчилардан кўпчилик ҳадиксирап. Агар бундай одамлар дафъатан мўмин-қобил ё мулойим кишига айланиб қолсалар, ҳамма “ёқтирадиган” қиёфага кириши мумкин. Хўш, мўмин-қобиллар нима учун барчага ёқади? Шоир “мўмин-қобиллик” ортида яширинган маънавий иллатлар ҳақида ўйлаётир, ўйлатаётир.

“Соялар сухбати” номли шеърида шоир рангсиз қиёфа образини тасвирлашда ранг рамздан маҳорат билан фойдаланган:

*Менга нима бўлди учта соям бор  
Иккитаси рангсиз, биттаси сариқ  
Хиринглаб кулади бир соям  
Чунки йўқотиб қўйдим болалигимни  
Топганим жийда гулининг ифори  
У ҳам бошқа боққа ўтиб кетганди...*

Шоир инсон умрининг паллаларини сояларга ўхшатади. Иккита рангсиз соя – болалик ва йигитлик даврини маънисиз ўтказган инсон умрининг соялари.. Сариқ рангли соя – қариллик чоғи ўз умрини сарҳисоб этиб, ўз устидан кулаётган, яъни бўм-бўш ҳаёти устидан ҳукм чиқарган инсоннинг умумлашма образи. У ҳаёти давомида юксак орзулар ё эзгу мақсад учун яшамаган, аммо қачондир гўзалликни севган. Афсуски, бу гўзаллик ҳам “бошқа боққа ўтиб кетганди”.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ўзбек шеърияти хос ранг-разм, образ-разм орқали ифода қилинаётган маънолар, образли ифодалар шоирларнинг ўзига хос услуби ва маҳорати орқали янги поэтик кашфиётлар яратилишига замин бўлиб хизмат килмоқда.

Кейинги йилларда яратилган ўзбек шеърияти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, жаҳон адабиётига хос илфор ижодий анъаналарни миллий руҳият рангларига йўғириб ифодалаш анъаналарни ҳам, янгича талқин услуби ва янги шаклий изланишларни, анъанавий услугубнинг хилма-хил ифода кўринишларини ҳам кузатиш имконига эга бўламиз.

Бугунги ўзбек шеърияти марказида турган лирик қаҳрамон замондошимиз қалбида кечётган хис-туйғуларни XXI аср кишисининг тафаккур тарзи ҳамда руҳий эврилишлари фонида ифода этмоқда. Агар истиқлолгача бўлган давр ўзбек шеъриятида

лирик қаҳрамон түйғулари ифодаси орқали унинг қалбини англашга, поэтик тадқиқ-у таҳлил қилишга интилиш кўзга ташланса, кейинги йилларда яратилаётган лирика намуналари биз кўниkke шакл ва услуб чегараларидан “қалқиб чиқиб”, эътиборимизни турфа манзаралар тасвирига қаратмоқда. Лирик қаҳрамон нигоҳи қадалган манзара қатига яширган маъноларни эса китобхон ўз тафаккури или түйғулари, бадиий-эстетик идроки ва сезимлари орқали англаб олиши мумкин. Бу хусусият шеъриятнинг сирли-сехрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англашлигини тасвирлашдан ўша бетакрор инсонларнинг турфа идроклари-ю ҳис- түйғуларига, кўнгилларига ўзлари йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англашиб томон қадам ташлаганлигидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос бу тенденция қандай ижодий-эстетик тамойилларда ўз аксини топмоқда?

1. Ўзбек шоирларининг ўзбек классик шеърияти ва ҳалқ оғзаки ижодига хос анъаналарни давом эттириб, поэтик нутқ хусусиятларидан моҳирона фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий маъно ташувчи бадиий умумлашмаларни яратишига интилишларида кўринади:

“Халқим дейман, рухим тушиб,  
Кимлар кўнглинг тўқ қилдилар?  
Минг сўқиринг тил топишиб,  
Бир уйғогинг йўқ қилдилар!”

Шоира X.Худойбердиева қаламига мансуб ушбу шеърда муҳим ижтимоий-маънавий иллатга китобхон диқати тортилган: қалб кўзлари очилмаган, маънавий “кўрлар” бирлашиб, эл-юрт дардида бедор чинакам фидойиларни йўқ қилишга чофланишларининг ўзи катта фожиа! Зоро, яратувчи, фидойи Инсон даражасини забт этиши учун аввало инсон ўзлигини юксалтиргани, ҳалқ дарди билан ёниб яшайдиган, уйғоқ қалбли бўлиши керакки, бунга “қалб кўзи очилган” буюк инсонларгина эриша олганлар. Афсуски, бундай инсонлар бармоқ билан санаарли. Истеъдодсиз, яратувчанлик ҳиссидан йироқ, юрт манфаатларидан ўз хоҳишистаклари-ю манфаатларини устун қўювчи маънавий ожиз, қалб кўзлари “кўр” кимсалар эса кўпчиликни ташкил этади. Шоира ана шу ҳаёт ҳақиқатига ишора қилиб, “Минг сўқиринг тил топишиб, Бир уйғогинг йўқ қилдилар”, - дея салмоқли поэтик фикрни қисқа, аммо ёрқин тарзда ифода қилмоқда.

Поэтик нутқнинг ўзига хос хусусияти – лаконизмдан фойдаланиб, эътиборимизни лиро-фалсафий фикр ё

мушоҳадаталаб ҳолатларга, манзараларга қаратиш шоира Зулфия Мўминованинг қуидаги шеърида ҳам кўзга ташланади:

Остонамда йиглаётир куз,  
Остонамда гангийди шамол.  
Остонамдан олислаган из –  
Остонамда оғир бир савол.  
Мен барини тушундим ногоҳ,  
Хазонларни аста босиб жим.  
Остонамда мен қилган гуноҳ,  
Ёлворишни билмаганлигим.

“Остона” сўзининг такрор ва такрор қўлланиши янги маъно товланишларига ишора: ёлғизликда кечирилган умрнинг “сўнгги остонаси” – куз йигламоқда. Нега? Нима учун? Шамол ҳам умрнинг “сўнгги остонаси” олдида инсон қисматидан гангиган ҳолатда...” ҳатто шамолнинг ҳам “улоқтириб”, “учириб”, “кўчириб ташлашга”, бу остонаядан (яъни макондан, уйдан) ҳеч кимни тополмай, ҳайрон ҳолатда уни тарқ этаётганлиги ҳаяжонли ва таъсирчан тарзда тасвирланган. Бу остонаядан бош олиб кетган, олислаган “из” қолдирган “оғир савол” ҳам ҳануз жавобсиз... Ёлғизликда умр кечирган лирик қаҳрамоннинг хазонрезги палласидаги умр дарахтининг қовжираган хазонларини юзига босиб, ўз гуноҳларининг маъно-моҳиятини тушунган ҳолатдаги изтироби қуидагича тасвирланади:

“Остонамда мен қилган гуноҳ – Ёлворишни билмаганлигим” – дейди. Хўш, ялиниб-ёлвориш нималигини билмаган лирик қаҳрамоннинг “гуноҳи” нимада? Ахир етук шахслар ҳамиша мағрур бўлишган, ёлвориш, бинобарин, бош эгувчанлик улар учун ёт хусусият бўлган. Бобур Мирзо, Мирзо Улуғбек шахсиятига хос етуклик аломатлари ҳам айни шу жиҳатдан изоҳланади-ку?

Гап шундаки, шеърда шоира кибрга берилиш, “манманлик” натижасида ўзи ва ўзгалар дардидан, туйгуларидан, самимиятдан йироқлашган инсон қисматини лаконистик сюжет яратиш орқали таъсирчан манзараларда тасвирламоқда. “Остона” – макон маъносида хилма-хил маъноларни ифода қилган. Остона – уй, хонадон остонаси маъносида; Остона – (умрнинг сўнгги палласи маъносида) – бу ўткинчи дунёning охири, ҳақиқий дунёга ўтиш остонаси маъносида: остона – (кўнгил остонаси назарда тутилган) қаҳрамоннинг бўм-бўш кўнгил остонаси маъносида; Остонам – мен муқаддас деб билган эътиқод ва ақидалар манзили маъносида. Лирик қаҳрамон ўзини “буюк” деб ҳисоблаган, шу боис “буюклар” ҳеч кимга бош эгмайди, ҳеч қачон ялинмайди ва ёлвормайди, - деган ақидага ишониб яшаган. Аммо, “буюклиқ” ва “ягоналик” факат Оллоҳга хос сифатки, бандасининг гуноҳи

буни чукур англаб етмаганлигидадир. Мазкур бадиий-фалсафий умумлашмаларни шоир “остона” сўзининг серқатлам маъно товланишларини ифода воситаларига моҳирона “пайвандлаш” орқали кашф этган.

2. З.Мўминова лирикасида “оқ илон”, “ёмон туш” каби халқ оғзаки ижодига хос рамзлар: “тушларнинг оқиши”, “ақлу хуш оғуви” каби муболағали тасвиirlар, поэтик кўчимлар, жарангли иборалар, тасвирий воситалардан ўз ўрнида фойдаланиш санъати намуналарини кўплаб учратамиз. Бу хусусиятлар шоира шеърларидан англашилувчи поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглилиги, маъно товланишлари, образлилик ва поэтик нутқ имкониятларидан унумли фойдаланиш натижаси эканлиги аниқ. Бу шеъриятилизга хос эстетик тамойилдир.

Хозирги ўзбек шеъриятида А.Орипов, Х.Худойбердиева, Усмон Азим, З.Мўминова, Рауф Парфи, Кутлибека, Сирожиддин Сайид, А.Кутбиддин, Фахриёр каби шоир ва шоиралар ижодида поэтик нутқ шаклларидан унумли фойдаланиш, ўз ички дунёсини ўз тили – “мен” орқали батафсил ва ҳаяжонли тарзда очиб бериш тенденцияси кўзга ташланаётир. Бундай монолог шеърларда ҳар бир ижодкорнинг инсон олами, жамият, имон-эътиқод борасидаги ўзига хос қарашлари бадиий аксини топган. Мана бир мисол:

Дунё камбагални камситиб, гажиб  
Тагин бойитаркан байроқларини.  
Рухим олиб кўяр бошимдан тожни  
Рухим кўтаради байроқларини!  
Қайдаки етимни етим тишлайди,  
Дунё қантармаса каж итларини.  
Рухим юрагимга қаттиқ муштлайди,  
Рухим кия бошлар совутларини.

Шоира бундай мурожаат монолог орқали дунёда адолатсизлик ҳукм сурар экан, “мен” қалбим даъватига кўра курашга отланавераман, - деган салмоқли бадиий умумлашмани ифода этмоқда. Шоир Усмон Азимов эса тасвирий монолог воситасида ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўз дунёсидаги изтироблар моҳиятини таъсирчан манзаралар ифодаси орқали тасвирлашга мойиллигини намоён этмоқда. Бир мисол:

Қўлларимни кийди занжир: Эзгилади бошимни –  
Тоғдай қуллик ерга эгди – бўйнимдан торта-торта  
Мен ҳақ билдим бу дунёнинг катта-кичик тошини,  
Мен тошларга юзим тутдим ёшими арта-арта.  
Бўғизларим ачишди. Ҳа, ўпкаларим ачишди.  
Ўпкам тўлди одамларнинг “Оҳ”лари тўла тунга.  
“Ҳаво” дедим, - томогимга қаро қурум ёпишди,  
Неча йилки, мен ҳавосиз яшаяпман бутунлай.

*Совуқ қотдим. Изгиринда чирсиллади сўнганим,  
Томирларим – аёзларда музлаган қиёқ ҳануз  
Олов сўраб, гулханларни бўзлаб кезди юрагим,  
Ёнгинглардан ёниб чиқиб, қулоқлади мени муз.  
Мен – сувсадим. Мен қақрадим. Мен – хас бўлдим.  
Куридим...*

Лирик қаҳрамоннинг эрксизлиқдаги изтиробли ҳолати, эрк сувига ташна дараҳт каби қақраб қуриши ниҳоятда таъсирчан ўхшатишлар, жонлантириш, муболага каби тасвирий воситалар, ўз ҳолатини шарҳлаш усули орқали ифодаланган. “Мен”нинг фожиаси эрксизлиги – “тоғдай қуллик” айни чоғда тош юракларга юз тутиб, дунёning “катта-кичик тошларини” ҳақ деб билганида, уларга ишонч кўзи билан қараб, “тошларга юз бурганида”. Бу ўринда шоир умумлашма образ “тошлар” воситасида қалби эзгу тилак ва истаклардан йироқ, хиссиз, дийдаси “тош” одамларни назарда туваёттир. Бундай одамлар эл дардига дардкаш-у, тилаклариға тилақдош бўла олмаслигини кеч англаған лирик қаҳрамон одамларнинг “оҳ”лари тўла тунда элу юрт изтиробларига ҳамоҳанг аламли кўз ёшларини тўкмоқда...

Сўз санъатининг жанрларида ранг билан боғлиқ рамзий образлар кўплаб учрайди. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Кошварий, Аҳмад Яссавий асарларида ҳам лавҳалар, табият тасвиirlари, илгари сурилган фалсафий ахлоқий-дидактик фикрлар ранг рамзлари орқали берилганлиги маълум. Айниқса, Алишер Навоий ижодида мажозий ранглар тимсолларга кўчирилиб, комиллик босқичларини забт этаётган инсон дунёсини тасвиirlашга хизмат қилганки, ана шу хусусиятлар Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ўзгача товланишлар ва маънолар касб этмоқда.

Оlamни ва ундаги турфа ҳолатлар, ҳаёт мураккабликларини қалбida кечираётган инсон дунёси ҳам камалакранг. Бутун ҳаёт залворини ўз тафаккурига сиғдиришга уринаётган замондошимизнинг кечинмалари, ўй-хаёллари ҳам чегара билмас даражада рангин. Ана шу олам ва инсон дунёсидаги муштарақликни бадиий сўз поэтик ранглар орқали ифодалаш имконини беради-ки, бундай рамзийлаштириш шоирга қисқа оҳанглар ва саноқли рангларда инсон тимсолини жонлантиришга қодир мўйқалам тутқазади. Ҳалқ шоири Абдулла Ориповнинг “Билол хабаш” шеърида қора ранг образнинг руҳиятини ёритиб турган эътиқод нурига уйғунлашиб оқликка кўмилса, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Усмон Азим шеърларида учровчи оқ ранг беғуборлик, самимийлик, ёруғлик, эзгулик маъноларини ифода этади. Ҳалима Худойбердиева шеърларида оқ ранг билан ёндош

сарик ва қизил ранглар учрайди. Шоира жудолик, айрилик, тушкунлик, алданиш ҳолатларини сарик ранглар воситасида жонлантирса, қизил ранг орқали ёвузлик, фожиавийлик, зўравонлик, истибоддод рамзларини яратган. Инсон қадри букилган, эрки топталган мустамлакачилик даврида ҳатто нафас ҳам қизил, киshan ҳам қизил, тикан ҳам қизил. Шоирлар фавқулодда яратилган ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгида жонлантиришга эришиб, поэтик ғояни тўлақонли англатишга муваффақ бўлаётирларки, бу хусусият ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тенденция сифатида тадқиқ этилиши лозим. Поклик, нурдай бокириалик, иллатлардан фориғлик, имон-эътиқодлилик Эшқобил Шукурнинг "Яшил ўлим" шеърида асосий бадиий унсур-рамзий образ орқали ифода этилган. Бу хусусиятлар ўзбек шеъриятида ранг рамзлар воситасида инсон дунёсини, олам хоссаларини ўзига хос тарзда аংглаш ва тасвирлаш усули юзага келганлигини кўрсатади.

Бир қатор ўзбек шоирлари қаторида истеъодли шоир Баҳром Рўзимуҳаммад ижодида ҳам рангларнинг рамзий қўлланиш усули ўзига хос поэтик тимсоллар яратишга хизмат қилганлиги кузатилади.

Инсон табиатга талпиниб яшайди. Унинг бағрида ўзини қушдай енгил, дардларидан фориғ ҳис этади. Табиат гўзалликларига боқиб баҳра олади ва ўзини унинг бир бўлаги деб билади. Аммо она табиатни асраш инсониятни кулфатлардан асраш эканини ҳамиша ҳам ёдда сакламайди.

Вақтики ер тарс ёрилганида  
Ҳавода учиб миллионлаб ер бўлаклари  
Мумдай эриб битса  
Тутунга айланса ер  
Вақтики, сирғалса юлдузлар  
Уч қуёш чарх урса кўкда  
Ва уч қуёшга жуфт бўлса уч ой  
Тун ва кундуз қориша бир-бирига  
Вақтики, борлиқ ўз маъносини йўқотса буткул...

Тасаввур қилинг, сарҳадсиз фалак бўм-бўш бўлиб қолса, тутунга айланса ер? Шоир бепарволик, бемақсад яшаш, гуноҳлардан юраклар эзилмас даражага келса, инсонлар борлиқни талон-тарож қилиб бўлишса, тугатишса, ҳатто, янчиб бир-бировларин, ҳайҳот, бу ҳолга чидаш беролмай, ер тарс ёрилса, мумдай эриб битса борлиқ! – дея хитоб қилмоқда.

Ёруғлик ўрнини зулмат-у қоронгулик эгалласа, борлиқ ҳам ўз маъносини буткул йўқотса, демак куррамиз ҳам коинотда чилпарчин бўлади! Шоир ана шу фалокатни кўз олдимиизда қуюқ

қора ранглар орқали жонлантиради, инсонлар қалбининг рангизлиги, бўшлиққа айланиб қолганлиги оламнинг бўмбўшлиги билан уйфун тасвирланади.

*Ана ўрик гули  
хўроэзқандга ўхшаб музлади  
яшиллик совқотиб турибди  
дир-дир...  
сочингизни ўйнайди шамол  
шундан бошқа иши йўқ каби  
жиддий...*

Гўзалликнинг музлаши, яшилликнинг дир-дир совқотиб туриши эзгуликнинг омонатлигидан дарак бермайдими? Фарзандларимиз қалбida ниш уриши керак бўлган инсоний сифатлар, латиф ҳулқлар куртак ёзаётган дараҳт япроқлари каби совқотиб турса, бу умримизнинг, борлиғимизнинг омонатлигидан, ҳаётнинг фаниматлигидан дарак бермайдими?

Демак, ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образларни шартли равишда қуидагича туркумлаш мумкин:

1. Инсоний севги-муҳабbat маъноларини ифодаловчи рамзлар.

2. Инсоний фазилатларни улуғлашга, меҳр-оқибат, эзгуликни қадрлашга ундаш маъносидаги рамзлар.

3. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги рамзлар.

Булардан ташқари, ҳозирги ўзбек шеъриятида “ранг-рамз”, “ранг-образ”, “ибора-образ”, мақоллар, ҳикматли сўзлар орқали рамзлар яратиш хусусиятлари кўзга ташланмоқда. Бу хусусият инсон билан табиатнинг алоқадорлиги, айни пайтда, руҳиятимизнинг она табиатга уйғулиги ҳосиласидир. Рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий-эстетик тамойил сифатида яшамоқда.

Ҳозирги адабий жараён хусусиятларини тадқиқ этган ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари мустақиллик йилларида юз берган муҳим жиҳатни таъкидлаб, бадиий ижодга янгича муносабатнинг қарор топаётганлиги; ижодкорга яратувчи шахс, санъаткор сифатида қарабиб, бадиий асарларга биринчи галда бадиият талаблари нуқтаи-назаридан баҳо беришга ҳаракат қилинаётгани, “ғоявийлик”ни эмас, ижодкорнинг бадиий тафаккур тарзини ўрганиш етакчи тамойилга айланадётганини ижобий ҳодиса сифатида таъкидлаётганларни кувонарли ҳолдир.

Ижодкор бадиий тафаккури Оллоҳ инъом этган илоҳий мўъжиза – истеъдод нурига йўғрилган бўлса, қанчадан-қанча миллий бойликларни бунёд этади. Бу ҳақда сўз юритган И.Фафуров:

“Истеъдод – миллий бойлик. У неча юзлаб, минглаб бойликларни бунёд этади, дунёга беради”, - деганида тамомила ҳақ эди. Айнан ижодкор бадиий тафаккурининг илоҳий ва дунёвий мазмунлари уйғуналигидан юзага келувчи ўзига хос услугуда ҳам шу икки жиҳат қўзга ташланади: истеъдод – маҳоратни юзага чиқарувчи омил бўлса, услуг – ижодкор тафаккурининг бадиий тил орқали дунёвий маъно ва мазмун касб этишидир. Истеъдод – ёниқлик, сўз изтироби ила яшаш...

Демак, ижодкор шахсида ана шу жиҳатлар уйғуналашиб, ўзига хос услубининг намоён бўлишида асос вазифасини ўтайди. Айни чоғда, ижодкор услуби ва бадиий маҳорати воситасида инсон дунёсининг сирли, сехрли қатламлари, туйғуларининг шиддати, ҳис-ҳаяжонларининг маъно товланишлари, түғёнларининг зарби ифода қилинади, тасвириланади. Китобхон яна ўша илоҳий мўъжиза - истеъдод курдати или ўзга инсонлар руҳиятини ҳис килади, улар дунёсига кириб боради, уларни худди ҳаётдагидек жонли инсонлар каби тасаввур этади ва тушунади, ҳамдардга айланади. Бадиий образлар киёфасида ҳар сафар образларнинг янги, сирли ва сехрли, бетакрор илоҳий дунёси намоён бўлади. Яратилаётган ҳаёттий қаҳрамонларни замон ва истиқлол даври адабиёти талаблари, бадиият мезони асосида ҳар тарафлама чуқур ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Хозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бирига эътиборни қаратиб, ф.ф.д., профессор Ҳакимжон Каримов қўйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Тоталитар тузум ва унинг мафкураси миллий республикалар халқларини тарихидан, маданияти илдизларидан маҳрум этибгина қолмай, диний анъаналари ва урф-одатларини ҳам пайҳон қилиб ташлади... Истиқлол йилларида динга эркинлик берилиши, ислом таълимотига оид илмий-оммабоп асарларнинг пайдо бўлиши ва бошқа тадбирлар натижасида ўзбек шеъриятида ислом асотирлари ва ғоялари билан суғорилган шеърлар пайдо бўлди. Бу шеърлар “Куръон” сурасидаги оятларда ва ҳадислардаги кишини тўғри йўлга солишга иршод қилинган фикрлар асосида ёзилгани учун киши имонини мустаҳкамлашга жуда кўл келяпти. Чунки имони мустаҳкам одам ҳар қандай ёмонлиқдан ва инсоний иллатлардан сақланади, ҳеч кимга зулм қилмайди”.

Олимнинг фикрларига умуман қўшилган ҳолда биз хозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бири шоирларнинг поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат каби унсурларидан фойдаланиб, оламни унинг бир бўлаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаvvар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуф-у шоирлари

қарашларига ҳамоҳангликда яратилаётган поэтик фоялар, бетакрор ташбеҳларга юкланган салмоқли фикр ва туйгулардан англашилишини таъкидламоқчимиз. Ҳусусан, шоир Үсмон Азим олам сирларини англашга нечоғлик уринмасин “сирлар тугунини еча олмаганигина” эътироф этади. Шоир айни ҳолат сабабини оламнинг бор сиру-синоатларини ўз кўнгил оламида жилвалантирган инсон қалби сирлигича қолганлигига, деб ҳисоблади:

“Тангрим, фақат кечир, бандаларингга  
Бир қатра озодлик бермаганим-чун.  
Қон ютган кўримлар учун кечиргин  
Кўзимнинг ёшлари учун кечиргин.  
Дунёнинг тошлиги учун кечиргин.  
Кечиргин – кўйингда адашганимни,  
Кечиргин – кўйингда тинмаганим-чун,  
Кечиргин – эрк учун талашганимни,  
Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун”.

Инсонни поклаш, оламни тозартиш, оқ ва қора ранглар замиридаги маънолар: эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятни кўтариб, улоқтириб ташлашга қодир куч борми? Бугун инсоният онгини забт этган савол аломатига қандай маънолар сингишган? Муаммо ечими қандай? Оламни инсон боласи яратган ёвузликлардан сақлаб қолиш мумкинми? Ана шу саволларга жавоб излаб, “охир замон” аломати-ю залолатлари ҳақида, гуноҳларга бурканган куррани шоир Баҳром Рўзимуҳаммад қуйидагича тасвиirlайди:

“... айни пайтда тафтиш кучи боис  
ўз ўқидан чиқиб кетди ер шари  
чиқиб кетди қуёш системасидан.

айни пайтда тонг ила тун  
ола-була шамойилга кирди  
зулмда ўзгартириб рангу тусини

оқ олма пишаётган чоғ  
қорбўрон ўйнаб юрди болалар.  
ёзга қўшилди қишининг уч куни.

айни пайтда тугилган гўдакнинг  
соҷ-соқоли оқарди бирдан  
онасини эмди мункайган чол.  
айни пайтда куёш нурини  
қайга сочишни билмай турди-да  
куйдириб юборди ойни дафъатан...”.

Нега? Нима учун? Бу саволларга шоир “Қарғалган” номли шеъри орқали жавоб қайтаради:

“Сен улуғ ибтидодан нарироқда бир қадам босдинг  
Шу боис Аллоҳнинг қаҳри келди  
Пайғамбар қарғади сени  
Шайтони Лайндан-да баттарроқ бўлдинг  
бироқ сенинг руҳиятингни тўлдирган завқу шавқ  
икки дунёда ҳам йўқ, фақат сенда бор  
эй, абадий йиги, эй абадий кулгу, эй абадий жимлик”.

Шоир сирли-сехрли дунё сарҳадларидан-да нарироқда, бу дунё чегарасидан ташқарига “қарашга”, идроки, ўй-хаёллари ила у томонга “бир қадам ташлашга” ботинган инсонга шу гуноҳи учун қарғиши ёпишганлигини таъкидламоқда. Бу шаккоклик эвазига лирик қаҳрамон - шоир қалб изтироби безовта руҳнинг мангу азобига дучор этилган. Аммо инсоният дардини куйлаб йиғлаш, эзгулик нурларига чулғанган олам гўзалликлари-ю одам кулгусидан завқланиш фақат шоирларга насиб этмишdir. Айни чоғда, ўз ожизлигини тан олиб, Оллоҳ иродасига бош эгиб, абадий “жимлик” сари юз бурган инсон сукuti ҳам олам-олам маъноларни ифода этади. Бу хусусият реалистик тасвир услуби бағрида юзага келган “янгилик” сифатида эътироф этилаётган “ўзбек модерн шеърияти” алоҳида эстетик тамойил эканлигини асосслайди. Модерн йўналишидаги шеърлар ижодкор-у китобхоннинг XXI асрдаги табиий маънавий-рухий эҳтиёжларига монанд юзага келди. Бундай шеърлар инсон шахси ва ҳаётини, унинг кўнгил оламини ижодкорнинг тасаввурлар олами орқали кузатиш орқали ҳар икки олам уйғунлиги ёки ўзгачалигини англаш мумкин бўлган маъноларни тасаввур вокелигига айлантириб (ҳис-туйғулар ва идрок бирлиги) бадий талқин қилиниш натижасидир. Ижодкорларнинг бундай шеърлари бир қарашда миллий шеъриятимиз учун ноанъанавийдек туюлади. Хижо, туроқ ва қофиядан узоқ ҳалқ жонли тилига яқин сарбаст шеърларни бир ўқишида тушуниш қийин, аммо ҳар бир сўз, ҳар бир сатр муайян образли ифодага, рамзий маънога ва ички оҳангга эгаки, бу хусусиятлар шоир маҳорати орқали бетакрор поэтик манзаралар ва бадий умумлашмалар яратилишига асос бўлган. Бундай шеърлар ўзи ва ўзгалар оламини янги жиҳатлардан идрок этишга интилаётган замондошимизнинг маънавий-рухий эҳтиёжларини тўла қондирмоқда.

Жаҳон адабиётига хос “модернизм” ва сюрреализм ҳақида сўз юритиб, адабиётшунос Андре Бретона қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: “Унинг мақсади оғзаки, ёзма ё истаган бошқа бир йўл билан фикрнинг реал амал қилишини ифодалашдир.

Сюрреализм муайян ассоциатив шаклларнинг олий реаллигига ишонишга асосланади. Сюрреализмга қадар бу шаклларга бепарво қараб келишган. Сюрреализм хаёлотнинг қудратига, фикрнинг беғараз ўйинига, ишончига таянади. У бошқа ҳар қандай психик механизмларни узил-кесил барбод қилиб, ҳаётнинг асосий муаммоларини ҳал қилишда уларнинг ўрнини эгаллашга интилади<sup>7</sup>. “Демак, - деб ёзади профессор Ҳакимжон Каримов, Андре Бретон қарашларига таяниб: - сюрреалистлар ақлга сунади, унинг қудрати билан иш кўради. Чунки ақл кучигина одам ва олам моҳиятини тўғри англашга имкон беради. Модернизмнинг йўналиши ва мақсади ҳам шунда”<sup>8</sup>.

Шоир Баҳром Рӯзимуҳаммад эса масала моҳиятига янада чуқурроқ кириб бориб, модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмаслигини асосли тарзда таъкидлайди: “Модернизмни реализмга қарши қўйиб бўлмайди. Модернизмни реализм сувратидаги соцреализм оқимигина қарши қўйилган. Эндиликда аста-секин адабиёт сиёсатдан ҳоли бўлмоқда. Чунончи, адабиётнинг ўз “сиёсати” мавжуд. Адабиёт инсон руҳий олами узра сиёсат юргизади, руҳ оламидаги жисмлар орасида интизом ўрнатади, қадим-қадимдан шундай бўлиб келган. Сўфийларнинг кўнгил парвариши таълимоти бежиз кун тартибиға чиқмаган бир маҳаллар. Биз шу йўлдан юрмоғимиз лозим. Бу йўл маънавиятимизни юксакликка олиб чиқади, бу йўл миллатимиз юрагини, шарқона кечинмаларини боболаримиз маънавиятига омухта этган ҳолда жаҳон илм аҳлига кўз-кўз қиласди”.

Дарҳақиқат, шоир таъкидлаганидек, инсон руҳий ҳолатини тафтиш этувчи, унинг ўзлигини, “мен”ини кашф этишга қаратилган ва бугунги кунда модерн адабиёти деб номланаётган услубий йўналиш Шарқнинг улкан тафаккур қудрати билан яратилганлигига ишонч ҳосил қиласми. Бу ҳақда ёзувчи Назар Эшонкул фикр билдирап экан, халқимизнинг қадимий ижод намуналарини юқори баҳолаб: “Туркий халқлар асотир ва эпосининг таъсир кўлами шу даражада кенгки, биз ҳатто буни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Агар биз ана шу меросни ўзлаштира олсак, гарб адабиёти нимадан иборат эканлигини ҳам тезда тушуниб етамиз”,<sup>9</sup> - дейди.

Таникли мунаққид ва олим А.Расулов эса сўнгги йиллар ўзбек поэзиясининг биз таҳлил қилган тамойиллари ҳақида сўз юритиб: “Сўнгги йиллар ўзбек поэзиясида инсоннинг ўзини-ўзи англаш муаммоси жиддий талқин этилмоқда. Инсон руҳиятидаги ҳаёт, зиддият, фалсафий-руҳоний талқин ҳеч кимни бефарқ

7. Андре Бретона. Сюрреализм манифести. // Жаҳон адабиёти. -2000. 5-сон. 179-б.

8. Ҳ.Каримов. Истиқол даври шеърияти. 42-б.

9. Назар Эшонкул. Ешлар насрни ўз йўлида боради. // ЎзАС. – 2000. 4 август.

қолдирмайди. Абдулла Ориповнинг “Бир қарасам” шеърида ҳам ўзини-ўзи англаш, руҳий ҳолат, ички кураш акс этадики, у асарнинг умрибоқийлигини таъминлаган... Ўзбек адабиётида “мен” – “яратган ҳамма нарсамиз” қатлами ёхуд инсон фарзандининг табиат ва жамият бафрига тўла кириб бориши, “мен” – “коинот” қатлами ёки илмий-диний-фалсафий қарашларни яхлитликда акс эттирган мураккаб асарлар ҳали кўп эмас... Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Фахриёр сингари шоирлар асарларида тарихий номлар, асарлар, диний тариқатларга ишоралар борки, уларни ўзлаштириш учун маълум тайёргарлик босқичини ўташ жоиз, ”- деб ёзади. Айни фикрни бугунги ўзбек шеъриятининг “модерн” йўналишида ижод қилаётган барча шоирлар асарларига тадбиқ этиш мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки бундай услубдаги шеърлар китобхондан шеършунослик илмини ва муайян адабий тайёргарликни талаб этиши аниқ. Зотан, шеърни ҳар бир китобхон ўз кўнгли, ҳис-туйғулари ва тафаккур тарзига монанд ҳис қилиб англайди.

Ҳозирги ўзбек шеърияти намуналарини таҳлил қилиб, қуидаги хуносаларга келиш мумкин:

- мустақиллик даври ўзбек шеърияти тимсолида сирли-сехрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англаётганлигини тасвиrlашдан бетакрор инсон дунёсининг турфа ҳолатларини ўз идроклари-ю ҳис-туйғуларига таяниб, ўз кўнгилларига йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англашиб томон қадам ташланганлигини кўрсатувчи йўналиш пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек шеъриятига хос бу тенденция қандай ижодий-эстетик тамойилларда ўз аксини топмоқда?

Ўзбек шоирларининг ўзбек классик шеърияти ва ҳалқ оғзаки ижодига хос анъаналарни давом эттириб, поэтик нутқ хусусиятларидан моҳирона фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий маъно ташувчи бадиий умумлашмаларни яратишига интилишларида кўринади:

- замондошимиз онгиди, хаёлоти, руҳиятида содир бўлаётган жараёнларни бор кўлами ва турфа ранглари билан тасвиrlаш тенденцияси ёзувчиларга инсон онги ва дунёсининг бетакрор, зиддиятли ҳолатларини ҳаётнинг ўзидағи каби табиийлиги билан бадиий гавдалантириш имконини бераётганлигини кўрсатади;

- шоирлар фавқулодда яратилган ифодалар орқали рамзий образларни китобхон кўз ўнгиди жонлантиришга эришиб, поэтик ғояни тўлақонли англатишга муваффак бўлаётирларки, бу

хусусият ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тенденция сифатида ўрганилиши лозим. Рангларни рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий-эстетик тамойил сифатида яшамоқда;

- ҳозирги ўзбек шеъриятига хос тамойиллардан яна бири шоирларни поэтик нутқнинг хитоб, мурожаат каби шаклларидан, сўз такори, риторик сўроқ каби унсурлардан фойдаланиб, оламни унинг бир бўлгаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаввар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуф-у шоирлари қарашларига ҳамоҳанглиқда яратилаётган поэтик ғоялари, бетакрор ташбехларга юкланган салмоқли фикр ва туйгулардан англашилишини алоҳида таъкидлаймиз;

- мустақиллик даври ўзбек шеъриятига хос хусусият: руҳий таҳлилнинг теранлиги; асарга хос поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглиги; воқеаларнинг анъанавий реалистик асарлардан фарқли ҳаётий манзараларда гавдалантириш; ҳодисалар, кечинмалар “мен” орқали ҳис қилиниши янгилик сифатида қабул қилинди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу хусусият реалистик тасвир услуби бағрида юзага келган “янгилик” сифатида эътироф этилаётган “ўзбек модерн шеърияти” алоҳида ва ўзига хос эстетик тамойил сифатида юзага келгани ҳамда ривожланаётганлигини асослайди.

## **СҮНГГИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЛАРИ ПОЭТИК ТАФАККУРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

Сўнгги давр ўзбек достонларига эътибор қаратилса, Сироҳиддин Сайид, Икром Отамурод, Усмон Азим каби ижодкорлар яратган асарларда ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар руҳи, ҳалқ рухиятидаги янгиланишлар нафаси ўз ифодасини топганлигига амин бўламиз.

Ўзбек достончилигига рамзий образлар ва характерларга эътибор кучайланлигини ўтган асрнинг 80-йилларида яратилган достонлардаги Шайтон, Арвоҳ рамзларининг ранг-баранг талқинлари орқали кузатамиз ҳамда мазкур образлар воситасида давр воқеа-ҳодисаларини ифодалаш тенденцияси қарор топганлигининг гувоҳи бўламиз. Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик достони, Эркин Воҳидовнинг “Рұхлар исёни” достони, Усмон Азимнинг “Қуёшли олам” достонидаги рамзий образлар ўша давр муҳитининг характер рухиятини ифода этган. “Қуёшли олам”даги Шайтон ҳамда шайтонсифатлар: Хавфли

одам, Хушомадгўй, Бепарво, Порахўр, Мансабпарааст, Қофиябоз кабилар ўша тузум иллатларини урчитаётган кимсалар тарзида талқин қилингган. Яратувчи Инсон билан давр ўртасидаги зиддият асар конфликтини ташкил этган. Қуёш тимсолида яратувчи инсонлар ва уларнинг буюк эътиқоди рамзий шаклда гавдалантирилганки, китобхон достон таъсирида ҳаётнинг маъноси, унинг ўткинчилиги тўғрисида ўйлатади. Асардаги Шоир образи муаллиф дунёкараши ва руҳий олами мазмунини ифода этади. Шу боис, шоир “мен”и достон сюжетини ҳаракатга келтирувчи “куч”га айланган. Шоир монологи орқали бошка рамзларнинг маънолари очиб берилганлиги достоннинг жанр талабларига мос тушади. Мана бир мисол:

Қофиябоз:

Гапимни эшитинг!

Минг бир маккорчилик китобингиздан

Минг бир усул ила минг бир найрангни

Олдида минг тусда тўқиб ташлангки,

Куёшли сотганин сезмай ҳам қолсин!

Хавфли одам

Буёғидан зинҳор хавотир олманг!

Достонларда ҳаётий ҳодисаларнинг, давр таълотимларининг “мен” кечинмалари, руҳияти, нуқтаи назари орқали кенг кўламли таҳлилини бериш тенденцияси истиқлол даври ўзбек достончилигига яққол кўзга ташланмоқда. Айрим ҳолларда ижодкорлар ўз туйгулари шитобини, руҳият кенгликларини бор кўлами билан Фикрга “омухта” этишда қийналаётганларни сезилади. Шоир кечинмалари унинг ихтиёридан чиқиб, шакл сифимини излаётгандай туюлади. Бундай кезларда руҳият тасвирини шоир тиниш белгиларга “кўчиради”.

Туйгуни сўзлардан ташқари харфларда ёки тиниш белгиларда ифодалаш усулидан Икром Отамурод “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достонида фойдаланган. Бу хусусиятни бор нозикликлари билан англаган ёш олим А.Ҳайитов ўз қарашларини қўйидагича баён килган: “Туйгулар суратини белгилар орқали бериш ўқувчини ҳам кечинмаларга шерик қилишнинг бир йўлидир. “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достонини мутолаа қилаётган шеърхонда руҳиятидан келиб чиқиб, шоирнинг сўз шаклига тушмаган бадиий ифодасини ўйида, хаёлида, руҳида ёки дилида давом эттириш имконияти бўлади. Шунингдек, достонда ўқувчига туйгуларининг бадиий ифодаси учун имконият айрим сўз ва сўз бирикмасига мувашshaх битиши мумкинлиги тарзида ҳам қолдирилган”.

Ё	Ё	Д	Ж
Л	Л	А	И
F	F	P	M
И	И	А	
З	З	Х	
Л		Т	
И			
К			

Туйгулар сувратини тиниш белгилар воситасида бериш усулидан Икром Отамурод “Ярадор умид отлари” достонида фойдаланган эди. “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Сопол синиклари”, “Ичкари... ташқари...”, “Анинг умиди” достонларида бундай тасвир усули кучайтирилган. Бу достонларда туйғуларнинг, фикрнинг сўзлар иштирокисиз, фақат нуқталар билан боғланган ўринлари ҳам бор. Бу жиҳатлар муаллифнинг чукур руҳий изтироблари маъно кўламини ифода этади. Бу фифон зарблари юрак уриши каби тиниш белгиларда дукурлаб, акс-садо беради, гўё. Матннинг “ниқоби” остидаги қалб овози руҳий кечинманинг гоҳ сўниши, гоҳ юқори пардаларини ифода қиласи:

“Ичкари – хўрсиник.  
 Ташқари - хандон.  
 Ичкари – забун.  
 Ташқари – муқтадир.  
 Ичкари – дилсиник.  
 Ташқари – чандон.  
 Ичкари – ёбун.  
 Ташқари – зулзабир.

Кунинг ҳам канглунгда,  
 Тунинг ҳам канглунгда.  
 Сунутинг ҳам канглунгда,  
 Үнитинг ҳам канглунгда.

Тўзинг ҳам канглунгда,  
 ўзинг ҳам канглунгда.  
 ўзинг... ҳам... канглунгда...  
 ўзинг... ҳам... канглунгда...

...Биргина ўзингсан ўзингга ярар,  
 Биргина ўзингсан ўзингга сойим.  
 Канглум... канг... лум...

...Гулини совуқ шолурган дарахт...  
 Кулфини занг эркалатган уй...  
 Хузурини сандиқ кўрган тўн...

Бўхчада тахланиб ох урган рўмол...  
Хашам кўргонида дилиқкан сунбул...  
... соғиниб – соғиниб...  
... соғиниб – соғиниб...

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
Канглумни ахтариб, канглум.  
Зора топсам, зора-а, ман,  
Интизор мунглим?!  
Канглумнинг ичига кириб бораман,  
Соғинчимни ахтариб, соғинчим.  
Зора топсам, зора-а манн,  
Кирмизи гунчам?!

Бозор... Талотўм... Тап тортмай...  
Бир тўда... Сот-сот... Ол-ол... тўпаланг...  
Юргурган югураётир картмай...  
Тўхтаган оёқ ости... ютар чанг..."

Ўз кўнглини англаш, излаш, тафтиш этишга интилиш жараёнида "мен" хилма-хил ҳаёт ҳақиқатларини англаб боради: асли бу дунё бозорга ўхшашини; юргурган юиргилаб кетишини; бирор ҳалол, бирор ҳаром молини "ўтказишини"; тўхтаб қолсанг, оёқ ости бўлиб, чанг ютишингни...

Ичкари – кўнгил макони. Ташқари эса ҳо-ю ҳаваслар макони. Кўнгилда дард, изтироб; ташқарида – шўх – хандонлик. Ичкарига дардлар тўкилади, изтироблар чўкади, овоз чиқариб айтилмаган ё айта олмаган сўзларимиз хўрсиниб "киради". Кўнгил бор ранглари, ҳайқириғу фифонлари билан ташқарига отилиб чиқишини истайди. Ташқари эса ичкаридан таскин, хайр, Раҳмон топмоқлик истайди.

"Ул зот бирорта ниҳол экмаган,  
мехр ҳам бермаган бирор ниҳолга  
Лекин  
дарахтлар соясидан  
умидвор бўлаверади,  
умидвор бўлаверади,  
дарахтларнинг қуюқ-қуюқ соясидан  
жудаям...  
Фамини ичига ютавериб  
ўзига олаверади дардини,  
тоқатга айланди,

*бардошга айланди  
чўкиртак  
дарахт...*

*Нақшинкор дарвоза ҳар кун ўзга тус,  
ҳар кун ўзга чирой олар деворлар.  
Мармарлар эгнида ялтираган пўст  
ҳар кун гуллар ҳаворлаб.*

*Ташқарида кутиб ягрини,  
қизғалдоклар ялар қовурмоч...  
Ташқарида кезар изгирин,  
ҳапқирад, ҳовлиқар аёз.  
Хароратта лим-лим чогири  
ичкарида ёнбошлайди ёз” –*

каби мисралар “ичкари” ва “ташқари”га хос ҳаёт ҳақиқатлари фалсафийликка йўғрилиб ифодаланганини аён этади.

Қандайдир вазиятда “ичкари”нинг эшиклари очилади, кўнгил дардлари қалқиб чиқади. Қандайдир вазиятларда “ичкари”га “ташқари” қулоқ тутади ё “мўралайди ичкари томон”. Яна бошка ҳолатларда “ичкари” билан “ташқари” жой алмашинади. “Ичкарига кирди ташқари”. Шоир айни ҳолатларнинг сабаб ва оқибатларини поэтик таҳлил қилиб, инсон қалби орқали ҳис этиб, англанувчи ҳаёт манзараларини турли-туман жиҳатлардан тасвирлайди. Тасвир марказида эса шоир “кўнгли” туради. “Кўнгул”ни чертган туйғулар, унга кириб ўрнашган ҳаяжонлар-у изтироблар ташқаридаги инсонлараро муносабатларга боғланади: ҳаёт ҳодисаларидан таъсирланган кўнгил ҳолатига монанд ҷизгиларда гавдаланади.

Шоирнинг 2003 йилда яратилган “Харитага тушмаган жой” достонида ҳам “мен”нинг ўз-ўзини ахтариш, ўзлигини топиш, кўнгил манзил-маконини тайин этиш йўлидаги кечинмалари поэтик таҳлил қилинган. “Тоғлар қорамтири, уммонлар кўкиш, ўрмонлар яшил тус, саҳролар сарик, қайсиdir юрт келбатли, қайсиси ориқ” харитадан олмиш жой. Шоир дунё харитасини тузган донога қаратади:

*“... сендан кичик бир илтимос,  
рангларингга бир ранг кўшгину, яна,  
эллару юртларнинг ўртасига мос,  
кўринарли қилиб рангин, ҳойнаҳой,  
ки шунгача эсдан чиқиб келган бир –  
харитага тушмаган жой –  
кангулнинг тарзини тушир...”*

Аслида, уммонлар, денгизлар, дарёларнинг гоҳ тошиб, гоҳ

сокин түлқинланиб оқиш ҳолати, шакл-шамойили, ранглари маъносига бу Дунё қиёфаси мос тушади. Дарё-ю денгиз гирдблари, ўпқонлари каби раҳм-шавқат нелигин билмайдиган дунёнинг айланishi-ю, “тезобпастлиги” ҳам ўхшаш. Энг ажабланарли томони шундаки, дунё ранглари гўё инсонлар қиёфасига кўчиб ўтган.

“Кўп нарсани истаб, қидирар одам,  
Майда-чўйдаларга хоҳишин бери...  
Қизиқ дейсан, ажаб дейсан, ё Раб дейсан,  
... Муҳими – кангул, кангулни қидириш,  
Муҳими – кангулдир, кангулни топиш...”

Шоир тилидан кўнгилни топиш заҳмат, азоб, ҳақиқат излаш йўлидаги машаққатли ҳаёт экани баён этилади. Муҳими, ниятнинг поклиги, тилакнинг гўзаллиги, рухнинг латифлиги; “муҳими – одамлар сени соғинсин, кўрганда меҳр-ла бағрига босиб, кузатганда, кутиб яна келишинг, хайр сўзларидан тўкилиб соғинч, умидларга тўлсин бу кангул...”. Кичик нарсалардан ўзликни баланд тутиш, майда ҳаваслар “кули”га айланмаслик, эзгуликдан ҳарорат олиб яшаш орқали “кангулга айланиш, кангулни асраш ҳисси” улғайтириб борар кўнгилни; ўзи ўз кўнглини билолмаслик - ўз кўнглига бегоналик нишонаси, ўз кўнглини хор этган кимса “ўзга ариқнинг шоврида оқар”, манфаат лойига беланар, нафс курбонига айланар ва кўнглини зор қақшатар. Кўнгилга путур етса, одам оламни бузар, “қадрдонлар ёвлашиб, меҳру мурувват тўзар” ўз кўнглидан кечмоқлик ундан-да ёмон! Рух пора-пора бўлар, фуур чўқади, қалб қақшайди, нафснинг бозори чаққонлашади, юрак – “хиёнатлар кўмилган қабрга” айланади. Бу манзара қандай маънони англатади? “Хурдир – кангулни этганлар Ватан, кангулни топганлар - хурдир”. Шу боис энг катта мамлакат кангулдир. Кўнгил мамлакатининг ҳаритага тушмай қолиши унинг инсоният томонидан йўқотиб қўйилганлигини англатади. Одамлари – иймонга, дарахтлари эътиқодга, дарёлари меҳрга, тоғлари – фуурга айлансагина, кўнгил мамлакатининг чироғлари ёниқ бўлади. Одамлар ўз кўнгулларини ахтариб топсалар, кўнгул мамлакати яшайди, инсон жисмидаги муқаддас маконга айланади.

Достондаги шоир образи ва унинг монологлари воситасида “Дунё акс этган ҳарита”, “кангул”, “ўз кўнглига бегона кас”, “нафс”, “иғвогар, ҳасадгўй, ёлғончи одам”, “даврада гап бермайдиган одам”, “сафарга ҳирс қўйган сайёҳ” каби образ-рамзларнинг маъноси очиб берилган, ўз кўнглига бегоналик катта фожиа эканлиги ёритилган.

Икром Отамурод 2005 йилда яратилган “Тағаззул” достонида ишқбозлик, ошиқлик кечинмаларидан - ишқ “яролари”дан қад күттарган бинони тасвирлайды:

“Тағаззул – күп қадим бинодир, зотан,  
меъморлари – кангул фуқаролари.  
Ишққа дохил саяги сурмаларга тан –  
жиссимида ниш отган ишқ яролари”, -

Ишқ биносининг деворлари соғинчлардан, сабрлар, сукунатлар, ёнишлардан бунёд бўлган. Шифти эса бу бинонинг “фуқаролари”дан бири шоир каби ишқбозлар “устихонидан терилган оғоч”, “кўзларим – қалдирғочга интиқ дераза”; “нақшлар тўқиган сувоғ - қонларим”; “саҳнларини ёритган чироғ – жонларнинг жони”; “эшиги –зил кетган юрагим дарзи”; бинонинг шакли – ҳажр ёмғирлари емирган вужуд кўринишида; бул бино яралгандан буён “кангулнинг ноласи, кангулнинг куйи” сас берур. Шоир риторик сўроқ усулидан ва мисралар тақоридан поэтик фикр моҳиятини турли нуқталардан очишда фойдаланган: ишқ яроларидан бунёд бўлган кўнгил уйининг не сабаб “кундузи фирофу ҳижрондир туни?” “Бу нечук ҳилқатки, шоир каби нотавон, ундейин ғарип? Кўнгул уйини куршаган бу нечук дардки, қайғуни ҳам, ғамни ҳам сел қилур?”. Саволларга жавоб излаётган “шоир образи” – “мен” тилидан таъкидлаганидай, бу сир “фақат кўнгул билан англанувчи сир!” “Кўнгулда ишқ япроқ ёзмаган” одамлар “мен”нинг дардларини, ҳис-туйғуларини англашдан йироқдирлар, бинобарин, ишқбозларга туйғудош бўйламайдилар. Шоир ўз кўнглининг “йиртилган варақларига” назар ташлаб, “канглум – ишқ дардини ўстирган туфроқ, ишқ – таржимаи ҳоли канглумнинг”, - дея умр бўйи ўз кўнглига интилиб яшаганлигини таъкидлайди. Бу йўлда ҳар қанча ранж чекмасин, азоб тортмасин, “мен” ўз имону эътиқодидан, танлаган йўлидан чекинмайди. Зотан, бу машаққатли йўл – кўнгил уйи томон элтувчи, тағаззул биносига етакловчи йўл эди.

Олдин кунлар...  
Сўнгра ойлар...  
Кейин йиллар...  
Барибир...  
Бордир ҳар лаҳзада нимадир илинж,  
Бордир ҳар лаҳзада нимадир пайғом...”

“Мен” ўз мақсадига етишда илинжу ишончга, сабрга суннади, факат буюк ишқ билан тағаззул биносининг меъморларидан бирига айланиши мумкинлигини англаб етади:

“Мен сенга интилдим, кўз ёшим ютиб,  
Канглумга ёмғирлар ёғди бетиним.

*Мен сенга интилдим, ўзим унутиб,  
Зохир лаҳзаларнинг ҳар тун, ҳар куни”.*

Бу манзилга етиш учун “мен” буюк ишқдан ўз кўнгил уйини барпо этиши даркор. Барча синовларга дош бериб, юрагига найзалар ботиб, “куяётган жону кул бўлган бағир” билан қадимий тағаззул биносига етиб борган “мен” дунёниг “азоб тўла жом”лиги, “қақраган лабларга” томчи сув тутмайдиган бемеҳрлар жойи экани; ростга қайишмай, ёлғонларга зеб берган, тунини “тонг ёриғи” синдириган, “ишқиз ишқ дунёсин унугтган дунё”га рўбарў келади. Дунё ҳам, ундаги одамлар кўнгли ҳам рангиз, имони емирилган; тағаззул биносини қуршаган борлиқнинг сукути унга кўчган:

Сукунат –  
тағаззул биносида танг –  
поймоннинг синиши, аҳднинг синиши  
...қалдирғоч кўзларин тушида кўрар –  
дардларнинг, ғамларнинг қаърига ботиб...  
Учаётган баргларга термулиб турар –  
тағаззул биноси сукунатни ютиб,

Маълум бўладики, қалбларнинг мудраши – сукунатдан, ишқизлиқдан, бемеҳриқдан дарак беради, бунинг оқибатида инсонларнинг кўнгил бинолари нураб бормокда. Рангиз туйфулар бўм-бўш кўнгилларни ифода этмоқда, яшашдан мақсаднинг ноаниклиги, аҳду поймоннинг “синиқлиги”, кўнгил эшикларининг дарз кетишига, охир-оқибат, кўнгил меъморларининг буюк ишқдан бунёд этган қадимий тағаззул биноси емирилишига сабаб бўлмоқда.

Китобхон “мен”нинг дардchan, сўниб бораётган ноласи таъсирида меҳр-муҳаббат, имон-эътиқод, буюк ишқ биносига талпинади, уни асраб қолиш истагида ўз кўнгил тағаззулини мустаҳкамлаш майлини туди.

Истиқлол даврида яратилган Ҳусниддин Шариповнинг “Қайнарбулоқ”, Ойдин Ҳожиеванинг “Зиёрат”, Махмуд Тоировнинг “Огох бўл дунё!” достонларида бугунги ҳаётимизга шукроналик, Ватанга меҳр-муҳаббат туйфулари бадиий ифодасини топган бўлса-да, бу асарларни чинакам бадиият намуналари дея олмаймиз. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўнгги йиллар ўзбек достонларида замондошимиз тимсоли бор бўй-басти, туйфулар ранг-баранглиги илиа гавдалантирилди; “мен”нинг бепоён хаёлоти, руҳияти тафаккур кенгликларини қамраб олиб, қалб сезимларига вобаста янги маъноларни ифода этмоқда, натижада поэтик тафаккур миқёслари кенгайиб, салмоқли бадиий умумлашмалар кашф қилинмоқда.

## ЁЗУВЧИ НАЗАР ЭШОНҚУЛ ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

Бугунги кун қиссалари қаҳрамони ўз-ўзини тафтиш этиб, ўз борлигини ранг-баранг жиҳатларидан намоён қилмоқда. Ҳаётнинг ўта чигал жумбоқларига ўзгача муносабат билдириш, илохий-фалсафий ҳақиқатларга қайтиш, “муҳаббатсиз”, “тутқин” турмушга кўничиш, ўз манфаатларидан юксакроқ инсоний бурч ҳамда масъулият олдида, азиз ришталар қаршисида, бинобарин, ўзи ишонган эзгулик, поклик, самимий туйғуларга бош эгиш; ҳаёт ҳамиша чигалликлари, зиддиятлари, кам-кўстлари, кемтиклари билан ҳаёт эканини тан олиш – ўзига хос ечимнинг юзага келиши ўзбек қиссаларидан инсонга янгича ёндашув тамойили ўрин эгаллаганини англатади.

Ёзувчи Назар Эшонқуловнинг “Момокўшик” қиссаси қаҳрамони Муazzам китобхонда айнан шундай тасаввур уйғотади. Қишлоққа пахта терими ҳашарига келган бир гуруҳ санъат аҳли дараҳтзорлар оралаб айланиб юриб, қамиш чайла қаршисидан чиқиб қолишиади. “Чайла билан дараҳтзор оралиғи йигирма қадам ҳам чиқмас, супада уларга орқа ўғириб, сўта ситганча қандайдир қиз қўшиқ айтарди. Қизнинг овози тиник, ҳатто жуда тиник, таъсирчан, ширали ва мароқли эди. У қўшиқни энг юқори пардасини ҳам қўйналмай, зўрланмай, табиий ва самимий кўйларди... Бу жуда гўзал манзара эди, буни фақат уста рассомларнинг суратларидагина кўриш мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг қўшиғига бўёқ тополмаган бўларди. Қизнинг овозида бани дунё ўзаро уйғуналашиб жаранглар, гўё ҳаёл ҳам, гўзаллик ҳам, орзу ҳам қизнинг қиёфасига кириб қўшиқ айтарди. Қўшиқни тинглаётган одам яшариш фасли - баҳорни, солланиб турган гулларни, шаббодадан тўкилай - тўкилай деяётгандай қизғалдоқ баргидаги шудрингни, туман қоплаб олган боғни, варрак учираётган болаларни, юксак-юксакларда парвоз қилаётган, жилваланаётган болалик ҳаёlinи кўз олдига келтириши мумкин эди. Болалик каби гўзал, тиник ва орзуманд бу овоз қуёшнинг иссиқ тафтидан ўз оҳанги билан одамни эритиб юборар, кўнглига ёқимли шабададай эсib киради...”. Ана шу туйғуларни ҳис қилган Шамси Салоҳ тунд, бироз олифтароқ, жимжима нарсага ўч, бироз кибрлироқ, ҳамма нарсанинг гўзал бўлишини истовчи ва ҳамиша шунга интилувчи, ҳашамли ва жилвали нарсаларни севувчи, ҳар бир манзаранинг фаранг, яшashi ва кийинишида ҳам “ўта зиёлилик” барқ уриб турувчи киши эди; у ҳаётга ҳам, теварак -атрофга ҳам мана шу зиёлилик “кўзойнаги” билан қаради. У Муazzамни уч кундан сўнг ўша қамиш чайла олдида учратди. Ёзувчи Муazzам билан китобхонни қуидагича танишитиради: “...

у эндиғина йигирма бирга кирган, муаллимлар билим юртини тутатган, лекин орада бола қолгани ва Отакулни совхознинг чеккасига биргадир қилиб тайинлаганликлари учун ишга ўрнаша олмаган, мана икки йилдан бери олти-етти ойи шу ерда, кўримсиз чайлада ўтар эди. У бироз мустарликка мойил, таъсиричан, анча зийрак келинчак эди. Отакул ҳафталаб уйга бормай, шийпонда ётиб қолавергач, иссик-совуғидан хабар олиб туриш учун у мактабда дарс бериш истагини ҳам ташлаб, мана шу чайлага келган эди. Бу йил боласи уч яшар бўлиб қолгани туфайли уни қишлоққа, қайнонасининг қўлига ташлаб келган, ўзи эса эри билан беш ойдан бери далада эди. Хўш, у ҳақда яна нима дейиш мумкин, дарвоҷе, у ростдан ҳам жуда сулув эди". Муаззамнинг сулувлигини қайта-қайта таъкидлаган ёзувчи "у сулув жувонларга ато этадиган барча фазилатга эга эди – ўта содда ва кўнгли бўш эди, вужудидан қишлоқ кесагининг иси келиб турарди", - дея таърифу тавсифни тутатган. Аммо "вужудидан қишлоқ кесагининг иси келиб туриши" муаллифнинг сулув жувон хакидаги аввалги нозик таърифларини бир қадар дағаллаштирамайдими? Агар чукурроқ фикр қилинса, бу ўринда ёзувчи аёлнинг сулувлиги устига ундан она замин иси келиб туриши янада ёқимли, тароватли кайфият уйғотишини, билъакс, сулувлик моҳиятини ҳам аёлнинг айни она замин иси-ю рангларига мос табиий гўзаллигини таъкидлаш мақсадида қўллаганилигига амин бўламиз. Афсуски, чўкаётган тун, қизарган шафақ, чуралай айтиб, сигир соғаётган сулув аёл, дала узра югуриб юрган кузги шабада... булар ҳаммаси нақадар уйғун, нақадар гўзал ва бетакрор эдики, Шамси Салоҳ буларнинг барига ёт, бегона одам эди. Шу боис Момо қўшиқ ҳам, бу манзара, атрофдаги табиий гўзаллик – бари уники эмас эди, унинг тасаввурига зид ўта жўн ва содда, айни чоғда гўзал эди! Шамси Салоҳ уни ҳайратга солган гўзаллик ана шу жўнлик, соддалик, самимиликка уйғун эканини идрок эта олмайди. Муаззам унинг назаридаги бошқа ҳаёт учун туғилгандай эди. Чайлада ҳамма нарса бетартиб сочилиб ётар, у одам яшайдиган жойдан кўра кўпроқ товуқ катагига ўхшарди, бу ерда ҳамма нарса кўпол, кўримсиз, хунук эди. У мана шу кора турмушнинг баҳтсиз асоратини излаб Муаззамнинг кўзларига тикилди, бироқ бу кўзлар Шамси Салоҳга номаълум бўлган баҳтдан яйраб турар, ўзидан баҳтсизлик излаётган совуқ кўзларга ял-ял яшнаб боқарди. Шамси Салоҳ қанчалик уринмасин, бу кўзларнинг сирларини англай олмади, бу жувон нигоҳлари ортидаги баҳтсизлик аломатларининг асл сабабларини идрок эта олмади. "У ўз баҳтсизлигини одамлардан усталик билан яширишга уриняпти", - деб ўйлади ва Муаззамни шаҳарга олиб кетиш

режаларини тузди. Гүё бу аёлнинг чинакам баҳтга эришишида Шамси Салоҳ каби тушунган, қўли узун, санъатни, истеъодони қадрига етадиган ҳомий зарурдай.

"- Мен сизни ўқитиш учун ҳамма нарсани гаплашиб қўйдим. Сиз фақат борсангиз бўлди – қўлингизни совуқ сувга урмайсиз. Фақат овозингизни парвариш қилиш билан машғул бўласиз; ўқийсиз, ўрганасиз, энг муҳими – яхши, билимдон, дарди катта одамлар ичидаги бўласиз... Бу ерда эса – мана бу дала, мана бу пахта, мана бу чанг-ѓубор, анави чайла, чивинлар, сассиқ сув, исқирт қозон, ҳар йили олди-кети ўйланмай туғилаверадиган касалванд вачувринди болалар, жоҳил одамлар, таппилар, тезаклар орасида хор бўласиз. Бу ерда на илму фанни, на санъатни, на қўшикни тушунишади; ҳаммалари ота-боболаридан қолган катакларда итдай турмуш кечиришади. Бу ерда хор-зор бўласиз.

- Мени кечиринг, сизни анча уринтиридим... Бизнинг ҳам елкамизга бир кун офтоб тегар, биз ўқимасак, болаларимиз ўқир, ҳарқалай, ҳамиша шундай қолоқ бўлиб қолмасмиз. Агар қўлингиздан келса, ана қишлоғимизда қанча баҳтиқаро аёллар бор, ўшаларга ёрдам беринг... Менинг илдизим шу ерда! Шу одамлар орасида, мен бошқа жойда қўкармайман".

Шамси Салоҳ бу аёлни эридан, туғилгандан бери яшаб келаётган, жоҳиллиги-ю қолоқлиги билан бирга қадрдан бўлиб қолган одамлардан, ҳатто бир кесагигача оёғининг ҳидига ўрнашиб кетган бу далалардан ажратиб бўлмаслигини ич-ичидан хис қилди. Қаршисидаги йиғлаётган аёлга ўхшаш бепоён далалар билан шу аёл ўртасида қандайдир, ўзи тушунмайдиган мутаносиблик борлигини хис этди; ўзининг қуруқ, баландпарвоз, пуч гаплари билан Муаззамлар ҳаётини, юрт ташвишларини енгиллаштира олмаслигини ичдан тан олди, бўғзи ачишди, оддийгина ҳақиқатни англагандай бўлди: бое кўркам ва сўлим бўлиши учун битта дарахтни эмас, бутун боени обод қилиш керак! Ана шу бадиий умумлашма Муаззам ва Шамси Салоҳ образларининг ўзига хос бадиий талқини воситасида яратилган. Бинобарин, санъат ва адабиёт равнақини белгиловчи асосий эстетик тамойилларидан бири – ҳаёт ҳодисалари ва инсон шахсини янги томонлардан кашф этиш ҳисобланади. "Момокўшиқ"даги қаҳрамонлар фақат шу жиҳати билангина диққатга сазовор эмас, балки асарда қаламга олинган манзаралар, хилма-хил одамлар беихтиёр ёзувчи туғилиб ўсган макон ҳақида, у ернинг бағри кенг, дағал, аммо содда ва самимий одамлари ҳақида тўла тасаввур беради, қишлоқ манзаралари

маҳорат билан гавдалантириладики, китобхон беихтиёр ўзини она заминнинг ажралмас бўлаги эканини англаб етади.

Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссаси 1986 йилда, яъни ёзувчи эндиғина йигирма уч баҳорни қаршилаган чоғида “Ёшлик” журналида эълон қилинган эди. 1989 йилда бу асар Fafur Гулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида алоҳида асар сифатида нашр қилинди. Бу қиссада ҳам ёзувчи “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясидаги каби Терсота қишлоғи ҳётини қаламга олган. Воқеалар қирқ тўртинчи йил декабрининг бошларида Нормат полвоннинг бир оёғидан айрилиб, урушдан қайтиши ҳақидаги хабар билан бошланади.

Ёзувчи Нормат полвоннинг қиёфасини қуидагича гавдалантирган: “Нормат полвонни кўриш учун келган қишлоқдошлари ўzlари тасаввур қилган норғул, барваста, умрида олишиб кўрмаган, лекин суяги йирик бўлгани учун полвон деб ном олган, қишлоқнинг олди чавандозларидан бири, қоматидан куч ёғилиб турган, ўттиздан энди ошган Нормат полвонни эмас, озиб, мушаклари шалвираб, бўйин томирларида ажинлар пайдо бўлиб, яра излари қолган, ҳали дориларнинг бадбўй хиди кетмаган, кўринишидан элликлардан ошган, соchlари оқара бошлаган, ўzlари эшитган урушнинг тирик гувоҳини кўрдилар. Қишлоқдошлари унинг юзидаги заҳликка, куйган қулоқларининг орти ола-кула бўлиб қолган бўйинларига ва тез-тез сарак-сарак силкиниб турадиган бошига ҳеч кўника олмадилар”.

Воқеалар тугуни Норматнинг қишлоқдошлари юзидаги ачиниш аломатини ҳис қилишдан ва хотинини жимгина кузатиб, ундан тўрт йиллик айрилиқ асоратини илғамаганлигидан юзага келади. Норматга ҳамма нарсадан ҳам хотинининг тундлиги ёқмайди ва бу ҳолатнинг сабабини руҳан излашга тушади. Ёзувчи урушли ҳаётнинг “қон сачраган” мухитини, кўнгли бўш, соддадил инсонларни дийдаси қаттиқ, ёвузвлашган одамга айлантирган ҳаёт тарзини бирин-кетин китобхон кўз ўнгидаги жонлантира бошлади. Охир-оқибат, руҳан мажруҳ уруш одамлари қисмати ўzlари каби аянчли ва фожиали тарзда гавдаланади.

Ёзувчи воқеалар оқимиға моҳирлик билан урушсиз юрт ахтарган қўнғиротликлар ҳақидаги ривоятни киритиб ўтганки, бу ривоят асарга хос эпик тафаккур миқёсини таъминлашга хизмат қилган. Бойхуннинг ўлими олдидан қилган васияти шундай бўлган экан: “Агар урушсиз юртни топмасаларинг, унда ака укага, дўст дўстга, хотин эрга, одамлар бир-бирларига хиёнат қиласиган, бир-бирини алдайдиган бўлиб қоладилар. Қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, баҳт у ердан юз ўгиради, одамлар яаш

илмини эмас, бир-бирини ўлдириш илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган махлуққа айланадилар. Уруш – ер юзидағи ҳамма әзгу нарсаны қуритади, сизларни ер юзидан супуриб ташлайди, сизлар жохил ва адашган уруш одамларига айланиб қоласизлар. Шу сабабли сизлар урушсиз юртни топинглар, урушни ораларингдан ҳайданглар, тотув яшашга ўрганинглар”. Асар воқеалари давомида китобхон бу ҳукм-хulosанинг қай даражада улкан ҳаёттій асосға әга эканини “уруш одамлари” тақдиди мисолида англаб етади.

Нормат Бухор зовларидан ўтиб, қотнинг устидаги дарага борганды ям-яшил тоғ арчалари, тиник булоқ суви қаршисида тинч ҳаётта қайтганига ишонди. “Энди бу тинчлигимни ҳеч нарсага алишмайман, хотинимни ҳеч ҳам ўкситмайман, одамларнинг күнглини оламан, мана шу тоғлар ҳұрмати, хотинимни ҳам, мени интизорлик билан кутиб олган одамларни ҳам бошимда күтариб юраман. Бир умр уларнинг иззатини қиласман, менинг учун энди уруш, қон, ўлим деган нарсалар тугади”, - деб ўйлаган эди. Уруш азоблари, қон ҳиди ва порох дудлари бездирған қалби таниш ҳам эски, қадрдон ҳаётта ташналиқ билан кириб келаётган паллада унинг дўсти Хотам чавандоз урушдан қочиб, тоғда юргани ҳақидаги хабар тарқалади. Раис, Нормат полвон ва бир неча ҳарбийлар унинг изидан тоғ томон кетадилар. Яна урушнинг қонли панжалари Нормат қалбини, наинки қалби, балки бутун борлигини, вужудини тилка-пора қиласы. Дўстининг очиқ қолган, даҳшат акс этган кўзларини кўрганда у ўзини тамом унутади.

Анзиратнинг совуқ муомаласи аслида Норматдан “қора хат” олган аёл учун фавқулодда, худди момоқалдироқдай урушдан қайтиб келган эр олдидағи талмовсираши эмас эди. Унинг урушдан қайтиши Анзиратнинг ҳаёттида кескин бурилиш ясади. У эрини худди аввалгида кутиб олишга, аввалгида муюмала қилишга қанчалик уринмасин, буни уддасидан чиқолмасди. Эри келганда, болалари отаси бағрига отилганда бу одам учун ўзининг ҳаром эканлигини, энди ўзи учун чинакам баҳт ҳаромлигини аниқ ҳис қилди. Аммо, болаларининг чулдираши, уйида эркакнинг борлиги унда яна яшашга иштиёқ үйғотди. Энг даҳшатлиси ҳали олдинда эканини кўнгли ва онги билан англаб турса-да, муаллақ яшашга кўнди.

Ёзувчи Анзират билан Нормат образларини тасвирлашда рухият таҳлили ва тасвирини ўринли қўллаган. Аммо Мирзакұл раиснинг инсоний қиёфасини очишида кўпроқ баён қилишга, тавсифлашга, ҳодисаларни муаллиф нутқи орқали ёритишга кенг ўрин берганки, натижада, унинг қалб ҳаракатларини, ички

дунёсидаги ҳолатларни тўла ҳис қилиб, англаб ололмаймиз.

Асардаги яна бир ўзига хос образ – бу Бийди момо хисобланади. Момо бутун Терсота қишлоғининг кайвони кампири, бу ерда бир нарса унинг иштирокисиз бўлмасди. Бухор полvon вафотидан кейин бошига тушган мусибатлар уни метиндей тоблаган, қаддини янада тик қилиб қўйган эди. Кейинги мусибатлар кампирнинг ана шу адл қоматини буқди, аммо руҳини буқолмади. Ҳаётнинг адосиз мусибатлари қолдирган жароҳатлардан қаттиқлашган дийдаси алпдай баҳодир ўғилларидан айрилганда яна қаттиқлашди, акс ҳолда у бу мусибатларни кўтаролмасди.

Бийди момо нафақат оиласининг ёки авлодининг, балки бутун уруғи ва қишлоғининг ор-номуси тимсоли сифатида гавдаланади. У барчадан ўз бурчини масъулият билан адо этишини талаб қиласди, ор-номусни, вижданни, азалий урф-одатларни ҳар нарсадан устун қўяди, уларга ўзи ҳамиша итоат этади. Шу боис у Анзират қилган гуноҳни сира кечирмайди, унинг “сири”ни охиригача очишга аҳд қиласди, ёлғон мулозаматдан аччиқ хақиқатни афзал билади. Номус, орият, шаън ва гуур олдида у меҳр-шавқату кечирим туйғуларини яқинига ҳам йўлатмайди. Нормат полvonни эса уруш ва у келтирган мусибатлар эзиз ташлаган, урушдан олдинги ориятли Нормат полvonни синдириб ташлаган эди.

“- Менда гапинг борми?! – деб сўради Бийди момо, унинг оstonада қаққайиб турганини кўриб.

- Ҳа, нима бўлди?..

Нормат баттар бошини эгди:

- Амма, - деди синиқ овозда бошини кўтармай, - мен... мен уйга қайтсамми, деб эдим... Бўлар иш бўлди... Энди нима фойда... шунга бизди орага тушиб яраштириб қўйсангиз.

- А?! – Бийди момо қулоғига ишонмагандай қайтиб сўради, - қайтасан?! Ўша бузуқининг олдига-я?! Нима? Орият борми сенда... Эркакмисан ўзи?!

- Амма! – унга илтижоли тикилди Нормат.- Мен болаларимни тирик етим бўп қолишини истамайман... Ўша ёқлардан ҳам шу қора кўзларди деб қайтдим. Энди уларнинг хор бўлиб юришини истамайман. Қўйинг эски гапларни. Келинингиз адашган бўлса ўзидан кўрсин! Худодан топсин... бироқ болаларда нима айб?!”. Бу каби диалоглар орқали ҳам ёзувчи қаҳрамонлар руҳиятини бутун мураккаблиги билан ифодалашга эришган. Айниқса, асардаги табиат тасвири берилган лавҳалар асарга хос эпик тафаккур оҳангига ўзгача ёрқин ва ёқимли оҳангларни жо этган.

Яна бир мисол: “Ниҳоят кўнғирот элига баҳор кириб келди. У минг хил ноз, минг хил карашма билан уруш одамларининг юрагига яшаш ва яширин ишқни солди. Уларни эркалади, соchlарини силади, адирларни қип-қизил лолаларга тўлдирди, бутун борликка гўзаллик гиламини ёйди. Қирларни баҳт тиллари – майсалар қоплади. Жанжалкаш, асабий бўлиб қолган одамларнинг димоғини эркалади, уларни қирларга етаклаб чиқди, кўзларидан ўпди”.

Шу ўринда табиий савол кўндаланг бўлади: қандай бадиий мақсадга кўра асарнинг фожиали, аламли воқеалари ичида маълум тўхтам, “нафас ростлаш”га ўхшаш ҳолат пайдо қилиш учун бир неча бор баҳор манзараларидан фойдаланган? Ёзувчи қаҳрамон дунёсидаги ўзгаришларни ёрқинроқ ҳис қилдириш мақсадида, айниқса, Нормат юрагида, баданида занглаб қолган уруш хотираларини, жароҳатларини поклашга уринаётганини рамзлаштириб, таъсирчан тасвирилашга интилганки, сўзсиз бунинг уддасидан чиқсан.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги ўзбек насрода, хусусан, қиссачиликда ёзувчилар шеъриятга ва драматургияга хос айрим жаңр унсурларидан руҳият тасвири ёки пейзаж тасвирида фойдаланаётирлар. Нормат қалбида яширинган интим туйғуларни очиш воситасида ёзувчи “уруш одамлари” бирикмасининг оҳанг, кўп маънолилигини таъминлашга эришган, айни чоғда, лиризм унсурлари орқали уруш инсонлар руҳиятини қанчалик майиб-мажруҳ этмасин, яратган ато этган инсоний бокира туйғуларни ўлдириш ва буткул яксон этиш мумкин эмаслигини эпиклик талаблари асосида ҳаққоний тасвирилашга эришган ёзувчининг маҳоратидан намуна келтирамиз:

“...Яна баҳор келади. Оlam баҳорнинг шавқига тўлади, қирларда худди олдингидек уруш билан иши йўқ, урушдан кўркмайдиган лолалар очилади. Ер пишади. Ер етилади. Қир-адирларни чигирткалар чириллаши уйғотади... ухлатади. Нормат юрагидаги ҳислар қайтадан тирила бошлаганини, ўзида яратиш қуввати пайдо бўлаётганини сезди. Бу – ўша афсонадаги Ер одамларидан, бобоси Бойхундан қолган Ерга бўлган Мұхаббат эканини ортиқ ва роҳат билан туйди. Унинг кулфат, азоб, изтироб, кўркув, шубҳа ва иккиланиш эзиз ташлаган қалбида умид уйғона бошлади”.

Шу тариқа ёзувчи уруш номи билан англашадиган йиртқичлик, зулм ва ёввойилик, зулмат ва фожиа бутун дунёсини афдар-тўнтар қилиб “уруш одамлари”га айлантирган аввалги пок, меҳнатсевар, фурурли, ориятли, мард, инсонийлик бутун вужудидан барқ уриб турган одамларнинг уруш янчиб ташлаган қисматларини руҳий

коллизиялар орқали драматик шиддат зарбига монанд оҳанглар орқали таъсирчан ифодалашга эришган. Ҳар қандай шароитда ҳам уруш одамлари қалбида нобуд бўлмаган инсоний туйғу – Она заминга муҳаббат уларни яна ҳаётга қайтарганини, яшашга, ўзлигига қайтишга чорлаганини ҳаққоний тасвирлаган. Асарнинг бу хусусиятлари эпик тафаккур тарзининг кўпоҳанглилигини, бадиий умумлашмаларнинг салмофини тайин этган.

**(“Хозирги адабий жараён” китобидан)**

## **ЖАННАТ ЎЗИ ҚАЙДАДИР?**

Адабиётнинг жамият маънавий ҳаётидаги нуфузи ҳақида, ижодкорнинг бурчи, масъулияти тўғрисида кўп ва хўп ёзилган. Сиртдан қараганда анчайин сийقا, “чайналган” туюловчи мавзулар негадир бот-бот дикқатимизни тортади, қайтадан мулоҳаза юритишига ундаиди. Нега?

Одам боласининг табиатидаги айрим истак-майллар ҳамма замонларда ҳам “яшовчан”, ҳам кўпчиликка хос хусусиятга айланувчан бўлади, шекилли. Масалан, яхши яшашга интилиш, тўқис ҳаёт кечиришни исташ майли. Шу майл хуружидан одамзод ҳаловатини йўқотади, бор куч ва аклини пул тўплаш, бойлик орттириш йўлига сарфлайди. Пул топган, бойиган сари ўзи белгилаган “марра” ундан олислаб кетаётгандай туюлади. Кеча курган осмонўпар қасри бугунги истаги ва “қаричи”га мос келмай қолади. Яна интилиш, яна тиним билмай елиб югуриш... Кимнингдир умри шу таҳлит ўтмоқда, кимлардир шундай ҳаёт орзусида куюниб юрибди. Кимлардир кўнгил ҳою ҳавасини деб узоқ юртларда сарсон. Турфа умрлар ўтмоқда. Одамзоднинг бу дунёга келиш ва кетиши эса бир хил. Бу икки эшик орасидаги зое кетган умрлар кишини ўйлатади. Одамлар шахсий манфаатлари йўлида шу қадар “жон олиб жон бермоқлийка” тайёр эканлар, нечун улар Ватан, халқ манфаати учун бирлашиб, ўzlари истаган жаннатни киндиқ қони тўкилган шу азиз юртда барпо этишга шайланмайдилар?

Бундайин оғриқли саволлар, изтиробли хаёллар ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Жаннат ўзи қайдадир” номли ҳикоялар, киноқиссалар, драматик асар ва публицистик миниатюралар тўпламиини ўқиш жараёнида китобхонни ўйлатади. Одамлар дунёсини локайдлик, беписандлик, мол-дунё васвасаси забт этиб, юксак инсоний туйғуларнинг өмирилиб бораётганлиги, шуҳратпастлик иллатлари, нафс балоси жамиятга ёпирилган шароитда инсоннинг қадрсизланиб, хўрланиши чидаб бўлмас азоб эканлиги

тўпламдаги домла (“Ёзувчи” ҳикояси қаҳрамони), Болта Мардон (“Сув ёқалаб” киноқиссаси қаҳрамони), Домла-устоз (“Жаннат ўзи қайдадир” драматик қиссаси қаҳрамони) каби ҳаётий образлар кечинмалари орқали таъсирчан манзараларда гавдалантирилган.

“Ёзувчи”даги домлани тахминан шундай тасаввур қиласиз: ўлгудек тортинчоқ, ҳокисор, “кatta адабиёт вакиллари” орасида салмоғи йўқ, камписанд қаламкаш, адабиётнинг содиқ фуқароси “жафокаш мардикори” эди. У ёлғон ёзишни билмайди, чунки уйдирма тўқиши қўлидан келмасди. Унинг боғбонлиги адабиётга муҳаббатининг бир бўлаги эди. Домланинг ҳаёт йўли ҳам ажабтовур. У болалигидан ёзувчи бўлишни ният қилмаган, ибратли таржимаи ҳоли, эртаклар сўйлаб берган бувиси ҳам бўлмаган. Адабиёт муаллими бўлишгагина ихлос қўйганди. Муаллимнинг “Келажакда сендан ёзувчи чиқади!” – деган баҳоси унинг ҳаётини ҳам, орзуларини ҳам тубдан ўзгартириб юборган, қаҳрамонимиз нашриётда муҳаррир бўлиб ишлаш даражасига эришган. Омади келиб, донгдор раис ул-бул қораламаларини “китобга айлантириш” вазифасини қаҳрамонимизга топширди. Ахир бу ажиб замонда одамлар четда, кимнинг ҳамёни фозлироқ бўлса, қўлидан келса, келмаса китоб ёзиш, китоб ясаш пойгасига киришди. “Қўлидан келадиганлар эса бу томошадан лол – уларнинг ҳамёни куруқ; куруқ ҳамён билан босмахонага яқинлашиб бўлармиди?”. “Об-ҳаво”га мос, “бозорбоп” асарлар қаторлаша бошлади. Бизнинг қаҳрамонимиз каби шаҳар чеккасидаги бир боғда беминнат, арzonчи бир мардикорлар улар йўлига кўз тикиб ўтирибди!

Ёзувчи замонамиз қиёфасига “яширинган”, балки унинг қиёфасини белгиловчи “нусха”га айланишга интилаётган “бизнесмен замондошлар” суратини кўз ўнгимизда гавдалантириб, бугунги ҳаётимизнинг “оғрикли нуқталари”га дикқатимизни тортади.

Домланинг ён-верида пайдо бўлган қаср, бу қасрга келиб-кетувчилар қиёфаси воқеалар оқимиға кириб келади. “Аллақандай номдор бир бойвачча экан, аввал сўл томонидан катта-катта икки жойни бирлашириб, бор ҳашаматини намойиш қилди. Сўнгра домланинг ўнг тарафидаги ҳозирча бекор турган дараҳтзорини ҳам эгаллаш ҳаракатига тушди... Кишида лойи, ёзда тупроғи кўпчиб ётадиган кўрғон кўчаси бир текис қилиб асфальтланди, газ қувури ҳам келди, кечалари чироқ ўчиб қолмайдиган бўлди”. Бойвачча кўшнининг дастидан барчанинг ҳаловати бузилди. Тонготар базмлар... Буларнинг барига чидаган домлани: “Боғни бизга

берасиз!” – дегувчи бедорлик йиқитди. Охир-оқибат, “ана-мана, кетди” бўлиб ётган бандасининг ризқи бор экан бу дунёда, аста соғайиб, вақти-соати келиб оёққа туриб, боғига қайтади. Аммо осмонўпар қаср, тонгга қадар давом этувчи базмлар ижодкори “қирқ-қирқ беш ёшлар чамали новча, хушсурат йигит қамалгани ҳақидаги хабардан лол қолди”. Мана, кариллаган раис бувамиз энди йўқ, идораси олдидаги чинор эса ҳамон гуркираб турибди... Сиз бу дунёдан кетасиз-у, не азоб-машақатлар билан тиклаган уй-жойингиз, ўстирган боғингиз қолади – ордона! Лоақал ўзи ўтқазган бир оғоччалик – ёғоччалик ҳам бўлолмаса-я одамзод?! Қаҳрамон тилидан ифодаланган оғриқли армон ёзувчининг публицистик миниатюраларидан янада кучлироқ ҳис қилинади: “Янги асрдан кўп нарса кутганимиз, ниҳоят, инсон асл инсонийлик сари юз бурав деб умид қилганларимиз рост, - деб ёзади ёзувчи, - хўш, умидлар оқландими, янги юз йиллик хайрли бошландими? Ёзузлик, бедодлик иллатлари сарқитга айланиб, ўтмишда қолиб кетдими? Ҳайҳот!.. Ҳамма гап келиб-келиб тағин ўша азалий жумбоқ – инсон, инсон маънавияти, инсоннинг ҳануз норасо табиати масаласига тақалмоқда...” (“Инсон ўзинг...”) “Лекин бизни бошқа нарса ташвишга солмоқда: ҳар йўл билан бўлсин, бойликка интилиш ҳисси... Йўқ, хирси!. Бу яккаш истеъмолчиликка асосланган кайфият, худбинлик, борингки, қиморбозлиқ психологияси эмасми! Бундай қарашиб, бундай ёндашувлар билан Ватанни обод, элни фаровон қилиб бўлармикан, билганлар айтсан!” (“Бой бўлайн десангиз”). “Бизнингча, одамзоднинг умри унинг неча йил яшагани эмас, олдига қўйган мақсаднинг салмоғи, эзгуликка нечоғлик хизмат қилиши ва алал-оқибат шу мақсаднинг нақадар рўёбга чиққани билан белгиланади. (“Юзга кириш... шартми?”). “Начора, ёруғ дунё ўзи бесаранжом. Тинч-фарофат дунёси эса ҳар банданинг олдида... замонга ҳеч вақо бўлгани ҳам, уни ҳеч жин ургани ҳам йўқ. Урган бўлса, ўша жинни қўзидан чиқарган – ўзимиз, уни ичимиздаги иблисга хизматкор қилиб қўйган ҳам ўзимиз! Инсон ана шу ҳақиқатни тан олиб, зарур хulosалар чиқарса...” (“Жаҳон кенг”). “Яхши яшашни, фаровон турмушга интилишни таъқиқлаб бўлмайди албатта. Чет элларга чиқиб маблағ орттириб келиш ҳам олқишига лойик ташаббус. Қолаверса, эркин дунёнинг қонунларига кўра қайси юрт, қай минтақада умр кечирмоқ – ҳар кимнинг шахсий иши. Лекин қаерда, қай манзилда дунёга келмоқлиқ, қай гўшада киндик қони тўкилмоғи – бу энди бандасининг шахсий иши эмас, бу тақдири азал, қисмат. Ана шу қисмат рўй берган маконни Ватан дейдилар. Ватан – муқаддас, уни севмоқ, унга садоқат иймондандир.

Аксинча, уни қадрламасликни, синов кунларида уни ташлаб, хаёлий жаннат қидириб юрганларни нима деб атамоқ керак? Эртага бир кун Ватан қаддини ростлаганида қозоннинг бошида пайдо бўлиб қолмасмиканлар?” (“Жаннат қидириб”).

Ёзувчининг самимий ва дардchan мулоҳазалари барчамизни ҳушёр тортиради, шукуру қаноат или яшашга ундейди. Ҳолбуки, ёзувчи куюниб ёзганидай, афсус, шу ҳисни бой бердик.

Тўпламда ёзувчининг бугунги ҳаётимиз ва замондошларимиз қиёфасини бадиий, фалсафий-публицистик руҳда таҳлил қилувчи ўй-мушоҳадалари маънавий ҳаёт муаммоларига боғлаб ёритилган бўлса, “Забаржад”даги бош қаҳрамон меҳрга, суюнчиқа ташна аёл қалбини, руҳиятини англашга йўллади. Инсоннинг армонлари, дардлари, интиқ туйгуларини ҳис қилиш қанчалар оддий ва қанчалар мушкул юмуш. Забаржад ота қабри устида нола чекади: - Дада, дадажоним, нега бизни ташлаб кетдингиз, нега? Қўйинг эди, мен чўкиб кетай эди ўшандা! Мен ўлиб кетай эди! Жонингизга зомин бўлиб, сизга бадал қолиб нима қилдим мен бу дунёда, дадажон?!”. Қизнинг фарёди китобхон қалбини ларзага солади. Унинг бадалга айланган ҳаёти, фифону нолалари юракни эзади. Аслида инсоннинг инсонни тушуниши, ҳис қилиб эзилиши кўнгил иши.

Ёзувчи Эркин Аъзам бизни одамлар кўнглини тушунишга, дардига дардкаш бўлишга ундаш орқали жаннатни аввало ўз кўнглимиизда барпо этмоғимиз лозимлигига ишора қиласди. Шундагина инсон онгу тафаккури жисми ва қалби бир бутунлиқда жаннатдайин ҳаёт барпо этишга қодир маънавий қудрат касб этади. Жаннат қайдадир? У ўзлигимизда, руҳониятимизда, факат буни англаб, ҳис қилиш даражасини забт этмоғимиз лозим.

Ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Жаннат қайдадир” тўплами ўз-үзимизга шу саволни бериб яшашга, кўнгилдан чиқариб жавоб ахтаришга даъват қиласди. Асарнинг юксак маърифий аҳамияти ҳам шунда. Ёзувчининг ўзига хос услуби, тафаккур тарзи ва маҳорати ушбу тўпламдаги асарлар орқали янги жиҳатлардан намоён бўлган.

# **АДАБИЁТДА ҲАЁТ ВА МАМОТ МУАММОСИ ТАДҚИҚИ**

*(Хуршида Ҳамроқулованинг шу мавзудаги  
монографиясига тақриз)*

Инсон ҳаёти, уни қуршаб турган дунё, борлиққа муносабатининг бадиий талқини адабиётда янгилик эмас. Инсониятнинг ўлимга муносабати бадиий асарларда қадимдан ўз ифодасини топган. Ўзбек адабиётида ҳаёт ва ўлим масаласининг ўрганилиши ҳам ўз қадимий илдизларига эга. Тадқиқотчи Х.Ҳамроқулова мумтоз адабиётда ҳаёт ва ўлим фалсафасининг бадиий талқинларини қамровли тадқиқ қилиб, ўлимнинг ислом дини нуқтаи назаридан талқинлари, зардустийлик, монийлик, буддавийлик дини таъсири остидаги талқинларига эътиборни тортган; бу муаммо илдизлари адабиётимизнинг узоқ ва қадимий тарихига бориб тақалишини асослашга эришган. “Энг қадимги даврлардан VII асрларгача бўлган давр ўзбек адабиёти тарихида исломгача бўлган туркий адабиёт деб юритилади. Манбаларни кузатсак, миф ва афсоналар, монийлик оқимидағи адабиёт намуналарида ҳаёт лаззати, ўлим кўрқинчи ва одамнинг Яратганга боғланган соғ илоҳий талқинларига дуч келамиз”, - деб ёзади тадқиқотчи ўз монографиясининг 5-бетида. Исломгача бўлган туркий адабиёт намуналарида инсоннинг Яратганга муносабати талқинида ҳаёт ва ўлимга муносабати ҳам ўз ифодасини топганлиги тадқиқотчи томонидан Абу Ҳомид Фаззолийнинг “Ўлимни эслаш китоби”, мифлар, афсоналар, монийлик оқимида хос шеърлар мисолида шарҳланган. Берунийнинг “Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар” асарига эътиборни тортиш воситасида монийлик таълимотининг фалсафий асослари таҳлилга тортилган. “Ўрхун-Энасой” ёдгорликларида ифодаланган инсоннинг тангрига эътиқоди моҳияти қизиқарли илмий асосларга таянган ҳолда тадқиқ қилингани ҳам диққатга сазовор.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ижодидан бошлаб ўзбек адабиёти тарихида ўлимнинг исломий талқинлар билан бойиганлиги, Яссавий ҳикматларида ҳам, Алишер Навоий асарларида ҳам ўлимни фожиа эмас, абадий дунёга робита эканлиги ҳақидаги таълимот юксак бадиий ифодасини топганлиги тўғри талқин қилинган.

XX аср ўзбек адабиётида қаҳрамоннинг ҳаёт ва ўлимга қараши турли бадиий эврилишлар воситасида ифодасини топди. Ўлимга муносабат бадиий ифодасини топган адабий асарлар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий жараёнларидан огоҳ этди. Ҳусусан, шўро даври ўзбек адабиёти ҳақида гапирганда яккаҳоким

мафкурага мутеларча хизматда бўлган расмий адабиёт виждан амридан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган “саркаш” норасмий адабиёт билан сиёсий жиҳатдан эмас, балки маънавий ва фалсафий томондан келиша олмаганилиги Блок, Пастернак, Бродскийлар қисматидан англашилади. Руҳий емирилиш ва катаклизма натижаси ўлароқ руҳ эркинлигига эҳтиёжнинг кучайганлиги А.Блок поэмаларида акс-садо берган эди.

Ўлимнинг руҳоний жиҳатлари XX аср ўзбек адабиётида ҳам узоқ йиллар эътибордан четда қолган. Тадқиқотчи асосли фикр юритганидай, ҳатто қаҳрамоннинг ўлими ҳам ҳалқ манфаати, социализм йўлида хизмат қилиши лозим, деган сохта ғоявий тарғибот кўплаб асарларнинг “ижтимоийлашуви”га таъсир кўрсатди. Адабиётни ёппасига оммалаштириш натижасида алоҳида тирик одамлар дунёси, руҳияти, тафаккури, қисмати назардан четда қолди. Шунга қарамай, ҳақиқий сўз санъаткорлари ҳаёт “гирдoblари” инсон қисматини нечоғли фожиали якунланишига таъсир кўрсатишини “Сароб”даги Сайдий, “Кутлуғ қон”даги Йўлчи сингари образлар талқинида ҳаққоний гавдалантиришга эришганлар. Инсоннинг ўлимга муносабати талқинида табиий омилларга таяниш тенденцияси уруш даври насрода ҳам муайян даражада “яшади”ки, бу ҳолат тарихий мавзудаги асарларда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Ўлим билан юзма-юз келган қаҳрамон ўз ўлими ёвузлик, зўравонлик ва зулмни янчиш мақсадида юз бераётганлигини руҳан идрок этади, бундан қаноат ҳосил қиласи. Демак, 70-80-йилларгача яратилган ана шундай асарлар кейинги давр ўзбек насрода психологик тасвирининг теранлашувига замин ҳозирлаган.

Тадқиқотчи шўро даври адабиёти талқини ва таҳлилида соцреализмни реалистик ўзбек адабиётининг ўзига хос мусбат ҳамда манфий йўналишларига эга алоҳида босқичи сифатида тадқиқ этса; “Уфқ” трилогияси қаҳрамони Икромжон ва Турсунбой қисмати талқинига чуқурроқ кириб борса, ёзувчи персонаж руҳий олами тасвири орқали ўз даври адабиётининг “ижтимоийлик” қобиқларини ёриб чиқсанлигига ишонч ҳосил қилган бўлур эди.

Монографиянинг “Муаммони ёритишнинг миллий исломий ва ижтимоий-психологик талқинлари” номли иккинчи бобида муаллиф ҳаёт, мамот муаммосининг миллий исломий талқинлари ифодасида муаллиф эътиқоди нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлигини ўз кузатишларига таяниб ёритган; А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романни таҳлилига чуқур киришган ва илмий хуласаларга келган: “Сароб” романидаги етакчи персонажларнинг деярли барчаси фожеавий қисмат эгаларидир. Роман муаллифи

замонавий жағон адабиёти даражасида туриб персонажлар фожиасининг илдизларини турли томондан ёритган. “Сайдийнинг тарихий шароит, мұхит, вазият доирасида саросар кезишлари, оиласвий мұхитда баҳтини топа олмаслик сабаблари, бизнингча, биринчи галда шахсиятидаги ожизликлардир. Сайдий фожиаси, аввало, ўзида, ботинида... Шахснинг маънавий инқирози фақат ижтимоий омиллар оқибати эмас, балки шахс табиатидаги ожизликлар билан ҳам боғлиқ эканлигининг ғоят таъсирчан ва теран таҳлил этилиши “Сароб” романнинг жиддий ютуғидир”.

Тадқиқотчи психологияк эврилиш ва фожиавийликнинг психоаналитик асосларини О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романы таҳлили давомида ўрганиб, оригинал қараашларини, ўз нуқтаи назарини баён қилган: “Мирзо Улуғбек лабларини тишлаб, “инграб” юборишида буюк шахсларини майда манфаатларга алмашаётган инсониятнинг ўз ихтиёри билан шармандали ҳолга тушиши аччиқ киноя остига олинган... ҳатто фожеа ҳолат инсонга улуғворлик бағишилаганини ўз қаҳрамони мисолида күрсата олган... Сўнгги дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, тақдирига тадбир кўрувчи эмас, унга пешвоз чиқадиган қаҳрамон тимсолида гавдаланган Улуғбек образидаги улуғворлик ўлимни кўркув каби қабул қилган Абдуллатифдан ҳам, Маҳмуд Фазнавийдан ҳам юқори туради... Одил Ёқубов тарихий романларида қаҳрамонлар ўлим олди қиёфаларига атай урғу беради. Ўлимга юзма-юз келган қаҳрамонлар майда персонажлар эмас... тарих йирик шахслар ҳисобига яратилади. Ёзувчи роман воқеалари орқали азалнинг мутлақ бир қонунияти - мувозанатнинг ўлим туфайли барқарор эканлигини таъкидлади”.

Муаллиф “Кўхна дунё” романи тадқиқида ҳам ёзувчининг шахс қисмати драмаси талқинидаги маҳоратига дикқатимизни тортган: асар қаҳрамонлари характерининг соғ психо-биологик жиҳатларини очишда ёзувчи ўзига хос йўлдан бориб, инсоннинг ўлим билан юзма-юз ҳолатини турли қиёфалар аро тўқнашувлар, қиёслар орқали тасвирлаганлиги; ўлим - жисмоний якун эмас, балки ҳаёт қимматини белгиловчи мезон, ҳар бир инсон ўлим туфайли боқий дунёда ўзига мос даражага эришади; ўлим - бу синовлар дунёси учун хотима; ўз ҳаёти, амалга оширган ишлари, амаллари, эришган мавқеи, ижтимоий-маънавий омиллар - абадий ҳақиқат тажаллиси. Буни англаш учун умр берилган; ҳаёт - ана шу ҳақиқатни англаш йўли. “Кўхна дунё” қаҳрамонлари инсон-умр-ўлим тушунчаларига ўз руҳий оламлари манзаралари орқали муносабат билдирганларни ёзувчи кашфиёти эканлигини тадқиқотчи чуқур англаған.

Монографиянинг ҳаёт ва ўлим муаммоларининг мустақиллик даври насрода акс этиши; янги тамойиллар ва уларнинг омиллари тадқиқ қилинган учинчи бобида эътибор бугунги насрнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилган. Бу ўзига хослик асосида ҳаёт ва ўлим фалсафасининг янгича бадиий эстетик талқини Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонкул. Л.Бўрихон каби ёзувчилар яратган асарлар мисолида ёритилган. Дарҳақиқат, адиларнинг шахс руҳий ҳолатлари бўртиб кўринувчи, қаҳрамоннинг ҳеч бир ақидаларга, қонун-қоидаларга сифтмайдиган ҳолатлари тасвирандиган асарлар ижодкорнинг борлиқка ўзгача назар ташлаш, моҳият сари интилиш, янгича ифодалардан фойдаланишлари натижасидир. Тадқиқотчининг бу борадаги кузатишларининг ўзига хослиги эса инсон тақдири, унинг моҳияти, тириклик ва ўлим фалсафасининг инсон ҳаётидаги ўрни масаласи экзистенция билан боғлиқ дуалистик мезон асосида ёндашувда кўзга ташланади. Инсоннинг зоҳирий табиати билан яшашга мажбур қилиниши оқибатларини “Жазирамадаги одамлар” романни таҳлилидан ҳис қиласиз. Ҳаёт ва ўлим оралиғидаги инсоннинг ўзлигини, ўзгаларни ва оламни англаши мураккаб руҳий жараёнларда кечиши қаҳрамонлар изтироби фонида очиб берилаёттир. Бундай тенденция инсон ўз кўнглидан, ички оламидан, ҳаётдан бегоналашиб бораётганлиги моҳиятини англашга етаклади. Инсон, ўлим, рух ва унга жамият муносабати масаласи бугунги ўзбек насрода ёзувчиларнинг турфа нигоҳи, ўй-кечинмалари орқали бадиий идрок этилаётганлиги сезилади. Муаллиф бу хусусиятни “Уруш одамлари”, “Қора китоб” қиссалари мисолида ёрқин ифода воситасида таҳлил қилган. Руҳият оламининг бадиий тадқиқига хос эврилишларни “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” асари мисолида тадқиқ қилган ва асосли илмий холосаларга етиб келган.

“Инсон - ҳаётга ташна... ўлишни хоҳламайди... Бу ҳолатни Маҳмуд Фазнавий, Мирзо Абдуллатиф мисолида кўрдик. Шунинг учун Тоғай Мурод “биз ўлишни билмаймиз” деганида ҳақ эди... Ҳолбуки, ўз қобиғига ўралиб, депрессия ҳолатини ўтказаётган одамларнинг тўқсон фоизига суицидлик хос... XX аср насли биргина асрда тизимнинг икки бор ўзгарганига ва ҳар сафар бу ўзгариш қурбонлар талаб қилганига гувоҳлик беради.

XX асрнинг 30-йилларида “Сароб” даврнинг кескин ўзгаришга учраши қандай оқибатларга олиб келишини Сайдий ва маслакдошлари мисолида очиб берган бўлса, XX аср охиридаги эврилишлар Ботир фирманинг кечмиш ва кечинмалари мисолида ўзининг бадиий ифодасини топган... Инсоният йиққан жамики

фалсафаларнинг йифиндиси ўлим ва уни англашдан иборат. Бу тушунчанинг бадиий-эстетик талқинлари О.Ёкубов томонидан ҳаёт билан ўлим оралиғида тебранаётган инсон рухиятидаги пўртанааларини очиш; илм аҳллари мисолида ўлимни маҳв этиш, ҳукмдор мисолида эса ўлимнинг инсонни маҳв этиши тарзида тасвиirlанди. Ўлимга юзма-юз келган одамнинг изтиробларини кўрсатиш орқали ёзувчи қаҳрамон рухияти ва ҳаётини тафтиш қилди. Рухий мувозанатни сақлаб турган хотира, туш, эсдалик, онг остида қолган қандайдир кечинмалар энди бирваракайига юзага қалқиб чиқади. Ўлим фақат ижтимоий-сиёсий таназзулнинг ёки жисмоний ҳаётнинг якуни эмас, балки инсон рухий иқлиmlарининг ўзига хос кашфиётчисидир" - каби ҳукм-хуносалари ҳаётий ҳамда илмий салмоққа эга. Мустақиллик даври насли ҳаёт ва ўлим муаммоси моҳиятини англатишда табиий-биологик ҳамда миллий-исломий талқинларга, психологик таҳлилларга бойлиги билан ажralиб туради. Ўлим нафақат умр якуни, балки тафаккур интиҳоси тарзида ҳам талқин қилинмоқдаки, бу жиҳатлар ҳам тадқиқотчи назаридан четда колмаган. Монография XX аср ўзбек насрига хос тенденцияларни ранг-баранг ижодкорларнинг ҳаёт ва ўлим муаммосига турфа ёндашувлари асосидаги тадқиқи ўзига хос ечимлар, муҳокама-мулоҳазаларга бойлиги, илмий салмоғи билан эътиборимизни тортади; яна кўплаб адабиётшунослар, адабиёт ихлосмандлари, ёш олимлар дикқат-эътиборини жалб этишига ишончимиз комил.

### **Методик тавсиялар**

## **ЎҚУВЧИЛАРДА АДАБИЙ ТАҲЛИЛ МАЛАКАСИННИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ**

Бошланғич таълим маърифатлилиknинг пойдеворига ўхшайди. Айни пойдеворнинг пухталиги таълим заминининг пишиқлилигини таъминлаш аниқ. Хўш, ана шу "таг-замин" бугунги маънавий эҳтиёжларимиз даражасида курилганми? Бошланғич таълимнинг шакли ва мазмуни замонавий талабларга жавоб бера оладими?

Бу саволларга "ҳа" ё "йўқ" деб жавоб беришга шошилманг. Кўз олдингизга синф хонаси ва сизга жовдираб қараб турган болажонларни келтиринг. Энди ўкув дастури билан дарсликларни стол устига қўйинг ва уларни бир-бир вараклаб кўринг...

Дастур талабига кўра I-IV синфларда адабий материални ўрганиш жараёнида ўқувчининг тўғри, тез, равон ўқиш малакасини

хосил қилишга, оғзаки ва ёзма нутқини, боғланишли нутқини ривожлантиришга, сўзларни қўллаш, сўз маъносини, унинг товуш хусусиятларини ўрганиш, жумлалар ва гаплар тузиш воситасида ўз мулоҳазаларини мантикий изчиллиқда, тасвирий ифодалардан фойдаланиб баён этиш, асарни қайта ҳикоялаш, ўқувчини кузатган ҳодисалари ёки расмлар воситасида мустақил ҳикоя тўқишига ўргатиш лозим. Натижада бошланғич синф ўқувчисида адабий материални ўқиб ўрганиш, унинг мазмунини ўзлаштириш, китоб устида ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Таянч синфларда эса бундай кўникмаларни янада ривожлантиш заминида адабий асарнинг қурилишини ўрганиш, бадиий образ моҳиятини англаш, эстетик дидни тарбиялашга эътибор қаратилади.

I-IV синфларнинг ўқувчилари адабий материални тез ўзлаштиришлари, ёд олиш қобилиятларининг ривожланганлиги, мусиқа санъатини чуқур ҳис қилишлари, жисмоний ҳаракатларининг тезлиги жиҳатидан ажралиб турадилар.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва уларнинг ўзигагина хос сифатларини ўрганиш орқали I-IV синфларда бадиий асарлардан парчалар ёдлатиш, халқ оғзаки ижоди намуналари асосида сахна кўринишлари тайёрлаш, мусиқа соатларида уларнинг оламини ҳиссий идрок этиш қобилиятларига таъсир этиш яхши самара беради.

Она-Ватан, унинг табиати, инсонга ҳузур берувчи гўзаллик аломатларини кўриш ва ҳис қилишга бола нигохини қаратиш, унинг беғубор қалбига нафис рангларда жилваланган эзгу хаёллар, тимсолларини олиб кириш, тасаввур ва кечинмаларини оғзаки ифодалай олишга ўргатиш, фикрларини тинглаш, хаёлларига эрк бериш бошланғич синф ўқувчиларида адабий таҳлил малакасини шакллантиришдаги тайёрлов босқичи ҳисобланади.

III-IV синфларда “Қушлар, дарахтлар, ўсимликлар билан сўзлаша оласизми?” деган мавзуда савол-жавоб ташкил этиш мумкин. Ўқувчиларга қушлар овози магнитофондан тинглатилади, улар жониворлар, ўсимликлар одамларга нима дейиши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларни баён қиласдилар. Қизиқувчан, кузатувчан бола руҳиятини ўрганиш, уни майдада икирчикирлардан муҳим маъно ва салмоққа эга ҳодисаларни ажрата олишга ўргатиш учун ҳафта давомида ўзи кўрган, эшитган ё ўқиганлари ҳақидаги мулоҳазаларни тинглаш ёки уни бефарқ қолдирмаган ҳодисаларни “ён дафттар”га ёзиб боришга ўргатиш, ҳаётнинг драматизмга бой ҳодисалари унинг дунёсида қандай ўзгаришлар ясаётганлигини ўрганиб бориш ўқитувчи ва ота-она

зиммасидаги вазифадир. Чунки, I-IV синфлардаги ўқувчилар дунёкарашида ўзлари кузатган “яхшилик” ёки “ёмонлик” ҳақидағи таассуротлар, күрган-кечиргандардан чиқарылған холосалар бир умрга мұхрланиб қолади. Ўқитувчи ўқувчининг атрофга, ҳодисалар ва инсонларға муносабатини ва улар ҳақидағи фикрларини тинглаш орқали холосаларини түғрилаш, бу ҳодисаларға изох бериш ҳамда бола рухиятини жунбушга келтирған кечинмалари ҳақида дұстона фикрлашиши мүмкін.

Демак, I-IV синфлар ўқувчисининг китобхонлик даражасини ўстириб бориш, оғзаки ва ёзма нутқини, мустақил Фикрлаш салоҳиятини ривожлантириб бориш келажақда уларда адабий таҳлил малакасини таркиб топтиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди.

“Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш концепцияси ”да бу ҳақда: “Мактаб адабий таълимнинг қуи босқичида бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган жисмоний ва рухий хусусиятлар ҳисобга олинади. Фикрлашдан кўра ёд олишга мойил бўлганликлари сабабли бу босқичдаги ўқувчиларга тўғри талаффуз қилиш, нутқ ўстиришга ва ёдлашга қулай, дидактик характерга эга бўлган, айни вактда, эстетик қиммати баланд асарлар тавсия этилади. Бу босқичда тарбияланувчиларнинг маънавий-хулқий мезонларини шакллантириш адабий таълимнинг дикқат марказида туради”, дейилган. Бошланғич синфлар учун тузилган ўқув дастурида ҳам ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришга жиддий эътибор қаратилган. Чунки шу босқичда ўқувчиларнинг китоб билан ишлаш кўникмалари таркиб топтира бошланади. Англашиладики, I-IV синф ўқувчилари билан китоб устида ишлаш, бадиий асарларни ифодали ўқиш ва мазмунини ўзлаштиришга эришиш воситасида уларда образли мушоҳада, бадиий асарлардан рухий таъсирланиш, шу асосда оғзаки ва ёзма нутқ ривожлантирилади. Ўқувчилар образларнинг хатти-харакатларини кузатиб, уларни баҳолашга ўрганадилар, “Яхши” ёки “ёмон” хулқ әгасининг қиёфасини тасаввур қиладилар, зарур холосалар чиқарышга ўрганадилар. Айтиш жоизки, бу босқичда ўқитувчи ва ўкувчи муносабатларидаги ўқитувчининг ҳокимлиги етакчилик қиласди. Чунки:

1. Бошланғич синф ўқитувчисининг фаолияти йўналтирувчи характерга эга бўлиб, ўқитувчи ва ўкувчи муносабатларидаги ўқитувчи фаоллиги етакчилик қиласди.

2. Бошланғич синфларда бадиий асарларни ўқиш ва ўрганиш давомида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш мақсади турадики, шундан келиб чиқсан ҳолда

бадиий асарларни ўрганиш тарбиявий томонга йўналтирилади.

З. I-IV синфлар ўқувчиларида китоб устида ишлаш малакаси шакллантирилиб борилади. Шу мақсадда улар ўрганилган асар юзасидан режа тузиш, асар мазмунини ёки асосий образлар ҳақидаги фикрларини оғзаки баён қилишга ўргатилади. Ўз фикрларига таяниб, маълум хулосаларни чиқаришга одатлантирилади.

Бундай мақсад ва вазифаларни бажаришда фанлараро алоқадан фойдаланиш ҳам мумкин. Ўқувчида Ватанга муҳаббат туйғуси ўз оиласи, уй-жойи, мактабига ва атрофидагиларга меҳр қўйишдан бошланади. Шу туйғуни ўстириб улғайтириш масъулияти ота-она ва мураббийларга юкланди.

Табиат дарслари давомида она табиат билан янада яқинрок танишади. Ўзбекистон иқлими, ўсимлик, ҳайвонот олами ҳақида бошланғич билимларга эга бўлади. Зоро, ўқувчининг оламни таниши, ўз юртини севиши, туғилиб ўсган жой хусусиятларини англашдан бошланади. Эрта тонгда ўқувчи атрофдаги зулматни кувган қүёшни кузатса, ер тафтини ҳис эта олса, ўсимликлар ва кушлар ҳаракатини кузатса билса, она заминга муҳаббат туйғуси уйғонади. Агар биз ана шу ўқувчи тасаввур этган макон чегарасини дарс жараёнида янада кенгайтиришга эришсак, ўқувчи дунёқараши, билим ва тасаввурлари даражасини ўстиришга ҳам эришамиз.

Бу борада хилма-хил ранги фото-альбомлардан, табиат манзаралари тасвиirlанган расмлар қаторида адабий материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин. 4-синфда тоғ, адир, водий каби тушунчалар ўзлаштирилади. Ўқитувчи мавзуга мос расмларни доскага илиб, Ўзбекистон водийлари, тоғу қирлари манзараларини ўқувчига тасаввур қилдиради ва “Бобурнома”-дан кўйидаги парчани ўқиб беради: “Фарғона вилояти бешинчи иқлиминдун-дур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Қошғар, фарби Самарқанд, Жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар... Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға машхурдур...”

Фарғона водийсини Бобур ота юрти сифатида ўз асарларида алоҳида меҳр билан таърифлаган. Бутун умри давомида шу юртни соғиниб шеърлар битган, Ватанни қўмсаб, кўзлари ёшга тўлиб, армон билан яшаган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон водийлари табиатнинг гўзаллиги, соғ ҳавоси, зилол сувлари, мевалари, шифобахш ўсимликлари, меҳнаткаш ҳалқи билан оламга машхурдир.

Ўзбекистон тоғлари, водий ва адирларида қандай ўсимликлар ўсар экан? Ўқувчилар жавобини тўлдириш жараёнида ўқитувчи наъматак ўсимлиги хусусида алоҳида тўхталиб, унинг шифобахш

хусусиятларини айтиб ўтади ва Ойбекнинг “Наъматак” шеъридан парча ёд ўқиб беради:

“Нафис чайқалади бир туп наъматак  
Юксакда, шамолнинг беланчагида,  
Күёшга кўтариб бир сават оқ гул !  
Викор-ла ўшшайган қоя лабида  
Нафис чайқалади бир туп наъматак...  
Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнгил,  
Вахший тошларга ҳам у берар фусун.  
Сўнмайди юзида ёрқин табассум,  
Янокларин тутиб олтин бўса-чун,  
Күёшга тутади бир сават оқ гул!..”

Шундан сўнг ўкувчиларга тоғ ён бағрида ўсиб, гуллаб турган наъматакнинг рангли расми кўрсатилиб, табиат дафтарларига чизиш топширилади. Тоғ дарёлари ҳақида сўз юритилганда уларнинг тез оқими, сув ҳароратининг пастлиги, шовқиннинг кучлилиги айтилади. Шоир Миртемирнинг “Дарёга” шеъридан парча ўқиб бериб, тоғ дарёларининг инсонга хузур, завқ бағишлиши, тоғ ҳавосининг мусаффолиги, Ўзбекистон табиатининг гўзаллиги ҳақида гапириб, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” (А.Орипов) шеъри билан дарс соатини якунласа бўлади.

II-III синфлардаги табиат дарсларида ҳам адабий материалларидан фойдаланиш мумкин. Йил фасллари намойиш қилингач, ҳар бир расмнинг шеърий талқини берилса, ўкувчининг тасаввурлари янада бойитилган бўлади. Баҳор фаслига хос табиатдаги ўзгаришлар айтилгач, шоир Чўлпоннинг “Кўклам келадир!” шеъридан парча ўқиб бериш ёки А.Ориповнинг “Баҳор”шеърини ёд ўқиши мумкин:

Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин,  
Офтоб ҳам юксалди-тик келар қуёш.  
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кифтин,  
Безавол майса ҳам силкитади бош.  
Тарновлар бўғзида лола ҳам кўркам,  
Терак учларида изғир мавжудот...  
Ховлиқма жилғалар чолар бе эга,  
Кушлар қий-чувига тўлмиш дала-бог.

Ўкувчилардан шоир тасвирлаган манзарани оғзаки нутқда баён этиш сўралса, улар баҳор, ёз, куз, қиш фаслларига хос хусусиятларини ўз тасаввурларига, ҳис-кечинмаларига таяниб сўзлаб берадилар. Бундай усул воситасида ўкувчи ҳис қилган ҳолат, манзарани фикрига кўчириб, оғзаки нутқда баён этишга ўрганади, фикрлаши теранлашади, нутқи такомиллашади, билимлари кенгаяди, муҳими она юртга меҳрури янада ортади.

## **“ЙЎЛЧИМАН МАНЗИЛИМ ДЕНГИЗДАН НАРИ...”**

Шоир Усмон Носир услубига хос жозибадорлик, жўшқинлик, бадиий рангларнинг қуюклиги, нафис чизгилар бадиий тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиши натижасида юзага келган. “Тифлис оқшоми”, “Хайр Севан”, “Кораб” сингари шеърларидан шоир гўзал табиат манзарапарини, денгиз соҳилларини, бепоён уфқ рангларини, “сувларга бош қўйган” кенг осмонни, “мармар сув”ларни марварид донасида оппоқ томчиларни, шўх, эркин тўлқинларни ҳаяжон билан тасвирлайди. Шоир чизгилари поэтик бўёқлар воситасида гоҳ нафис, гоҳ қуюқ рангларга чўлғаниб, унинг ўй-хаёллари, ҳис-туйгулари билан уйғунлик ҳосил қиласди. “Кораб” шеърига эътиборни қаратсан, оқшом чоғидаги туманли тоғлар кўз ўнгимиизда жонланади:

*Оқшом тушди, тоғни туман босди,*

*Юлдуз билан тўлди денгиз ости.*

*Ўйнайди шамол*

*Ухлайди шамол...*

Денгиз остининг юлдуз билан тўлишини тасаввур қила оласизми? Шоир кўкда порлаган юлдузлар аксини, юлдузлар ёғдусининг денгиз сиртидаги чайқалиб товланишини “юлдуз билан тўлди денгиз ости” дея тасвирляяпти; агар шамол уйғонса, сокин денгиз харакатга келиб, даҳшатли тус олиши, ўкириб, қирғокларни ўпириб, бўронга айланиши ҳеч гап эмас.

Шоир ана шу бўрону довулларни енгигб, ҳамиша олға интилиб келаётган тоғдай буюк Корабга тикилиб, унинг тимсолида чақмоқ, бўронлардан тап тортмайдиган, мақсад сари интилувчи, ўлим, қўрқув, йўклик қўрқитолмайдиган, тилаклари кўлда байроқ мисол қадди тик, иродали, мард инсонни тасаввур қиласди. Ана шундай инсонлар бор экан эзгу тилаклар “кўзгудаги чироқ”дай, яъни қалбни ёритиб турувчи маёқ каби курашларга, улкан зафарларга олиб бориши аниқ!

Шеърнинг охириги банди қуйидагича якунланади:

*“Оқшом тушган, тоғни туман босган,*

*тиник сувда чўкиб ётар осмон...*

*Мен қараб қолдим,*

*Кенг нафас олдим.”*

Агар дикқат қўлсангиз, шеърнинг илк бандида шоир айнан шу манзарапарини ўзгача тасвирлаган эди:

*Оқшом тушди, тоғни туман босди...*

Нима учун охириги бандда ўтган замон феъл шакли “тушган, босган” тарзида қўлланган? Нима учун шоир бу манзарага қараб

қолди ва кенг нафас олди? Бу ҳолат қандай поэтик маъноларни ифода этмоқда?

Гап шундаки, сувларни қалқитиб, олға қараб келаётган буюк Кораб бўрону чақмоқлар, қоронгулик, кўз илғамас туманли тунларни ёриб, тап тортмай келаётган экан, унга оқшом чоғидаги фира-шира тоғ туманлари ҳеч гап эмас, ахир унинг эзгу тилаклари, мақсадлари сувдай тиник, осмондай улкан, аниқ ва ёрқин! Шу боис “сувда чўкиб ётар осмон...”, яъни унинг денгиздаги йўллари билан осмон мисол мақсадлари бирлашиб кетган. Буни ҳис этган шоир Корабнинг буюклигига ичдан тан бериб, ҳавас билан тикилиб қолди, шундай инсонлар борлигидан қаноат ҳосил қилиб, кенг нафас олди.

Энди шеърнинг бадиий хусусиятларига яна бир карра назар ташлайлик: ўхшатиш, (тоғдай буюк кораб), жонлантириш, (ўйнайди шамол, ухлайди шамол), кўчимлардан моҳирона фойдаланиш (юлдузлар билан тўлди денгиз ости... ёки тилак байроқ, тилак кўзда чироқ...). Поэтик тил воситасида образли ифодалар аниқ, лўнда, ихчам тарзда берилганлиги:

*Париллаб ёнур,  
Недан тап тортур.*

Нафис чизгилар китобхон қалбини ҳаяжонлантиради:

*Сувлар чайқалди,  
Ой қалқиб қолди.*

Шеър оҳангининг гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тарзда ўзгариб туриши денгизнинг ҳолатини ёрқин ифода этишга мослаштирилган. Манзара тасвиридан образга қўчиш, образдан унинг ички ҳаракат-ҳолатига ўтишда ранг рамзлардан, образ-рамздан санъаткорона фойдаланилган.

У.Носирнинг “Кораб” шеъри бадиий баркамоллиги жиҳатидан бугунги кун китобхонлари қалбига ҳам илиқ туйгуларни жойлади. Миллий истиқлол даврида ҳалқимиз бир тан, бир жон бўлиб, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида курашишдай улкан мақсад билан ҳаракат қилса, сиз каби ёшлар тоғдай буюк Кораб сингари ҳаёт синовларига чидамли, мард, иродали Инсон бўлиб вояга етсангиз, ислоҳотлар даврининг барча муаммолари ўз ечимини топади. Энг муҳими, эзгу тилаклар шоир айтганидай париллаб ёнсин, кўлда компас мисол маёққа айлансин, шунда ҳеч шубҳасиз “Бўйсунар зафар!”

Шоирнинг 5-синф ўкув дастурида берилган “Юр, тоғларга чиқайлик”, “Йўлчи”, “Болалигимга”, “Ёшлик” каби шеърларини ҳам бевосита матн таҳлили давомида шеърий санъатларни кўллашдаги ижодкор маҳоратини ёритиш орқали ўрганиш

мумкин. “Тор келган күнгил”, “Күзга беркитилган ой”, “Чарчаган тил” сингари образли ифодалар, поэтик күчимларга ўкувчилар эътиборини қаратиб, уларнинг бадиий вазифаларини шеър матнига таянган ҳолда ёритиш ва мустаҳкамловчи саволлар орқали ўкувчиларни мустақил таҳлилга йўллаш мумкин.

Шоирнинг “Йўлчи” шеърини таҳлил қилиш воситасида поэтик тафаккур ҳақида назарий тушунча бериш усувларига дикқатни тортамиз.

*Йўлчиман манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин.  
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин  
Чайқалар кўзларим тикилган сари  
О, йўллар!... (177,66)*

Шеърнинг илк мисраларини ифодали ўқиш чоғидаёқ ўкувчи кўз олдида “Йўлчи” образи гавдаланади. Бинобарин, Усмон Носир яратган ранг-баранг образлар ичидаги “Йўлчи” шоир киёфасини тўла ҳолда ёритувчи, унинг ўзигагина хос қалб кечинмаларини ифода қилувчи жонли ва таъсирчан образ ҳисобланади. Хўш, “Йўлчи” ким ва унинг машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтишдан муроду мақсади нима? Биз ҳозиргина ўқиб, таъсирланган шеър мисраларида Йўлчи ўз манзилининг ниҳоятда олис, “ложувард уфқнинг тубига яқин” эканлигини сўзламоқда. Кўнглидаги дардлари “дарёдек оқин” Йўлчи ўз манзилининг ниҳоясини кўрмок истагида кўзда ёш билан йўлларга тикилаётганлигини, йўлларнинг эса охири йўқлигини ҳис қиласиз.

*Чу қора тойчогим! Чу қора йўргам!  
Муродга қасд қилиб юргурган етур.  
Бўронни севмаса, дил нечун тепур?  
Тириклик не керак, бемақсад, бегам?  
Чу, қора йўргам?*

Ушбу мисралар орқали биз эзгу мақсад ила ҳаёт синовларига дош беришга қодир, юксак эътиқод учун курашга бел боғлаган, бегам, бемақсад яшашдан кўра ўлимни афзал билувчи иродали, мақсадли, курашchan инсонни – Йўлчини тасаввур қиласиз. У барчамизни ёниб яшашга, эзгу тилаклар учун курашга чорлаётганлигини англаймиз. Демак, Йўлчи образи орқали шоирнинг имон-эътиқоди моҳиятини билиб оламиз. Шеърий тафаккур шоир ифода қилаётган тоя мазмуни билан имон-эътиқоди моҳиятининг шеърий шаклдаги ифодасидир. Зоро, шеърда тилга олинган “қора тойчоқ” қандай маъноларни ифода қиласиди? Нима учун шоир Йўлчи билан машаққатли ҳаёт йўлида ҳамкор, ҳамдард, вафодор тойчоқка нисбатан “қора” рангини кўллаган?

Гап шундаки, Йўлчининг ҳамроҳи тойчоқ ҳам у билан бирга барча ҳаёт синовларига дош бермоқда, олис йўлларни босиб ўтмоқда. Халқ ичида оғир машаққатлардан руҳан эзилган одамларга нисбатан у чўнг темирдай қорайиб кетибди, деган ўхшатиш кўлланади. Бу ўринда шоир Йўлчининг бошидан кечган мусибатлар, фам-аламлар, руҳий изтиробларни у билан ҳамкор тойчоқнинг “қора” рангига ишора қилиш орқали ифода этмоқда-ки, ўринли ишлатилган ўхшатиш, жонлантириш, бадиий ранг-рамз образ қиёфасини, руҳиятини англаш имконини берган. “Чу, қора йўргам!” мисрасининг такрор кўлланиши воситасида бу маънолар миқёси янада кенгайган: ҳаётнинг оғир синовларига фақат буюк мақсад учун яшаб, эзгу тилаклар учун кураша оладиган, алоҳида қатъий, иродали, мард инсонларгина дош бера оладилар! Йўлчининг ана шундай матонатли инсон образи эканлигини ҳар сафар ўзи танлаган йўлга олға интилишидан, “Чу, қора йўргам!”-дэя хитоб қилишидан билиш мумкин.

Хўш, шеърда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланган? “Ложувард уfkни” сиз қандай тасаввур қилдингиз? Йўлчи манзилининг “Ложувард уfk” тубига яқинлиги қандай маънони англатади? Йўлчи кўнглидаги дардларининг “чайқалиши”ни сиз қандай изоҳлайсиз? Шеърдан қофиядош сўзларни топинг.

Шоир қандай халқ мақолидан Йўлчи образини бадиий гавдалантиришда фойдаланган? “Бўронни севмаса, дил нечун тепур?” – риторик сўроқ усулидан шоир қандай мақсадда фойдаланган, деб ўйлайсиз? каби савол ва топшириқларни ўқувчиларга тарқатиш воситасида шеърни янада кенг таҳлил қилиш мумкин.

“Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери...”

Шоирнинг ҳис-туйгулари ва кечинмаларини акс эттирадиган бадиий асарлар лирик асарлар дейилади. Бадиий ифодани ҳис-хаяжонларга йўғиришда лирика сўзга, шеърий шаклларга таянади. Ташбех (ўхшатиш), тажнис (омоним сўзлардан фойдаланиш), ташхис (жонлантириш) ана шундай шеърий санъат турлари сифатида шоирга шахс, предмет, ҳодисанинг ўзига, инсонларга хос хусусиятларни очишка, уни бирор нарсага қиёслашда, предметларга кўчириб, жонлантириб тасвирилаш, ёхуд сўзларнинг маъно товланишлари воситасида янги-янги поэтик ифодалар ва тасвир қирраларини яратишда кенг имкониятлар беради. Шоир тунни қоронғуликка, ойни ёрқинликка, гул баргидаги шудринг томчисини кўз ёшига, яшилликни навқиронликка ўхшатиб, жонлантириб, жозибали ва таъсирчан мисралар яратади.

7-синф учун ўқув дастурида Чўлпоннинг “Гўзал”, “Кўнгил”,

“Халқ” шеърларини ўрганиш давомида шеърий санъатлар тұғрисида 5-6-синфда ўзлаштирилган билимларга таяниб таҳлил қилиш ва күчим ҳақида назарий тушунча бериш мүмкін. Аввало, “Бинафша” шеърини ифодали ўқиб, әтибор асар сарлавхасига қаратилади. Бинафша тимсолида сиз нималарни тасаввур этасиз? Ҳа, бинафша янгиланиш, уйғониш фасли баҳорнинг илк чечаги, демак, у баҳор рамзи. Хүш, шеърнинг номланиши сабабини изоҳлай оласизми? Бинафша образи қандай мажозий маънога эга? Шеърда бинафша образига лирик қаҳрамон муносабатини ёрқин ифодалашда бир қатор шеърий санъат турларидан фойдаланилган. Риторик мурожаат ана шундай усуллардан бири сифатида лирик қаҳрамон кечираётган азобли кечинмаларни хис қилишимизга, шоир руҳиятини ифодалашга ҳизмат қилган.

Бинафша, нимага бир озрок очилмай,  
Бир эркін кулмасдан узилдинг?  
Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,  
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?  
Бинафша,  
Айт менга,  
Кимлардир уларким,  
Игнани бағрингга санчалар?  
Бинафша,  
Бир сўйла,  
У қандай қўлларким,  
Узалар, ҳидлайлар, янчалар?...(60, 202)

Дикқат қилинса, шеърдан олинган деярли барча парчанинг мисраларида жонлантириш (узилдинг, кулмасдан, эгилдинг, сочилдинг, сўйла...) усулидан унумли фойдаланган. Натижада, шоир ўз ҳолати билан бинафшага хос сифатларни қиёслаб, ўхшаш нуқталарни бўрттириб, жонлантириб тасвиrlаш воситасида лирик қаҳрамон билан бинафша образининг муайян уйғун маъноларга эга хусусият, ҳолат, белги-сифатларига китобхон әтиборини қаратмоқда. Ўз кечинмаларини ана шу ўхашликка асосланиб, тасвир объектига кўчиришга эришган. Шеърда шоирнинг назари баҳорий чечакка қаратилганни ёки хўрланган, топталган юртгами? Агар шеър мисраларидағи сўзлар маъносининг кўчишига дикқатни қаратсан, ўхшаш ҳолат кечинма кўчирилган предмет бинафша тимсоли шоир руҳиятини тўла ҳолда ичдан ёритишга йўналтирилганлигини англаймиз. Бу ўринда яна бир тасвирий восита – кўчим сўзни, кўчма маънода қўллаш ёки нарса-ходисага хос сифатларни қайсиdir жиҳати билан ўхшаш бошқа нарсаларга кўчириш санъати эканини тушуниб оламиз. Кўчимнинг кўп ишлатиладиган кўринишларидан бири

истиорадир. Чўлпоннинг “Бинафша” шеъридаги “Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери” мисрасидаги “кўкрагим” сўзи Ватан, “эрк ери” эса озод юрт маъноларини ифода қилаёттир.

Академик лицейларнинг 2-босқичи учун адабий таълим дастуридан ўрин олган Чўлпоннинг 1923 йилда ёзилган “Хазон” шеърида Ўрта Осиё, хусусан, Туркистоннинг руслар томонидан босиб олиниши оқибатида ўлкани талаш, халқни мустамлака истибдодига солиш билан боғлиқ аччик ҳаёт ҳақиқати лирик кечинмалар, манзаралар орқали тасвиранганд. Шоир поэтик бўёқлар воситасида куз тасвирини чизади.

“Куз чофи тупроқлар гезариб қолдилар” мисраси кутилмаганда бошига балолар ёғилган замин ҳолатини кўз ўнгимиизда жонлантиради: гезарган тупроқлар, қизариб ёнган япроқлар, боғларда қағлашиб қолган қаргалар, кимларнингдир узилган умидлари, “бир чангол солишда” узилган қисматлар бир-бир кўз олдимииздан ўтади. Бу манзарани шунчаки кузатиш мумкин эмас!

Эй совуқ эллардан муз кийиб келғонлар,  
У кўпол тушингиз қорлардан йўқ бўлсин!  
Эй, менинг боғимдан мевамни терғонлар,  
У қора бошингиз ерларга кўмилсин!-

дека ҳайқиради шоир қалблари ҳам муз, истаклари ҳам муздай “муз кийиб келғонлар”га қаратса. Шу тариқа ранг-рамздан образ-рамзга кўчиш юз беради. Иссиқ жонларни музлатгувчи совуқ истак ва тилаклар ёндириган япроқлар қизилга бўялди, сўлим боғлардаги меваларга чанг солинди, элнинг ризқи тортиб олинди, эрки бўғилди.

Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур,  
Сўнг дамда япроқлар қизариб ёндиlar?

Риторик сўрок, мурожаат, мисра такори янги маъноларни ифода этади, яъни бу ҳолга дараҳт-миллат, япроқлар – шу миллатнинг ўғил-қизлари “қизориб ёндиilar” – маъюс кўниб қўяқолмадилар, қизориб ёндиilar – исён қилдилар, хўрликларга қарши қизариб ёндиilar, энди “кимларнингдир” умиди йўқ бўлур, қисмати узилур, у “қора бошлар” и ерга кўмилур! Босқинчиларни тутиб турган замин ҳам бир тебраниб кўйди, куз чофи... тупроқлар гезариб қолдилар. Ўзига хос ўхшатишлар, рамзлар бадиий сўзнинг кўпоҳанглилик хусусиятидан санъаткорона фойдаланиш, образлилик шеърнинг бадиий фазилатлари дидир. Шеър сарлавҳасиёқ Чўлпоннинг хазон бўлган ўлка қисмати ҳақидаги ўй-кечинмаларини ифода этади. Аммо, шеърни ўқиб бўлгач, бу кечинмалар шунчаки фарёд, оҳу нолалардан иборат бўлмай, ёмон ниятлар билан ўзгалар ерига оёқ босган босқинчиларнинг

истаклари хазон янглиғ оппоқ қорлар билан ерларга күмилишига ишонч билдираётган шоир эътиқодининг кичик парчаси эканлигини англаб етамиз. Чўлпон сингари юрт озодлиги, миллат эркини интиқиб кутган, орзу қилган қатағонлар даври қурбонларининг тилаклари биз яшаётган даврда амалга ошли. Шу сабабли миллий мустақилликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини яна бир карра ҳис этамиз.

## МАКТАБДА ЗУЛФИЯ ИЖОДИНИ ҮРГАНИШ

Адабиётшунос олим Т.Бобоев “Шеър илми таълими” номли методик-қўлланмасида бўғинсиз шеър мисраларини тасаввур қилиб бўлмаслигини, шеърнинг қалби бўлмиш мусиқийлик ва ритмни вужудга келтиришда энг фаол иштирок этувчи унсур – бўғин эканини таъкидлаб: “Бармоқ тизимида бўғинлар туроқларни, туроқлар туркумни, туркум вазнни, вазн ритмни, ритм мусиқийлик, мусиқийлик поэтик фояни вужудга келтиради. Шеър унсурлари бир-бири билан узвий боғлиқлиқда, бир-бири билан мустаҳкам алоқага киришгандагина ўз вазифасини ўтай олади”, - деб ёзганларки, бу каби методик тавсиялардан адабиёт ўқитувчилари шеър таҳлилида амалий фойдалансалар бўлади.

Биламизки, бармоқ тизимида бўғинларнинг муайян гурухларга ажратилиши натижасида ритмик бўлак – туроқ ҳосил бўлади. Ўз вазифасига кўра бармоқдаги туроқ аruzдаги рукнга яқин туради. Агар мисрадаги бўғинларнинг гурухланишидан туроқлар пайдо бўлса, мисра ё байтда туроқларнинг миқдори ва уюшув тартибидан туркум яратилади. Бармоқ вазnidаги шеър туроқлари бўғинларнинг миқдорига, аruzдаги шеър рукнлари эса ҳижоларнинг ҳам миқдорига, ҳам сифатига қараб фарқланади. Хўш, ўқувчилар шеъриятнинг бу каби назарий қонун-коидалари билан яхши танишганмилар? Ўрта мактаб ўқувчиларига назарий билимлар зарурми?

Шеър оҳанг жиҳатдан маълум бир тартибга солинган, ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ ҳисобланади. Лекин шеърий нутқ ҳам муомала тили ва муомала қонуниятларига бўйсунади. Насрий нутқнинг ҳам ўз табиатидан келиб чиқадиган, амал қилиниши лозим бўлган қўшимча қонуниятлари борки, ўқитувчи таҳлил жараёнида бу жиҳатларни эътиборга олмоғи лозим. Бола шеъриятнинг инсон баҳти, кувонч-у шодликлари, фам-фуссаси, қалб изтироблари билан чамбарчас боғлиқлиги, инсоний кечинмаларнинг бадиий ифодаси

эканлигини ҳис қилиб тушунгандагина сўз санъатининг бу турига нисбатан фаол муносабатда бўлади. Акс ҳолда ўкувчида шеъриятга нисбатан лоқайдлик пайдо бўлади ва бу ҳолат унинг нафақат сўз санъати, балки гўзаллик ҳақидаги умумий тушунчаларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзининг баҳти ҳам, баҳтсизлиги ҳам умуминсонга ҳослигини англаб етган инсон йирик ҳарфлар билан ёзиладиган ШАҲС даражасини забт эта олади.

6-синф учун адабиётдан ўкув дастурида Зулфиянинг “Бахтим бор, ажойиб кишилар аро...”, “Боғлар қийғос гулда”, “Невара” шеърларини ўрганиш учун З соат ажратилган. Албатта, ушбу шеърларни ифодали ўқиш орқали бадиий жозибасини ўкувчига ҳис қилдириш ёрдамида муаллиф руҳий оламини англашга эришилади. Шоира шеърларида ҳайтдан завқ туйиш ҳисси ўзига хос бадиий шаклда ифодаланганлигини бевосита таҳлил орқали ёритиб бериш мумкин.

Хонага қуюндан отилиб кирган неваранинг шўх-шодон ҳаракатлари, ўт чақнаётгандай отилиб, елиб-югуриб ҳис – туйғуларини бошқара олмаётгандагидан завқ туйган она-шоира кечинмалари шеърда фоят таъсирчан ифодаланган. Бу туйғулар шеърда қуидагича ифодасини топган:

“Айрилиб қоғоздан, шеърдан ва хушдан  
Боқаман варракбоз инсонга баҳтиёр”

Неваранинг қиёфасини гавдалантиришда шоира қандай бадиий тасвир воситаларидан фойдаланган?

“Нақ бобоси сиёҳ зихиндай тийрак,  
Кўкиш алангада ёнар сочу-қош.  
Борлиғи эзгу бир ўт бўлса керак,  
Томирларда қонмас, кезади қуёш”

мисраларига жо бўлган маъноларни қандай изоҳлаш мумкин? Тийрак-керак; қош-қуёш сўзлари қандай вазифани бажарган? Шеърга хос ички оҳангни ҳис қилдингизми? Бу оҳанг шоира кечинмаларида мос ёқимли мусиқа оҳангини эслатдими? Шу оҳангни яратишда иштирок этган шеър унсурлари – шакл компонентларига нималар киради? Саволларга жавоб бериш учун шеър туроқларга ажратилади, ўн бир бўғинли туроқ тартиби белгиланади. Демак, шеър мисраларининг муайян тартибдаги бўғинлар уюшувидан – туроқ тартибидан унинг ички оҳангни юзага келган. Бу оҳанг ва қофиядаги сўзлар воситасида шоира шеър мисраларининг таъсирчанлигини юзага келтириб, салмоқли поэтик маъноларни ифода этмоқда: авлодлар тимсолида шу авлод қонида жўш урган эзгу ҳисларнинг умри боқийлигини англаш

мумкин. Бобосига ўхшаб кетадиган болакай-невара шоирага унинг иқболини намоён этгандай туюлади. Шоира бу ҳаётга келиб кашф этган баҳтидан туйган завқини шеърда таъсирчан ифодалай олган.

“Тиниқ зангори фазо” тубига интилаётгандай шүнғиб учайтган варрак тимсоли боланинг беғубор орзу-тилакларини ифода этмоқда. Эзгу тилакларнинг бепоён осмон қадар юксалиши эса эзгуликнинг буюклигидан дарак беради. Шу мурғак қалб, шу покиза ва жажжи вужудда ниш урган эзгу туйгулар ҳаётнинг рангинлигини, эзгулик яратиш авлоддан-авлодга ўтувчи бебаҳо туйғу эканини аён этаётир. Шоира шу ҳаёт ҳақиқатини англаб, “қофоздан, шеърдан ва ҳушдан айрилганинги” эътироф этмоқда. “Боғлар қийғос гулда” шеърига хос поэтик фикр ҳам турфа маъноларни ифода қиласиди. Қийғос гуллаган боғ яхлит бир чаманга ўхшайди:

“Ҳар дарахт анвойи бир тароватда,  
Бир кафт боғ меҳнат-у ҳосилга ватан,  
Ўзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дарахтда....”

Манзара тасвирига ўқувчилар диққатини тортиб, таҳлилга йўлловчи саволлар бериш мумкин:

1. Қийғос гуллаган боғ тимсолида шоира нималарни тасаввур этган?
2. “Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя” мисрасига жо этилган маъноларни изоҳлай оласизми?
3. “Ҳар бир дарахт ҳосили ўзгаси учун кўрк, кудрат, ҳимоя” эканини таъкидлаш орқали шоира қандай поэтик фикрни ифода этмоқда?
4. Шоиранинг ўз Ватанига меҳр-муҳаббати таъсирчан ифодасини топган мисраларни ўқиб, маъносини шарҳлаб беринг. “Ватаним кўзимда” муболағали ифодами ёки поэтик кўчимми?
5. Қийғос гуллаган боғ билан Ватан тимсоллари қайси жиҳатлардан умумлашма маънога эга?

Саволларга жавоб бериш чоғида ўқувчининг мустақил фикрлашига имкон бериш, айтилган фикрларни бошқа ўқувчилар тўлдириши, муайян назарий тушунчаларни эса ўқитувчи матн таҳлилига боғлаб тушунириб ўтиши лозим.

Шоира Зулфиянинг лирик шеърларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар кечинмалари, ҳис-ҳаяжонлари ифодасига эътибор бермоқ мухим. Ўрганилиши кўзда тутилган шеърларда фикр ва туйғу ҳаракати жўшқин, ҳис-ҳаяжон салмоғи юксак. Шу сабабли майин мусикийликка уйғун руҳият манзараларини қалб қўзимиз орқали кўргандай бўламиз. Нафис бўёқларда берилган табиат чизгиларида оқ, ним пушти ранглар етакчилик қиласиди. Табиат

тасвирига уйғун инсоний кечинмаларни кечираётган лирик қаҳрамон күз ўнгимизда жонланади, унинг қалби иликликка тұла, ғұзаллікка ташна эканини ҳис қиласыз. Айниңса, шоиранның Ҳамид Олимжон хотирасыга бағишилаб шеърлари ҳаяжонли, дардчан. Табиат тасвирига сингдирилған майин оханглар оқ бүёкларда тасвирланади, инсоний дардға йўғрилған фарёд нолалари, дард-у алам, армон-у изтироб туйғулари аста-секин сарғыш ранглар ёки тўқ рангларга кўчади. Лирик қаҳрамон қўлидаги даста гул, ёргуликни тўсиб келган қора булат, аёл изтиробларига чидолмасдан дув ёш тўккан осмон, оқ булатлар бари рамзий маъноларни ташибди.

“Биз йиғладик тепангда шу кун

Келдингми, деб кўтармадинг бош”

мисралари лирик кечинма якунини ташкил этади.

Демак, Зулфия шеърлари таҳлили орқали ўқувчиларни ҳаётнинг мураккаб синовларидан ўтиб бораётган инсон қиёфаси, унинг ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари, дард-у изтироблари орқали аёл, она, ёр қалбини тушунишга, англашга йўллаш мумкин. Ўқитувчи дарсликдаги Зулфия ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни шоирага замондош ижодкорлар Миртемир, Абдулла Қаҳҳор фикрларидан ўқиб бериш орқали тўлдириши мумкин. Шу йўл билан ижодкор қиёфасини ўқувчилар күз ўнгидаги жонлантиришга эришилади.

## АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЁЗУВЧИ МАҲОРАТИНИ ЎРГАНИШ

Умумтаълим мактабларида адид маҳоратини ўрганиш адабиёт ўқитишининг етакчи масалаларидан биридир. Юқори синфларда бадиий асарлар таҳлили воситасида ёзувчи маҳоратини ўрганишга эътибор қаратилади. Ўқитувчи адид ижодининг ўсиш-ўзгариш погоналарини тасаввур этишлари мақсадида ижодининг илк давларида яратилған асарларидан мисоллар келтириб, маҳорати янада тиниқлашган, юксалган йилларида дунёга келган асарлари таҳлилига ўтса бўлади.

Хусусан, А.Қаҳҳор ижодининг йигирманчи йилларидан ўттизинчи йилларининг ўрталариға қадар бўлган даври маҳоратининг ана шундай улғайиш пиллапояларини намоён этади. “Анор”, “Бемор” ва “Ўғри” ҳикоялари адид маҳорати изланишлар жараёнида, машаққатли ижодий меҳнат туфайли тиниқлик касб этганидан далолат беради.

А.Қаҳҳорнинг етук асарлари катта истеъдодларга хос бир хусусиятини намоён этади: ниҳоятда содда ифодалар воситасида ўта аниқ ва таъсирчан тасвир яратиш маҳорати. Биз бу сифатни А.Кодирий асарлари мисолида ҳам кузатишмиз мумкин. Юз берган мудҳиш ҳодисаларни ойдинлаштирувчи хатни ўқиган чоғда Қутидор, Офтобойим ва Кумуш холатлари тасвири китобхон кўз ўнгидаги қандай жонли ҳам ҳаяжонли тарзда гавдаланса, “Ўғри”даги Қобил бобо қиёфаси айнан шундай-ўта жонли ва таъсирчан тарзда кўриниш беради: “Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктақчан, оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалири букилиб-букилиб кетади, кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳея кимни кўрмайди”. Ёки: “Қобил бобо рўпара бўлганда Амин оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бақбақасини осилтириб кулди.

- Ҳа, сигир йўқолдими?”

Мазкур икки жумла воситасида ёзувчи Амин қиёфасини гўё ичдан ёритади, уни таърифлашга ҳожат қолмайди. Аниқроғи, ёзувчи ўз қаҳрамонлари қиёфасинигина чизиб беришга интилганлиги, шу қиёфаларнинг ўзи ёзувчи айтмоқчи бўлган ғоявий мақсадни қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, сўзлари орқали аён этганлигини англаб оламиз.

“Йўқолмасдан илгари бормиди?” жумласи Қобил бобо яшайдиган муҳитни тасвирлашга хизмат қилса, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари исмига монанд мўмин-қобил бўлгани учун фожиага юз тутган, амалдорлар томонидан шафқатсиз эзилган инсон фожиаси сабабларини очиб беради: инсон ҳалоллиги, меҳнаткашлиги туфайли ардоқланса, мўмин-қобиллиги, бош эгувчанлиги билан ўз қадр-қимматини ерга уради, таҳқирланади.

Шу жиҳати билан “Ўғри” маълум маънода ҳозирги замонга ҳамоҳанг. Бош эгувчанлик, тобелик, мўмин-қобиллик иллатлари ижтимоий-маънавий тараққиёт қаршисидаги касаллик, ўзига хос “ФОВ” эканлигини санъаткор адид фош этган. “Ўғри” ҳикояси мисолида ёзувчи ўзлигини англаб етмаган, ўз қадр-қимматини ерга урувчи “мўмин-қобиллик”, “бош эгувчанлик” иллатини қоралайди, унинг ижтимоий-маънавий тараққиётига кўп даражада зарар етказиши мумкинлигини англатади. Ниҳоятда содда тасвир, содда ифодалар воситасида ана шундай бадиий салмоқдор фикрни-ғояни китобхонга чуқур англатади. Бу соддаликни жўнлик эмас, балки санъаткорона соддалик деса бўлади.

“Бемор” ҳикоясининг эпиграфига эътибор беринг: “Осмон йироқ, ер қаттиқ”, “Ўғри”да: “Отнинг ўлими итнинг байрами”; “Анор”даги эпиграф ҳам маълум бадиий вазифани бажаради,

бевосита ҳикоянинг ғоявий мазмунини ихчам тарзда ифодалайди. Ёзувчи А.Қаҳхор ижодига хос бу хусусиятлар ҳам адид маҳоратини намоён этади. Ҳақиқий, жонли ҳамда таъсирчан тасвир яратиш маҳорати бадиий сўз устаси Қаҳхор услубининг яна бир сифати эканлигига ўқувчилар дикқатини тортиш мақсадида ўқитувчи “Бемор” ва “Анор” ҳикоялари таҳлилига қўйидагича ёндашиши мумкин:

Қаҳхор ҳикояларида ҳалқ ҳаёти ва тақдиригининг маълум даврлари қаламга олинган. Аммо, ёзувчи ҳеч қачон тарихни ёки тарихий воқеаларни қаламга олишни асосий мақсад қилиб белгиламаган. Балки, ўтмиш воқеалари тасвири орқали инсон тақдирига алоқадор, замонавий қимматга эга масалаларни ёритишга интилган. Шу маънода, ёзувчи ҳамиша “инсоншунос” сифатида иш кўрган, ҳалқимиз тарихи ҳамда тақдиригининг фожиавий нуқталарига эътиборни тортган, инсоннинг тарихан зиддиятли ҳаётини тасвирлаган. Шу боис, “Бемор”, “Анор”, “Ўғри”, “Даҳшат” каби асарларидағи тарихий ҳодисалар тасвири хилма-хил инсонлар тақдирига боғланади, маълум даврга хос тарихий ҳодисалар силсиласи ҳалқимиз турмушининг зиддиятли лавҳаларини жонлантиради. Бу хусусият А.Қаҳхор ижодининг чукур замонавийлигидан далолат беради.

Демак, юқори синфларда ўқувчиларни аниқ топшириқлар асосида таҳлилга йўллаш самарали натижа беради. Хусусан, хилма-хил жадваллардан фойдаланиб, насрый асарлар қаҳрамонлари нутқини ўрганиш; асарнинг бадиий тил хусусиятларини белгилаш, портрет тасвирларини адабиёт дафтарларига кўчириб, ёзувчининг маҳоратига баҳо бериш; қаҳрамон суратига мос сийрати тасвирини яратишни ўқувчиларга топшириш, бадиий рангларда гавдалантирилган тасвирларни ўз тасаввурларига таяниб чизиш, ғазаллар матнига таяниб, уларни шарҳлаш, ўз кечинмаларини ижодий иш тарзида ёзма ифодалаш – бу борадаги амалий мустақил ишлар ҳисобланади.

Гап 5-6 синф ўқувчиларида шакллантирилиши зарур бўлган амалий кўнишка ва таҳлил малакасига келиб тақалганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълимнинг бу босқичида ўқувчилар китобхонлигига эришиш жиддий муаммо ҳисобланади. Китоб ўқимайдиган ёки бунга ҳаваси бўлмаган ўқувчидан дидли китобхонни “яратиш” ўқитувчининг ижодкорлигига, изланувчанлигига кўп даражада боғлиқ. Китоб ўкишни мъянавий эҳтиёжга айлантира олган ўқувчигина эстетик таҳлил малакасини тўла эгаллаши мумкин. Китобхонлик даражаси юқори бўлган

ўкувчилар юқори синфларда адабий жараённинг муҳим қонуниятларини, бадиий ижоддаги анъанавийлик ва бадиий маҳорат, услубий ўзига хослик каби тушунчаларни ўзлаштира оладилар.

Ўкувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришда ўкув дастури ва дарслернинг ҳам аҳамияти бекиёс. Педагогика фанлари доктори, профессорлар У.Норматов, Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдошев томонидан яратилган

“Ўзбек адабиёти” дарслер-мажмуалари бу соҳадаги ютуқлардан эканини таъкидлаш ўринли бўлади.

Ўкувчиларда адабий таҳлил малакасининг шаклланиши адабиёт ўқитувчиларининг билимига, дарс жараёнида самарали метод ва усулларни қўллаш даражаларига ҳам боғлиқ, албатта. Шу билан бирга дарсларнинг илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ҳам таълим сифатини таъминловчи омилдир.

5-синфда А.Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясини ўрганиш бўйича дарс режасини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз: ўкув дастурида ҳикояни ўрганиш учун З соат белгиланган. Ажратилган вактнинг биринчи соатида ҳикояни тўла ҳолда ўқиб, мазмунини ўзлаштиришга, ёзувчи ҳақида ўкувчиларга маълумот беришга эришишни режалаштириш мумкин.

Кейинги соатда эса ҳикоя ҳақида назарий билим бериш, А.Қодирийнинг “Жинлар базми” ҳикоясида ёзувчи воқеани тасвирлашнинг ўзига хос йўлини қўллаб, бир ҳодисани ҳам бола, ҳам ота тилидан баён этиш орқали асарнинг таъсирчанлигига, марказий муаммонинг-илмсизлик оқибатида инсон кулгили ҳолатга тушиб қолиши мумкинлигини жонли ва ҳаётий тарзда тасвирлашга эришгани баён қилинади. Дарҳақиқат А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий сингари жадидчилик ҳаракатининг вакили сифатида кўплаб асарларида маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган, илмсизлик жаҳолатни келтириб чиқаришини рўй-рост тасвирлашга эришган. “Жинлар базми” ҳам бош қаҳрамоннинг ваҳм ичидан бошидан кечирган ҳолатини ёритади, айни пайтда соддадил, оддий, илмсиз кишининг бошидан кечирган ҳодисалари орқали жамиятдаги иллатни фош этишга хизмат қиласди.

Охириги соатда ўкувчилар эътиборини ҳикоянинг бадиий тил хусусиятларига қаратиш мумкин: ниҳоятда лўнда, содда, тушунарли тилда воқеа баён этилади. Нима учун ота ўз ҳикоясини бошлиганда ўғил кўрпага янада бурканиб олди? Нега отаси унга мийиғида бир кулиб қўйиб, ўз ҳикоясини бошлади? Ҳикоя сўнгидаги ўзига хос хотима қандай маънони ифода қиласди?

Ҳикояда қаҳрамон нутқидан ташқари муаллиф нутқи ҳам иштирок этганими? Сиз бош қаҳрамон ҳолатини, “Жинлар базми”ни тасаввур эта олдингизми? Ўзингиз шундай ҳолатга тушганмисиз? Бу каби саволлар орқали ҳикояни тўла таҳлил қилиш мумкин.

Демак, ўқувчиларда таҳлил малакасини таркиб топтириш ҳам назарий, ҳам амалий билимлар ва малакаларни бирлаштиручи таълим жараёнини ўз ичига олади. Янгиланган таълим технологияси талабига кўра ўқувчини оддий тингловчи даражасидан фаол изланувчи, фикрловчи, ижодкор ўқувчи даражасига етказиш мақсади ана шундай амалий жараёнларда юзага чиқади.

## **ЎҚУВЧИЛАР НАЗАРИЙ БИЛИМГА ЭГА БЎЛИШЛАРИ ШАРТМИ?**

Бадиий асардаги асосий унсур ва воситалар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида чуқур назарий тушунчага эга бўлган ҳолда ўқувчилар адабий таҳлилга киришсалар кўзланган натижага эришилади. Академик лицейлар учун тузилган адабиётдан ўқув дастурида алоҳида назарий тушунчаларни ўрганиш ва ўзлаштириш учун маҳсус соатлар ажратилмаган. Аммо қатор назарий билимларни бевосита белгиланган мавзулар ичida, ижодкорлар яратган асарлар хусусиятига уйғунликда ёритиш талаби маҳсус изоҳларсиз англашилиб турибди. Хусусан, ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш таълимнинг I ва II-босқичларида амалга оширилади, шу даврлар адабий таълимида классик шеърий жанрлар, бадиий санъатлар ҳақидаги ўзлаштирилган билимларни эслашга, янада чукурлаштиришга эҳтиёжнинг катталиги ўз-ўзидан тушунарли. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср боши ўзбек адабиёти намоёндалари ижодини ўрганишда сатира ва ҳажвият ҳақидаги ўқувчиларнинг назарий билимлари янада тўлдирилиши лозим. “Қаҳатчилик” (Завқий) достони таҳлили жараёнида бу давр адабиётига хос ўзбек халқ оғзаки ижоди анъаналарининг давом эттирилиши, достонларнинг мазмун кўламидаги ўзгаришлар, ҳажвий ё сатирик унсурларнинг давр воқелигини ҳаққоний тасвирлашдаги аҳамияти ҳақида ўқитувчи маҳсус тўхталиб ўтиши жоиз. XX аср адабиёти ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда ҳам реалистик прозанинг шаклланиши босқичлари, ўзбек тарихий романларининг яратилиши, бу давр қисса ва ҳикоячилигининг жанрий хусусиятлари ҳақидаги назарий тушунчаларни ўқитувчи янада чукурлаштириш учун роман

жанри ҳамда унинг талаблари, романларнинг ҳаётий материал характери ва ҳажмига кўра турлари тўғрисида назарий тушунчалар бериб ўтиши лозим. Романга хос эпик тафаккурнинг шеърий тафаккур тарзидан фарқи нимада?

Шеърий тафаккур ҳам, эпик тафаккур ҳам муайян асар композициясига сингдирилган салмоқли, қўламли бадиий фикр тарзидир. Улар узоқ асрлар давомида, ижодий жараён тараққиётига уйғун ҳолда ривожланиб, сўз санъаткорлари томонидан рангбарант шакл ва мазмун товланишларини, маъно қўламини ҳосил қилиб, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос тафаккур тарзи сифатида намоён бўлиб келмоқда. Поэтик ёки эпик тафаккурнинг бетакорлиги, салмоғи ижодкор томонидан яратилган foяning аниклиги, (инсон концепциясининг) ҳаққонийлиги, таъсирчанлигига, образларнинг ва барча бадиий воситаларнинг композицион яхлитликда жойланиш мутаносиблигига, тасвир меъёрига боғлиқ тарзда кўзга ташланади. Ҳар қандай асарнинг бош foя ифодаланган нуқтаси композицион марказ дейилади. Эпик ё поэтик асарларда лирик талқин қаҳрамон руҳиятига йўналтирилади. Бошқа барча композицион бўлаклар шу марказ атрофида уюшиб, етакчи foяни ёрқин ифодалашга хизмат қиласди. Академик лицейлар талабалари асар курилишини шу тарзда тўла тасаввур этган ҳолда ўрганиб, таҳлил қилсалар, аниқ ва тўғри хулоса чиқаришга эришадилар. Адабиёт дастуридан жой олган ижодкорлар яратган асарлар таҳлили давомида шоир қўллаган шеърий санъатлар ҳақидаги назарий билимлар ўрни билан тўлдириб борилади. Чунончи: тажнис – шаклдош сўзларнинг маъновий хилма-хиллигига асосланиши, айниқса, туюқ жанрида бу санъат тури тўла намоён бўлиши эслатилиши лозим. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ҳам тажнис санъати кенг қўлланишига А.Орипов, Э.Воҳидов ижодидан ҳам талайгина мисоллар келтириш мумкин:

“Жуда ажойибdir инсон умиди,  
У сувни жуда ҳам, жуда ҳам суря.  
Дейлик, бирор жойда ниҳол кўрдими,  
Албатта тагига сув қуяр...  
Инсон сувдан яна қандай завқ туяр?  
Бекор қолганида, баъзида, секин  
Бир-бирин тагига сув қуяр”

Таажжуб санъати. Шоир бирор нарса ёки холатдан ҳайратга тушади ва ўз таажжубини таъкид йўсенинда ифода этади. Ойбекнинг “Пушкин” номли шеърини ёки Усмон Азимнинг “Дераза ҳақидаги баллада”, “Хиёнат” шеърларини мустақил ўқиб чиқсангиз ана шу шеърий санъат воситасида шоирлар ҳаёт ҳақиқатидан нечоғли таажжубга тушиб унинг моҳиятини ёритишга,

хукм-хулосалардан яна ҳайрону лол қолғанликларига ишонч ҳосил қиласиз. Мана, эътиборни қаратинг-чи:

“Хиёнатнинг юзи чиройли,  
Лабларида майин табассум,  
Сўзлари ҳам самимий –  
Айни  
Садоқатдай камтар, камсукум.  
ўларимда  
Келар хиёнат,  
Мехр каби қийнар ўзини.  
Хўрсинганча –  
Дўстдай беминнат –  
Юмиб қўяр очик қўзимни”. (**Усмон Азим**)

Ташхис санъати – жонлантириш усулидир. Шоир жонсиз табиатга гўё тил ва дил бағишлайди, инсонга хос хусусиятларни нарсаларга кўчиради, таъсирчанликка эришади, натижада сувлар йиғлаган каби “инграйлар” (Чўлпон), “Кўк билан сўзлашар кўчалар” (Э.Воҳидов), “Хансираган офтоб”, “Увиллаган шамол” (И.Отамурод), “Кўзимга йиқилди қоп-кора булат” (У.Азимов), “Ой секин орқамдан юрар изма-из” (Ойбек ).

Нидо санъати – шоир жунбушга тушган туйғуларини ифодалаща нидо, хитобга (тез-тез тақрорланувчи ундалмалар, оҳанг воситасида) мурожаат қиласди. Э.Воҳидов “Бонг уринг” шеърида поэтик фикрни ҳаяжонли нидога қоришириб хитоб тарзида ифода этган:

“Шошилинг,  
Кидиринг тез најот.  
Жон куйсин,  
Қалб ёнсин,  
Сиз ёнинг  
То ёниб кетмасин  
бу ҳаёт”.  
Шоир Усмон Азим эса қўидагича хитоб қиласди:  
“Сиз – қимматбаҳосиз,  
Мен – арzon, арzon.  
Сизга балки фақат юрагим арзир.  
Сиздан сўрамайман ҳаққига осмон  
Фақат осмон каби юксалинг, ахир!”.

Саволу-жавоб – шеъриятдаги энг нозик санъат турларидан бири ҳисобланади. Бу усул ёрдамида шоир шеърга эҳтирос, табиийлик, жонлилик бағишлайди. Шоир Э.Воҳидовнинг “Қумурскалар жанги”, Абдулҳамид Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеърларини ўқиб чиқсангиз, айнан шу санъат туридан шоирлар маҳорат билан фойдаланганини кузатишингиз мумкин. Абдулла

Орипов ҳам “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърида ана шу усулни санъаткорона қўллаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Талмех санъатида шоир бирор тарихий воқеа – ҳодиса, ҳайратомуз афсона ёки ривоятга ишора қилиб, унинг замиридаги яширин маъноларни янги қирраларини очиб беришда фойдаланади. Масалан, Э.Воҳидов “Рұхлар исёни”, “Кўхинур” достонларида “Ўзбегим” номли қасидада ана шу санъат турини маҳорат билан қўлланган.

*“Ииглади Фурқатда Фурқат,  
Ҳам муқимликда Муқимий,  
Нолишингдан Хинду Афғон  
Қилди афғон Ўзбегим”.*

Шеърий санъатлар – бадиийликнинг муҳим ва таъсирчан воситалари, усуллари ҳисобланади. Улар сўзнинг маъно сифимини оширишга, қирраларини ялтиратишга, ифодани жўшқинлаштиришга хизмат қиласидар. Маълум бўлдики, шоир лирик ифоданинг таъсирчанлигини таъминлашда бир қатор шеърий санъатлардан алоҳида ҳолда ёки бир нечтасидан фойдаланиб, эҳтиросликка эришади.

Ўқувидан лирик асарни тушуниб, ўқиши талаб қилинар экан, аввало ўқувчига лирик шеъриятга хос энг асосий хусусиятлар ҳақида назарий билим бериш лозим. Агар бола бадиий асарда тасвирланган асосий воқеани аниқлай олиши ва воқеалар ичидаги қаҳрамонлар муносабатини белгилай билиши талаб қилинса, унга 5-синф ўқув материаллари асосида насрый асарларга хос нутқ қурилиши, сюжет ва композиция унсурларининг бадиий хусусиятлари билан вазифаси ҳақида билим бериш жоиз. Айтмоқчимизки, 5-синфдан бошлаб ўқувчидаги шакллантирилиши лозим бўлган назарий тушунчалар маълум тартиб, меъёр ва изчилликда бериб борилиши зарур. Бунда ўқувчи дастурнинг уқтириш хатида айтиб ўтилган имкониятдан фойдаланиб, масалани ижодий тарзда ҳал этмоғи лозим, деб ўйлаймиз. 5-синф ўқувчиси лирик шеъриятга хос шеърий композиция ҳақида, бадиий тасвир воситалари тўғрисида илк назарий маълумотларни ўзлаштирган бўлсагина дастурда белгиланган ва дарсликда берилган Усмон Носирнинг “Юр, тоғларга чиқайлик”, “Юрганмисан бирга ой билан”, “Гулзор – чаман…”, Миртемирнинг “Балиқ ови”, “Булут”, “Тўрғай” сингари шеърларининг жозибасини ҳис қиласиди, шоирлар яратган она юрт табиатининг тенгсиз гўзал тасвирини, гўзаллик туйғусининг бадиий ифодасини тушуна оладилар. Шоир Азим Суюннинг “Баҳодирсиз келар армуғон” шеърида фожиали манзара

тасвирланганлигини ёш олма У.Марасурова “Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари” номли методик құлланмасыда чукур таҳлил қылған. Дарҳақиқат, шоир тасвирлаётган манзара фожиали. Сабаби, баҳодирсиз келар аргумоқ. Эътибор қаратылса, шоир борлиқнинг бир дафъада ҳаракатсиз, дардли ҳолатта тушганини, ҳатто латиф шабада ҳам тиниб, тоғлар беҳол, чашмалар bemажол ҳолда қолганини мажозий ва ҳаёттй маъноларни ифодалашга йўналтирган: агар эл-юрт ўз баҳодирларидан айрилиб қолса, ғаним билан юзма-юз, мардларча олишиб, халқ шаънини ҳимоя қила оладиган ўғлонлари қолмаса, бу заминнинг мангумотам либосига ўралиши тайин, бу юртнинг ўзгалар томонидан топталиши аниқ. Шу боис:

*Тоғлар бокар ғамгин, тунд, беҳол,  
Оқ наъматак тебранмас хушхол,  
Бемажолдир чашмай зилол,  
Баҳодирсиз келар аргумоқ.*

Мисралар охиридаги бошини, ёшини, қүёшини, беҳол, хушхол, зилол сўзлари ўзаро қофияланиб, маъно қирраларининг “ярқ” этиб товланишига, китобхонга эстетик таъсир кўрсатишга хизмат қилған, яхлит ҳолда эса шеърий нутқ услуби foя кўламига мос оҳанглар, зарблар воситасида инсоний дардни, тасвирланаётган манзара даҳшатини ҳис қилдиради, китобхон қалбига юқади. Хўш, зарб нима? Зарб – бу ҳаётда мавжуд ҳодиса. Дейлик, мушт тушиши – зарбни ҳосил қиласи. Зарб бир марта содир бўлса, шеърдаги зарб – ритм тақрорийлик туфайли юз беради. Оҳанг зарбларининг бир текисда қайтарилишидан шеърий ритм ҳосил бўлади. Натижада, шеърий асарда зарб айрим сўзларга, мисраларга ёки бандларга тушади, шу мисра маъносини ёйиброк ифодалашга, ёхуд алоҳида зарб билан таъкидлашга хизмат қиласи, мантиқан кучли зарбни ҳосил қиласи:

- ритмик зарб – оҳангнинг муҳим унсури ва у шеърий нутқ ҳаракатини таъминлайди;
- ритмик зарб – кучли ҳис-туйғу ва кўтаринкиликини шеър вазни ва ритмига мувофиқлаштирувчи восита ҳисобланади;
- ритмик зарб – воситасида мантиқий урғу ифодаланади, оҳангдорлик юзага чиқади. Ритмик зарбни эса қофия, банд, бўғин, туроқ, вазн сингари унсурлар юзага келтиради.

Шеърда ҳар қандай образлар foя ва ритм билан ўзаро ягона яхлитликини ташкил этади ва тимсолнинг бадийи образ сифатида идрок этилишида рамзий-мажозий қирраларини очилишида ритмик ҳаракат асосий унсур бўлиб, образ тимсолидаги foянинг

ифодаси бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли, Азим Суюн, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи сингари шоирлар ижодидан намуналар ўрганиш чоғида турли характердаги нотекис ҳаракатли ритм ҳақида назарий тушунча бериш ва бундай шеъларнинг пайдо бўлиш омилларини айтиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- айрим шеърий санъатлар воситасида шоирлар ўткир, зиддиятли, фалсафий маъноларни акс эттиришни бош мақсад қилиб белгилаганликлари;
- давр ва замондаги кучли драматик ҳолатнинг шеъриятга олиб кирилганлиги ҳамда замон воқеаларининг ўта кескин, шиддатли, нотекис ривожланиш ҳолати шеърга кўчирилганлиги;
- шеъларда бадиий “мен” кечинмаларининг қаҳрамон руҳий-маънавий оламида ўзгариш ясашга қаратилганлиги;
- анъанавий бадиий образ тимсолларнинг кашф этилмаган қирраларининг зарблар воситасида очилганлиги сабабли;
- бир лирик матнда маъно ва мазмун доирасининг турли жилолантиришга интилиш туфайли нотекис ҳаракатли ритм ўзбек шеъриятида юзага келганлиги ҳақида тушунча бериш.

Шоир Азим Суюннинг “Дарада” шеърига хос нутқий оҳанг табиатини ўрганишда, шубҳасиз ана шу назарий билимларга таянади. Бу шеърнинг нутқий оҳангни табиатнинг сирли-сехри манзарасини китобхон кўз ўнгига жонлантиришга йўналтирилганлиги матнни ўқиш орқали англашилади. Шоир тонг манзарасини кузатар экан, анъанавий тимсоллар: тун, бургут, қоя, туман, қуёш, осмон қиёсида янги маъноларни кашф этишга эришади, баҳорий уйғониш аломатлари орқали образнинг кашф этилмаган қирраларига диккатимизни қаратади:

Кўринмас оловдан эриб борар тун,  
Бургутлар қояда потирлашмоқда.  
Она қорнидаги гўдақдай беун  
Туман ғимирламоқда...  
Кумуш чўққилардан оҳиста ошиб,  
Қуёш сим-сим қўшиқ куйлаб келмоқда.  
Осмон қозонида сут каби тошиб,  
Туман тарқалмоқда.

Шеър бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, ажратиб кўрсатилган сўзлар ўзаро қофиядошликни ҳосил қилган. “Қофия” – арабча сўздан олинган бўлиб, “тузилиш” деган маънони билдиради. У шеър мисраларини боғлайдиган оҳангдош сўзлар бирикмаси. Қофия барча шеър мисраларини бошқаришга хизмат қиласи. Шеър мисраларида қофиядан сўнг айнан такрорланиб келадиган сўз ё сўзлар бирикмаси радиф дейилади. Қофия радифли бўлганда радиф у билан мазмунан алоқадор бўлади. Азим

Суюннинг “Дараада” шеърида қофиядош сўзлар бор, аммо радиф кўлланмаган. Турли мисраларда сўз ёки сўзлар бирикмасининг айнан такрорланиши поэтик маъно товланишини юзага келтирган.

БАНД – шеърнинг алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган ритмик бўлгали. Банд – қофия ва оҳанг бирикувидан юзага келиб, тугал фикр ё ҳиссиётни ифодалайди. Фикр ва туйғу банддан бандга кўчади, мантиқан ўзаро боғланишни ҳосил қиласди. Демак, шоир ритм, вазн, қофия ва бандлар воситасида бадиий фикрни ифода қиласди. Хўш, “Дараада” шеърида қандай поэтик ғоя ёритилган? Шеърнинг биринчи мисрасидаги “кўринмас олов” ташбеҳини изоҳланг. Уйқу нега “қудратли паҳлавон”га ўхшатилган? Куёш куйлаётган сим-сим қўшиқ нима деб ўйлайсиз? Туманинг “қимиралиши”, “кўтарилиши” ва “тарқалиши” қандай маъноларни ифода этади? Ана шундай таҳлилга йўлловчи саволлардан сўнг ўқувчилар лирик турга мансуб асарларда шахснинг ички туйғулари, ҳиссиёти, руҳий кечинмалари асосий ўринда бўлиши ҳақида тушунчага эга бўладилар. Энди лирик адабий турга хос умумий тушунчалардан табиат лирикасига мансуб асарларга хос хусусиятларни ўхшатишга ўтиб, бундай асарларда инсоннинг табиат гўзаллиги таъсирида уйғонган ҳиссиёти ифодаси етакчилик қилишини тушуниб оладилар. Бундай асарларда табиат тасвири нечоғли кенг қамраб олинмасин, у ҳамиша тасвир марказидаги қаҳрамон (ёки шоир) руҳиятини очиш воситаси бўлиб қолади. Чунки, бадиий ижод талабига кўра табиат тасвири воситасида ифодаланган руҳий ҳолат инсон маънавиятигининг янги бир жиҳатини намоён қилгандагина эстетик қиммат касб этади. Шу жиҳатдан 7-синфда Шавкат Раҳмоннинг “Ой синифи”, “Ҳамал” шеърларини ўрганиш мумкин. Адабий таҳлил жараёнида эса зарур назарий тушунчаларни шакллантиришга қуидаги тартибда эришишни лойиҳалаштириш лозим:

Ш.Раҳмон ижоди ҳақида умумий тушунча бериш.

Шоир услубига хос хусусиятларни “Тунги манзара”, “Ой синифи”, “Ҳамал” шеърлари таҳилили жараёнида белгилашга эришиш.

Табиат тасвири орқали инсон руҳиятини таҳлил этишда шоир қандай эстетик мақсадни кўзлаганилигини ўқувчилар ўз кузатишлари, таҳлиллари орқали ёритишлари учун шароит яратиш; мустақил ижодий фикрларга “туртки” бериш натижасида белгиланган мақсадларни амалга ошириш мумкин.

Ўқувчиларга шуни алоҳида уқдириш лозимки, ҳақиқий истеъдод эгаси табиат тасвири орқали инсон шахсини бадиий тадқиқ этади.

Шунинг учун ҳам сувлоқда чанқоғи қондирилган “отлар”, севинчдан йиғлаётган қиёқлар, овозини қайраётган чигиртка ва бош күттармай меҳнат қилаётгани билан дунёни масхаралаётгандай тасаввур уйғотувчи чумоли тимсоллари аслида инсоннинг тушунтириб бериш қийин бўлган ҳолатлари, руҳий-маънавий дунёси манзараларини тасвирилаш воситаларидир. Табиатнинг сирли-сехрли, ғоят гўзал кўринишларини жонлантириш орқали шоирлар инсон дунёсининг ҳам сирли кўринишларини, ҳолатларини ёритиш имконига эга бўладилар. Таҳлилга йўналтирувчи саволлар воситасида ўқитувчи табиат тасвири орқали шоир инсон шахсини тадқик қилиб, баҳор унинг руҳиятида ҳам ўзгаришлар ясаганига, ҳисларининг уйғониб, кенгликлар ахтараётганига, тунлардан ҳам кунлардан ҳам баҳор нафасини туйиб, эзгу тилаклар ила ҳаётга самимий назар ташлаётганилгига ишора қилмоқда. Зеро, табиатга хос табиий гўзаллик инсон маънавиятига кириб борса, “мўъжизалар содир бўлади”, инсон қалби ҳам, орзу-тилақлари, туйғулари ҳам оқликка йўғрилади!

## АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

**Марғуба Мирқосимова** 1995 йил май ойида “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуслари” мавзууда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. “Бадиий таҳлил усуслари”, “Адабий таҳлил методикаси”, “Мактабда сахна асарларини ўрганиш” номли монографиялари ва ўндан ортиқ адабий-танқидий, илмий-методик мақолалари эълон қилинган. Айни пайтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси” кафедрасида ишламоқда.

\*\*\*

*- Адабиётни янгича услубда тадқиқ қилишни, бу фанни ўқитиша янгича услубларни қўллашни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Ўзингизга маълумки, социалистик реализм методи маънавиятимизни чегаралаб, кемтик қилиб қўйди. Митти осмондан алломаларимиз қалбига ранг берган сарҳадсиз кенгликларга чиқишимиз учун нималар қилмоғимиз лозим? Бу борада мутахассис сифатида фикрингиз қандай?*

- Дарҳақиқат, милий истиқлол барча соҳалардаги каби адабий таълимимда ҳам янгиланиш даврини бошлаб берди. Таълим ўзининг миллий ўзанларига тушиб бормоқда. Айни пайтда, таълим ва тарбиядаги миллийлик тушунчасини, умуминсоний қадриятларни

ёш авлодга етказиш, улар қалбига олиб киришнинг самарали йўлларини яратиш, сиз айтгандай, илгор таълим метод ва усулларини қўллаш давр талабига айланди. Давримизнинг ўзи ўқитувчидан ижодкорликни, изланувчанликни кутмоқда.

Социалистик реализм методи адабий асарларни партиявийлик, фоявийлик, синфийлик каби мезонлар асосида баҳолашни талаб этарди. Бундай ҳолат узоқ ийллар мобайнида адабий таълимда ҳам мавжуд эди. Адабиёт дарсларидан давр мавзуси жиҳатидан долзарб, ҳукмрон мафкура қолилларига тўғри келадиган асарлар жой олган, уларни фоявий мазмунига кўра ўрганиш етакчи усул эди. Ўқувчини зериктирадиган, ўзбек адабиётининг чинакам бадиий намуналари бўлишига арзимайдиган, фақатгина ҳукмрон мафкура қолилларига мос тушадиган асарлар таълимнинг сифатига жиддий зарар етказди. Бугунги кунда китобхонлик даражаси пасайиб кетган; ўзбек адабиёти ҳақида нотугал тушунчаларга эга ўқувчиларни баркамол асарларни ўқиб ўрганишга жалб этиш, адабиёт дарсларининг таъсирчанлигини кўтариш, ноанъанавий дарс усулларини қўллаб, ёшларга бадиият сирларидан сабоқ бериш – бош мақсадни ташкил этади. Ўқувчини ўқитувчи берган тайёр билимларни ҳеч бир мушоҳадасиз қабул қилувчи даражасидан фаол фикрловчи, мустақил ижодий мулоҳаза юрита оладиган, ўз ҳукм-холосаларига, нуқтаи назарига эга дидли китобхон даражасига кўтариш орқали таълимда сифат ўзгаришларни амалга ошириш мумкин.

**- Республикализ мактабларида ҳозирги кунда адабиёт фанининг ўқитилиши хусусидаги фикрингиз...**

- Адабиёт фани бугунги кунда хилма-хил шаклларда ўқитилмоқда. Бу фанни чуқур ўрганишга ихтисослашган маҳсус синфлар, лицейлар ташкил қилинди. Адабиёт фанининг ўқитилиш хусусиятига келсак, яратилган янги ўкув дастурлари ва дарслик-мажмуалар янги ижтимоий-маънавий ўзгаришлар даври талаблари асосида тузилди, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаб ўзаро мувофиқлаштириш принципи асосида мактабгача тарбия, бошланғич таълим, таянч синфлар ва юқори синфлардаги адабий таълимни узвий боғлашга эътибор қаратилди. Жорий дастур ва қўлланмалар ҳали янада такомиллаштирилади, энг муҳими, уларда ўқитувчининг ижодкорлигига кенг йўл берилган. Ўқувчиларга маданиятимизнинг улкан вакиллари ижодидан, баркамол бадиий асарлардан маънавий сабоқ олиш имкони яратилган.

**- Тасаввур қилингки, сизга адабиёт дарсликларини ёзиш топширилди. Ишни нимадан бошлаган бўлур эдингиз?**

- Бу ишни мен Туркистондаги таълим ва тарбия тарихини ўрганишдан бошлаган бўлардим. Миллий тарбиянинг умуминсоний қирраларига таяниб иш кўрган бўлардим.

**- Сизнингча, адабиётни янгидан яратмоқ керакми ёки Октябрь тўнтаришидан кейинги адабиётни “социалистик реализм” хас-чўпларидан, губорлардан тозаламоқми?**

- Адабиётни кимнингдир ихтиёрига кўра яратиб ёки “қайта куриб” ҳам бўлмайди. Бадиий ижодни тушовларга солиб ҳам бўлмайди. Буни тарихнинг ўзи аллақачон исботлаган. Адабиётимиз ва маданиятимиз тарихини табиийлигича, аммо илмий асосларга таяниб холис ўрганиб, ҳар бир давр хусусиятларини эътиборга олиб, хукм-хulosалар ясаш, менимча, энг тўғри йўлдир. Шу кунгача яратилган асарларни ҳеч қандай “тозалаш”ларсиз, адабиётимизни ҳам шу маънодаги “қайта кўриб чиқиши”ларсиз қабул қилишимиз, унинг тараққиёт даврларини миллий истиқпол мафкурасига таяниб, авайлаб, қадр-қимматини тушунган ҳолда, ўша давр ижтимоий ҳаёти, тарихий шарт-шароит, мафкура, адабий муҳит ҳақида чукур билимга эга бўлган ҳолда ўрганишимиз лозим. Тарих бизга бошқа хукуқларни бермайди, буни унутмаслик керак.

**- Мактаб тизими ҳозирги кун қўяётган талабларга жавоб берадими? Сизнингча, бошлангич таълимни, тарбияшуносликни қайси услубда шакллантирмоқ керак?**

- Давлатимизнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра таълим тизими жаҳон андозалари асосида, тараққий этган мамлакатлардаги таълим тизимига мувофиқлаштирилган ҳолда ислоҳ қилинмоқда. Бугунги кунда республикадаги таълим муассасалари шу йўналишда шакллантирилмоқда.

Бошлангич таълимни ва тарбияшуносликни қайси услубда шакллантирмоқ кераклиги бугун бутун жамият олдида турган муаммо, деб ўйлайман. Тарбия – она бағридан бошланади, ёруғ дунё юзини кўрган гўдакнинг шахс сифатида шаклланиши оила, жамоа, муҳит ва бошқа таъсирлардан ташқари унинг генетик хусусиятларига, физиологик ва жисмоний ҳолатларига боғлиқ ҳолда юз беради. Шуларни назарда тутган ҳолда тарбияяда тарбияланувчига индивидуал ёндашиш усулини кўпчилик олимлар ёқлашмоқда. Хилма-хил характердаги 30-40 ўқувчини тўплаган синфлардаги анъанавий тарбия усуллари, менимча, бугунги эътиёжларимизга, давр талабларига жавоб беролмайди. Ота-оналар ўз зиммаларидағи масъулиятни аксари боғча мураббийсига ёки мактаб ўқитувчиларига ағдариб қўйганликлари оқибатида тарбияяда “узилишлар” содир бўлмоқда, бир раҳбарнинг

30 болага “ота-оналиқ қилиши” қийин кечмоқда, ўқитувчилар болалардан безиллайди, болалар эса устозининг “панд-насиҳатлари”дан зерикади. Шуларни назарда тутган ҳолда мактабгача ва бошланғич таълим бўғинларини бирлаштириш, синфларда кўпи билан 10-15 ўқувчиларнинг тарбияланиши ва таълим олишини таъминлаш, ўқувчилар билан алоҳида ишлашга эътиборни қаратиш, мактаб ва оиласидаги тарбиянинг ҳамжиҳатлигига эришиш лозим, деб ўйлайман.

**- Бугун замон билан ҳамнафас адид ва кечаги кун олими, кеча ва бугун оралиғида турган ўқувчи орасида масофа ҳосил бўлиб қолди. Шу масофани йўқотмоқ учун нима қилиш керак?**

- Ҳар ким кечаги кун кишиси бўлиб қолмаслик учун замон билан ҳамнафас ҳолда яшамоги, изланмоги, ижод килмоги лозим. Акс ҳолда жамият учун кераксиз одамга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Барча даврларда яшаган улуғ сиймолар келажак учун интилиб, ҳам ўз даври, ҳам авлодлар учун эзгулик яратишга бор имкониятларини сафарбар этганлар, инсониятни баркамолликка, комилликка даъват қилганлар.

Қарангки, бугуннинг муаммоси ҳам инсон! Замондошимиз дардларига ҳамдардлик давримизга ҳамдардлик демақдир. Агар барча ўз кўнглида шу улуғ дардни туйиб яшаса, одамлар орасидаги оралиқ масофа қисқаради, ҳамдард ва ҳаммаслакка айлансан ҳаётий муаммолар ҳам ўз ечимини тезроқ топади, деб ўйлайман.

“Кўзгу” газетасининг 2002 йил 4-январ сонида босилган.

*Суҳбатдош шоир **Бахром Рўзимуҳаммад**.*

\*\*\*

**- Маргубаҳон, сұхбатимиз аввалида меҳмонхонамизнинг анъанавий саволи – сизни маърифат сари етаклаган биринчи муаллимингизни билишдан бошласак...**

- Биринчи устоз ҳақидаги хотиралар беғубор болаликнинг покиза, энг ширин дамларини ёдга солади. Мен илк устозимни ҳали-хануз энтикиб эслайман. Сабрли, иродали, меҳнаткаш, қаттиқўл, ҳақиқий зиёли аёл – Шайхонтоҳур туманидаги 38 – ўрта мактабнинг фидоий ўқитувчиси Турсиной опа Ёқубжонова мендаги энг зўр кўниқмаларни шакллантирган инсондирлар. Адабиётга, ўқитувчилик касбига бўлган муҳаббатни ҳам ана шу улуғ инсон қалбимга жойлаганлар, десам тўғри бўлади.

Бошланғич таълим, менимча, инсон ҳаётининг кейинги даврлари учун пойдевор вазифасини ўтайди. Биринчи муаллим мурғак қалбларни илм нури билан ёритиб, инсоний тўйғуларни

үйғотади. Олам гўзалликларини илғашга, эзгулик тушунчасини англашга ўргатади. Илмга, китобга бўлган ҳавасни ҳам биринчи муаллим пайдо қилади. Ана шу нарсалар инсон дунёсидан қай даражада ўрин эгаллаганига кўра келажақда ШАҲС шаклланади.

**- Илмга, китобга ҳавас үйғотиши ҳақида тўхтатдингиз, сизнинг таълим ва тарбияда бадиий адабиётнинг, китобларнинг аҳамияти ҳақидаги мулоҳазангизни билмоқчи эдим.**

- Таълимда ҳам тарбияда ҳам адабиётнинг, китобларнинг аҳамияти бекиёс. Таълим жараёнида адабиётларга таяниб, кўшимча билим оламиз, ўз дунёқарашимизни ўстиришга эришамиз. Энди бадиий адабиёт ҳақида гапирганда эса, албатта, унинг маънавий тарбияга, кишининг фикрлаш салоҳиятига, эстетик дидининг шаклланишига, нутқининг ўсишига таъсири катта эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бадиий асарларни мунтазам ўқийдиган китобхон мустақил фикрли инсон бўлиб шаклланади. Унда муҳокама юритиш, мулоҳаза қилиш куввати кучли бўлади. Йиғирма йиллик педагогик фаолиятимда шу нарса аён бўлдики, китоб ўқийдиган бола тез таъсиранувчан, меҳрли, самимий, атрофдагиларга мурувватли, ижодий қобилиятга эга бўлиб вояга етади. У лоқайдларни, фикрсизларни ёқтиромайди. Ёшлидан китобга меҳр қўйган бола илмга ҳам, касб-хунарга ҳам ҳавасли бўлади. Мана шулар, менимча, адабиётнинг таълим ва тарбияга таъсирини кўрсатувчи далиллардир.

**- Олий ўкув юртида таҳсил олган аввалги талабалар билан ҳозиргиларининг маънавияти орасида қандай фарқларни кўрасиз?**

- Аввалги талабалар билан ҳозирги талабалар ўртасида жиддий фарқларнинг бўлиши ҳам табиий, ҳам зарурий ҳол. Чунки бугунги талаба ўзгаришлар, янгиланишлар даврининг иштирокчиси. Давримизнинг жамиятимиз аъзоларига нисбатан талаблари бугун тамоман ўзгарган. Ёшларга бўлган талабларимиз эса мураккаблашган. Ҳар жабҳада ислоҳотлар, янгиланишлар рўй бераётган бугунги кунда талабалар ўз дунёқарашлари, маслаги, эътиқоди, интилишлари, хаёллари-ю орзулари билан аввалги даврлардаги талабалардан тамоман фарқ қиласидилар. Улар учун педагог ўқитувчининг оддий маърузалари зерикарли. Дарсликлардаги бор гапни айтиш билан улар эҳтиёжини қондира олмайсиз. Талаба “tinglovchi” ролидан воз кечиб, таълим иштирокчиси, фаол изланувчи, фикрловчи шахсга айланган. Таълимда бу ҳолатни барқарорлаштириш мақсадида рейтинг

усулидан фойдаланилмоқда, иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабалар бакалавриат босқичидан сўнг магистратурада билим олиш имконига эга бўлдилар. Айни пайтда талабалар ичида манманликка ружу қўйганлар, ўз касбига бегоналар ҳам учраб туради. Йўлакларда ўқитувчиларни туртиб ўтиб кетувчи ёки сизга қараб туриб бетамизларча сигарет тутунини пулфаб, тиззадан юқоригача очик “мини юбка” кийган, орти кесилган кўйлакли қизларга андишасизларча гап отаётган йигитларни ҳам учратамиз. Улар ҳам бизнинг фарзандларимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Аммо мен ёшлар ўртасида миллий тарбияга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидламоқчиман. Ўзбекона ҳаё, иффат, камтарлик, устозга хурмат бобида аждодларимиз анъаналарини давом эттирасак. Мен ана шунинг тарафдориман.

**- Инсон устозлари, уларнинг доно ўғит ва маслаҳатларига ҳар доим эҳтиёж сезиб яшайди. Бунинг боис нимада?**

- Ҳаётимиз давомида ҳамиша синовлардан ўтамиш. Гоҳ пастилашга, гоҳ қўзлаган маррамизни забт этишга имкон туғилади. Ҳар сафар ҳаётий синовларга дуч келганимизда маънавий жиҳатдан бизга далда бўлувчи кишига эҳтиёж сезилади. Устозларимиз эса ҳамиша беғараз ёрдамларини, панд-насиҳатларини биздан аямасликларини биламиш. Улуғ донишманд Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида бола тарбиясидаги энг катта масъулият устоз – пирга юкланишини таъкидлаган. Устоз шогирдининг тақдирни учун жавобгар шахс. Навоий ҳазратлари ҳам ўз устозларини пир сифатида улуғлаганлар. Айниқса, мавлоно Жомийдан ўғитлар, маслаҳатлар олганликларини эътироф этганлар. “Хамса” достонларида устозларига меҳр-муҳаббатларини самимий мисраларда ифодалаб, уларни ой ва қуёшга ўхшатганлар. Улар ўртасидаги самимий дўстлик, инсонийлик ришталари ниҳоятда мустаҳкам бўлганлигидан ҳайратга тушамиз.

Мен ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган давримда Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов каби улкан олимлардан сабоқ олиш баҳтига сазовор бўлганман. Уларнинг ҳалоллиги, том маънодаги устоз-мураббий, олиму фозилликлари таъсирида бизнинг авлод вояга етган. Ўйлаб карасам, фанда ўз ўрнимни эгаллашимда, ўзимга хос услубим, нуқтаи назаримнинг шаклланишида устозларимнинг таъсири катта бўлган экан. Бугунги кунда мен ҳам катта аудиторияларда талабалар учун мутахассис фанидан маърузалар ўқияпман. Ҳар

сафар машғулотларга тайёргарлик күрганимда ўзимни талаба сифатида ҳис этишга ҳаракат қиласман. Устозларимнинг сабоқларини бир-бир ёдга оламан, хотирлайман. Уларга хос ўткир билим, зукколик билан бирга ички маънавий маданиятнинг юксаклиги биз шогирдларни “ром этган” лигини тан оламан, ана шу бебаҳо неъматга интилиб яшайман.

**- Орқага бир назар ташласангиз, мазкур касбни танлагинингиздан афсусланмайсизми?**

- Асло. Балки бу мўътабар касбни танлаб ҳалқимга, миллий таълим равнақига ўзим истагада даражада етарли хизмат қилолмаётгандирман. Кўпинча шу хусусда ўйлайман. Хўш, нималарга эришдим-у, яна нималарга эришишим мумкин, ўз имкониятларимдан тўла фойдалана олаяпманми? Ҳар сафар кўнглим тўлмайди, ўзимдан-ўзим норози бўлавераман. Демак, қилиш керак бўлган ишлар кўп, қилинганлари эса ниҳоятда оз, деган хulosага келаман.

**- Кечирасиз, фикрингизни бўлганим учун. Ўзингизга бундай юқори талаблар билан ёндашишингиз натижасида оиласизга, фарзандларингизга ҳам вақт ажратса оласизми? Олималик билан оналик ва аёллик бурчларини адо этиш...**

- Олима, она, уй бекаси бўлиш осон эмас-ку, демоқчисиз назаримда. Тўғри, аёл учун ўз вазифаларини тўла-тўқис адо этиш фоят мушкул. Бунинг устига фарзандларимнинг каттаси 10 ёшда, кичиги эса 3 га кирган. Улар менинг эътиборимга, меҳримга ташна. Эрта тонгдан узун тунгача баъзан тиним билмайсиз, тилга олган бурчларимни адо этишга тўғри келади. Баъзан аёлнинг жони қирқта бўлади, деган гапларга ишониб кетаман. Гоҳида эса машаққатларни иродам билан енгишга ҳаракат қиласман. Айрим пайтларда ожизлигимга бориб, оддийгина меҳрга, бир оғиз ширин сўзга зориқаман.

Аммо аёл ўз оиласини, фарзандларини чин дилдан севса, оиласига меҳрли бўлса, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга куч-кувват топа олади. Ахир, Ватан ҳам ўз оиласига остонасидан бошланади-ку?! Ҳаётнинг паст-баландликларига сабрли, бардошли бўлиш осон эмас. Шунинг учун давраларда аёллар кўпинча иқтисодий етишмовчиликлардан, боқимандага айланиб қолган эркагидан, барча оила юмушлари-ю, рўзфор “халтаси” ўз бўйнига тушиб қолганлигидан шикоят қилишади, кўз ёши тўкишади. Кимлардир бу машаққатларни енгиш учун бозорга чиқиб кетди, кимдир шаҳарларни, чет элларни көзиб, савдо-сотик йўли билан оиласини боқишни ўйляяпти, яна кимдир ўзи севган касбини ташлаб, маошининг камлиги учун даромадли иш топиш

дардида юрибди. Улар болаларини, оиласини шу оила мазмунига жо бўлмиш эзгуликни, меҳрни ўша мўмай даромадга билиб билмай алмаштириб кўймоқдалар.

Яқинда бир шифокор дугонамни учратиб қолдим. Унинг икки ўғли, бош шифокор лавозимида ишлайдиган умр йўлдоши бор. У ҳаётдан, етишмовчиликлардан шикоят қилди. Ўғилларини ўқишга киритиш, машина, уй олиб бериш мақсадида хорижга ишлаш учун кетаётганини айтди. Сизнинг бу дунёдаги мақсадингиз шу билангина ниҳоя топадими? – деб сўрадим. У бироз ҳайрон бўлиб қараб турди-да, сўнгра: “Э, одамзоднинг истагига ниҳоя бор эканми?” – деди кулиб Дугонам ўзи билмаган ҳолда орзу-интилишлариниг кулгили эканини, фарзандларининг келажаги-ю баҳтини мол-давлат билан яратиш мумкин эмаслигини айтиб кўйди. Танимизнинг соғлигига, ҳаётимизнинг осудалигию, тинчлигимизга шукр қиласлик, оздир-кўпdir Оллоҳ насиб этган ризқимизга, фарзандларимиз борлигига, оиласига шукроналик билан яшайлик. Бу бири кам дунёда қайси инсон ҳамма нарсага эга бўлибдики, охир-оқибат у бўлди, етади, қолгани мен учун ортиқча, дебди. Ҳом сут эмган бандаси қачон Ҳакни танийди, қачон эркаклар ўз ўринларини әгаллаб, аёллар оиласига, фарзандлари бағрига қайтади? Қачонки, аёллар сабрли бўлишга, шукур қилиб яшашга эришсалар, оила бошлигининг ҳалол топиб келган битта нонини бошларига кўтариб, қадрлаб ейишни билсалар, кўз ёш тўкмайдилар. Бор имкониятларини оиласига, фарзанд тарбиясига бағишиласалар яхши инсонлар кўпаяди.

Баъзан ҳамкасларим ўз имкониятларимдан тўла фойдалана олмаётганимни, истеъдодимни тўла намоён қилолмаётганимни истеҳзо билан юзимга айтишади, ёзган китобларим, мақолаларимни санаб чиқишиди ва “кам-ку” – демоқчи бўлишади. Тўғри мен ўз имкониятларимни ўзим истагандай ижодимга тўла-тўкис сафарбар эта олмаяпман. Сабаби, оиласига, оналигим ва аёллигимни биринчи ўринга қўйишимдадир. Аёл эркак каби “кўча одами” бўлолмайди ёки фақат олим сифатида яшашнинг иложи йўқ. Фарзандларимнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишлари мен учун муҳимроқ.

- **Шунга қарамай, йигирма беш ёшингизда фан номзоди, ўттиз беш ёшингизда Фан доктори деган илмий даражаларга эришгансиз. Ўз касбингизга дахлдор қайси муаммо Сизни кўпроқ ўйлантиради?**

- Менинг адабий таълимнинг бугуни ва эртаси билан боғлиқ муаммолар ўйлантиради. Ҳусусан, янги тузилган ўқув дастурлари, уларнинг мазмунни, талаблари ўқувчилар ёшига, рухиятига,

фикрлаш салоҳиятига мосми, умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан академ билимлар талаб қилинаётганлиги оқибатида уларни адабиётдан бездириб кўймаяпмизми?..

- **Президентимиз ташаббуслари билан 2000 йил – Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Ана шу йилда ҳаётнинг қайси жабҳаларига алоҳида эътибор қаратилишини истардингиз?**

- Соғлом авлод йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, мактабгача таълим муассасаларидаши шароитларни яхшилашга, болаларнинг овқатланиш сифатини кўтаришга кўпроқ эътибор қаратилишини истар эдим. Жисмоний ва маънавий соғломлик, том маънода фарзандларимиз баркамоллигини таъминловчи биринчи шартлардир. Шу боис ёшлар спортини ривожлантириш зарур деб ўйлайман.

“Маърифат” газетасининг 2003 йил 1 июл сонида босилган.

Суҳбатдош: журналист **Дилбар Хўжаева**

## УСТОЗ-ШОГИРД МУЛОҚОТИ

*– Маргуба опа, сиз кафедра мудири, кафедра профессори сифатида “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабий” жараён, “Бадий асар таҳлили тамойиллари”, “Мустақиллик даври адабиёти” фанларидан бакалавриат, магистратура босқичи талабаларига маъruzalар ўқийсиз ва амалий машғулотлар олиб борасиз. Бевосита мана шу жараённинг иштирокчиси сифатида менда ҳам ўз-ўзидан савол тугилади. Айтингчи, аудиторияни қамраб олиш ва бевосита жонли фикрлатиш учун маъruzачидан нималар талаб қилинади?*

- Биринчи навбатда, жонли, ижодий фикр талаб қилинади. Хонандалар ижросида фонограммадан фойдаланиш қанчалик тингловчининг таъсирланишини сусайтиrsa, маъruzачининг матндан кўз узмай маъруза ўқиши шунчалик таъсирсиз ҳолатни юзага келтиради. Бугунги ахборот технологиялари даврида талабалар дикқатини жалб этиш ва уларни бевосита маъруза жараёни иштирокчисига айлантириш учун маҳоратдан ташқари билим ва мунтазам изланиш, ижодий меҳнат талаб қилинади. Баъзан мавзуга янгича қараш, муносабатлар, ижодий фикр бевосита аудиторияда туғилади. Шундай кезларда талабалар нигоҳида алоҳида дикқат, эҳтирос пайдо бўлади; айтилаётган фикр-мулоҳазалар моҳиятини чукур англаб ҳис этганликлари сезилади. Бу ҳолат ижодий фикрга гўё қувват беради, ёниб шеър ўқишига, тўлқинланиб таҳлилга киришиб кетаман, нигоҳлардаги “учқун”ни алангатишга ҳаракат қиласман. Аудиторияни баъзан

баҳс-мунозара шовқини тутади, ҳар бир талаба ўз кўнглида уйғонган туйғуни изоҳлагиси, ўз қарашини айтгиси келади. Фикрий-ҳиссий-ижодий “хужум” авжига чиқади. Дарс тугаганда ҳам биронта талаба ўрнидан тургиси келмайди, шундагина қониқиш ҳиссини туман.

– **Сиз 1985 йилда номзодлик диссертациясини “70-80 йиллар романларининг жанр ва услуб хусусиятлари”ни тадқиқ этиш билан бошлиган экансиз. Орадан салкам 25 йил ўтибди. Ҳозирги ўзбек насрига хос кузатишларингиз билан аввалги тадқиқот ишларингиз ўртасида муайян боғлиқлик борми?**

– Бугунги адабий жараёнга хос эстетик тамойиллар, тенденциялар, шубҳасиз, адабиётимизнинг аввалги тараққиёт босқичлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланган. Хусусан, ўтган асрнинг 70-80 йиллари ўзбек насрига хос жанрий, услубий изланишлар натижасида дунёга келган қатор баркамол асарлар туфайли ўзбек насли ривожланди. Ранг-баранг инсоний характерларни бадиий тадқиқ қилиш, теран бадиий тасвир, қаҳрамон руҳий олами таҳлили воситасида китобхонга таъсир кўрсатиш каби ижобий сифатлар “шўро даври адабиёти”нинг қобиқларини ёриб ҳаётга, инсонга ижтимоий-синфий муносабатда бўлиш талабларини рад этди. Ўзбек насли ижтимоийликдан субъективликка – инсон руҳияти, кўнгил оламига томон эврила борди. Табиийки, бугунги ўзбек шеърияти ёки насрига хос кузатишлар, илмий таҳлил-у тадқиқотлар адабиётдаги ўсиш-ўзгаришларни четлаб ўтолмайди, адабиётнинг барча даврларига хос хусусиятларни чукур ўрганмай туриб, бугунги адабий жараён ҳақида фикр айтиш мушкул. Шу маънода менинг истиқлол даври адабиётига оид кузатишларим ҳам аввалги даврлардаги тадқиқот ишларимнинг узвий давоми, албатта.

– **“Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усууллари” номли докторлик диссертациясини 35 ёшингизда ёқлаган экансиз. Филология ва адабиёт ўқитиши методикасига доир илмий изланишларингизда муайян узвийлик борми?**

– Адабиёт – инсончунослик. Бадиий асарлар марказида ҳамиша инсон образи туради. Ўқитувчининг диққат марказида эса – ўқувчи. Адабий таълим ҳам ўқувчи маънавий оламини юксалтиришни, қалбини гўзаллаштиришни кўзлайди. Адабиётшунос маълум маънода, бадиий асар ва унинг ижодкори билан китобхон ўртасида талқинчи вазифасини бажаради. Адабиёт ўқитувчиси ҳам ўз ўқувчиларини бадиият олиб киришда талқинчилик

маҳоратидан фойдаланади. Методист олим ҳам адабиётшунос, ҳам ўқитувчи бўлиши, ўз илмий фаолиятини таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқликда олиб бориши шарт.

Ҳозирги ўзбек адабиётига хос етакчи тенденциялар таъсирини адабиёт ўқитиши методикаси соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, ижодкорлар инсоннинг ўзлигини англаш, ўз кўнгил оламига яқинлашиш жараёнини бор мураккаблиги, руҳий қалқишилари ила тасвирлашга интилмоқдалар. Руҳий драмалар ичидаги “мен”нинг кечинмалари кўламдорлиги, сермавжлиги, кўпоҳанглилиги билан ажралиб туради. Инсон руҳияти кенгликлари рамзларда, бадиий бўёқларда манзараланмоқда. Ўзлигини кашф этган инсон ўзгани англайди, эл-юрт дардларини ҳис қила олади. Давримиз, жамиятишимиз, тараққиётимиз шарти, эҳтиёжи туфайли юксак маънавият сари интилмоқдамиз. Ахборот технологиялари асри ўқувчисини гўзалликка, табиийликка, эзгуликка чорлаш, бадиият оламига хос жозибадан баҳраманд этишнинг замонавий метод ва усулларини излаш, адабий таълим мазмунини такомиллаштириш илфор илмий қарашлар ва амалий тажрибаларни талаб этади. Оддий китобхон ўқувчини эстетик диди, мустақил фикри, нуқтаи назари шаклланган, коммуникатив саводҳонлиги юксалган, яратувчи шахс даражасини забт этишга таъсир кўрсатиш, ана шунга мос шароит яратиш ўқитувчилар, методист олимлар зиммасидаги вазифа. Таълим мазмунида рўй берган янгиланишга яқинлашиш унинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади; адабий таълим замирида гедонизм, яъни бадиий асарларни тушуниш, образлар моҳиятини чуқур англаш орқали ўқувчининг завкланиш, эҳтирос туйғуларини туйиши ҳақидаги қарашлар адабий таълим амалиётидан ўз ўрнини топди. “Бадиий асар таҳлили”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Жанр ва маҳорат” каби кейинги йилларда яратилган рисола ва кўлланмаларимда ҳам айни масалаларнинг илмий талқини борки, бу изланишларни ўзаро боғлиқ дейиш ҳам, аввалги тадқиқот ишларимнинг тадрижий давоми дейиш ҳам мумкин.

### **– Методист олим учун мактаб амалиёти зарурми?**

– Мен йигирма йилга яқин умумий ўрта таълим мактабларида она тили ва адабиёти ўкув предметидан дарс бердим; салкам ўттиз йилдирки, олий таълимда бўлғуси ўқитувчиларга сабок бераман. Амин бўлдимки, яхши методист бўлиш учун аввало, мактабни, ўқувчини, дарс жараёни муаммоларини пухта ўрганиш, билиш керак экан. “Ўқувчини ўз фарзандидай сева олган ўқитувчи ҳақиқий педагогидир”, - деб қайта-қайта таъкидлаган эдилар устозимиз Субутой Долимов (Охиратлари обод бўлсин). Ўқувчи руҳиятини, майл ва истакларини, эҳтиёжини чуқур ўрганмай,

билмай туриб, умуман, ҳеч бир дарс соатини ташкил қилиб бўлмайди. Адабий таълим ҳақида сўз юритувчи аввал шу жараён ичидаги “пишиб етилиши” шарт.

– **Адабиёт ўқитиш методикасининг бугунги ютуқларини нимада кўрасиз, қайси камчиликлар сизни ўйлатади?**

– Фанимиз ютуқлари анчагина. Мени қувонтирадиган жиҳатлари тўлдирилган, такомиллашган ўқув дастурлари, дарслернинг яратилганлиги, бу жараёнга йирик адабиётшунос ва методист олимлар жалб қилинганлиги; бугунги кунда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш билан бирга малакали мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётганлигини таъкидлагим келади. Кейинги йилларда методист олимларнинг янги авлоди шаклланди: профессорлар Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов ижодий мактаблари шаклланди. Айниқса, профессор Қ.Йўлдошевнинг методика соҳасидаги салмоқли изланишлари туфайли фаннинг илмий-назарий ва фалсафий-эстетик асослари янгиланди. Ёш авлодни мустақил фикрлайдиган, ностандарт, мураккаб вазиятларда тўғри ечим топиш йўлида изланадиган қилиб тарбиялаш масаласи – таълим-тарбияни трансакция фалсафаси асосида ташкил этиш foяси ўзбек методикасида илмий талқинини топди. Тўғри, бу муаммо XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон, хусусан, рус педагогикасида янгича назарий концепция сифатида тадқиқ қилинган. Мустақиллик даври ўзбек методикаси билан жаҳон амалиётида самарали деб тан олинган илғор назарий қарашларнинг мазмунан уйғунлашуви, шубҳасиз, ижобий ҳодиса. Олим “Ўқитувчи китоби” сингари методик қўлланмалари орқали ўзбек адабиётининг баркамол намуналарини ўқувчига тақдим этиш, ўргатиш методикасини ўзига хос илмий концепцияга таяниб яратдики, буларнинг бари методика соҳасидаги жиддий ютуқлар сирасига киради.

– **Бу жараёнда сизнинг ҳам фаолиятингиз муайян салмоқقا эга, деб ўйлайман.** – **Республика таълим марказида адабиёт ўқитиш масалалари бўйича тузилган кенгаш раиси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий Аттестация комиссияси ҳузуридаги фаолиятингиз; ўқувчиларда бадиий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммоси тадқиқига багишлиланган монография, рисолаларингиз ва ўндан ортиқ ўқув қўлланма, юздан ортиқ илмий-методик мақолаларингиз, фан номзодлари тайёрлаш борасидаги меҳнатингиз...**

– Сиз “баҳо”ни бироз ошириб қўйдингиз. Мен ўз фаолиятимдан камдан-кам қониқиши хиссини тұяман.

Ҳаётимдаги энг муҳим жабҳа – оилам. Методика соҳасидаги камчиликларга келсак, улар ҳам талайгина. Адабиёт ўқитиши самарадорлигини таъминлашда дарсліклар қаторида ўкув дастурлари ва методик қўлланмалар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу нүктаи назардан қаралса, касб-хунар колледжларининг амалдаги “Она тили ва адабиёт” ўкув дастури қайта ишланишга, такомиллаштирилишга муҳтоҷ экани сезилади. Адабий материалларнинг танланиши, руқнлаштирилишида қандай илмий-назарий, методик принципларга таяниб иш кўрилгани ноаник; адабий материалларни танлашда коллеж ўқувчилари ёш хусусиятлари ҳисобга олинмаган; назарий билимлар бериш эса мутлақо эътибордан четда қолган; дастур ва дарслік ўртасида анчагина номувофиқлар мавжуд. Дастурга кўра, 80 соат мобайнида ўрганилиши шарт бўлган ўкув материалларининг 49 соатлик қисми дарсліқдан жой олмаган. Қатор камчиликлар умумий ўрта мактабларнинг 5-б-синфлари “Адабиёт” дарслиги асосида тайёрланган ўқитувчилар учун методик қўлланмаларда кўзга ташланадики, бу камчиликлар соҳа мутахассиси сифатида мени ҳам ўйлантириши табиий. XXI асрга хос глобал ўзгаришлар олий мактаб методикаси соҳасидаги ҳам назарий ва амалий ўзгаришлар, янгиланишлар мазмунини қамраб олувчи педагогик, методик адабиётларнинг такомиллашган нусхаларини яратиш муаммосини кўндаланг қўйса-да, бу борада ҳануз оқсанаш кўзга ташланмоқда. “Педагогика” ва “Адабиёт ўқитиши методикаси” дарслікларини қайта яратиш зарур. Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар учун яратилган “Ўзбек тили” дарслікларини такомиллаштириш, “Ўзбек адабиёти”ни ўкув предмети сифатида ўқитишга эришиш керак, деб ўйлайман.

– **Адабиётшунос бўлишингизга асосий сабаб оилавий муҳитми ёки бирор анъананинг давомчисимисиз?**

– Асосий сабаб: адабиётга муҳаббат, гўзаллик оламига талпиниш.

– **Аёл – раҳбар – олима – она... бу тушунчалар бирлигини қандай изоҳлайсиз? Улардан қайси бирига асосий вақтингизни, кучингизни сарфлайсиз?**

– Бу тушунчалар бирлиги оиланинг тинчлиги, саришталиги, фаровонлиги, фарзандлар қиёфасида кўзга ташланади. Сиз аёл, она, раҳбар, олимага хос сифатлар бирлигини бир аёл ўзлигига бирлаштира оладими? - демоқчисиз, менимча. Ҳар ҳолда саволларингизнинг энг қийинига жавоб беришга тўғри келади.

Аёл – етакчи, яъни лидер бўладими, раҳбар, олима ҳамиша борлиги билан аёллигича қолади ва аёлдай яшаб, нафас олади, вақти келганда қувонади, кўнглига озор етганда йиглайди. Аёлни маънавий емиришга кодир ягона сабаб – ёлғизлик, меҳрга ташналиқ, деб ўйлайман. Қолган барча ҳаёт қийинчилклари-ю синовларини аёл енга олади. Мен севиш, севилиш баҳтини ҳам, йўқотиш изтиробларини ҳам, маънавий хиёнатларни ҳам бошдан кечирдим. Энг қийин дамларда илмий-ижодий изланишлардан куч олдим, илм йўлидаги мاشақкатли меҳнат жараёни ҳаётимдаги йўқотишларни, тақдиримдаги азобларни енгишимга ёрдам берди (Барига шукроналар бўлсин). 25 ёшимда фан номзоди илмий даражасига сазовор бўлдим, аммо жуда эрта ҳаётнинг аёвсиз “зарба”ларига дуч келдим, уларни енгиб ўтгунча, назаримда, умримнинг яна 25 йили ўтди. Аёлга сабр-қаноат, иродга, мардлик ва латофат зарур. Оиланинг шакли ҳам, мазмуни ҳам аёлнинг латофатига монанд бўлади. Хонадон остонасидан оила аёлининг қиёфасини англаш мумкин. Мен катта оиласа келин бўлиб тушдим. Катта оиланинг “катта қозони”да қайнадим, борига ҳам, йўғига ҳам сабр билан чидадим; каттиқўл қайнонам ва талабчан турмуш ўртоғимдан миннатдорман. Агар улар мени “талтайтириб” юборишганида, балки ҳозиргидай аёл ва она бўулолмасдим, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда рўзгордан, оила тутишдан, фарзандларим тарбиясидан ҳозиргача дақки эшитганим йўқ. Бўш вақтим деярли йўқ. Оиласа кўпроқ вақт ажратаман, албатта. Қолгани имкон қадар бўлади.

– **Маълумки, адабиёт ахли кўнгул олами фуқароси ҳисобланади. Ёлғиз қолганингизда кўнглингиздан нималар кечади?**

– Ёлғиз қолганда ижод қилиш истагини туяман, руҳият кенгликларига талпинаман.

– **Янги йилдаги орзуларингиз, режа ва тилакларингизни билсак?**

– Келажак бугундан бошланади. Нафақат яқинларимга, касбдошларимга, балки бутун халқимга янги йилда янги зафарлар, соғлик-омонлик тилайман. Ҳаётга, одамларга, қандай кўз билан қараб, қандай ишларни амалга оширсак, ҳаётимизнинг эртанги куни ўз амалларимизга муносиб шаклда бошланади. Барчамизга эзгулик, яхшилик, меҳр-муруват ёр бўлсин!

**Сұхбатдош: Нафосат Үроқова  
ТДПУ магистранти**

## **ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ – МОҲИР МУНАҚҚИД**

Ўтган асрнинг 70-80 йиллардаги ҳозирги ЎзМУнинг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган талабалар ҳаётида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлар У.Норматов, А.Расулов, курашчан мунаққид Н.Худойберганов, Санжар Содик каби йирик олимлар ҳозирги замон ўзбек адабиёти кафедрасида алоҳида мавқега эга эди. Адабий жанрларнинг долзарб масалаларидан тортиб, жамоатчилик дикқат-эътиборини тортган асарлар тақдимоти бўйича баҳс-мунозаралар, алоҳида илмий рисола ёки адабий танқидий мақола теварагидаги қизғин муҳокамалар айни шу илмий марказда, ҳар бири ўзига хос қиёфаси ва тафаккур оламига эга сиймолар иштироқида бўлиб ўтарди. Кафедра факультет илмий ҳаётининг "қалби"га айланган эди, десак муболаға бўлмас. Чунки, бутун факультет ижодий муҳити, руҳини айни кафедра ва ундаги йирик адабиётшунослар, мунаққидлар ҳаракатга келтирадилар. Уларнинг сардори сифатида биз устоз Озод Шарафиддиновни тасаввур этардик.

Устознинг "Замон, қалб, поэзия" номли илмий монографияси катта шов-шувларга сабаб бўлган эди. 50-60 йиллар ўзбек адабиётига хос қатор салбий ҳолатлар, чунончи, шеъриятдаги дабдабабозлик, "минбар сўзлар"ни қофиялаштириш, схематизм иллати, замонда рўй берган ҳодисаларни шарҳлашга, олқишлишга интилиш, насиҳатгўйлик кабилар мунаққид томонидан чинакам бадиий ижодга хос бўлмаган нуқсонлар сифатида очиб берилган эди. Мунаққид Озод Шарафиддинов юқорида номбар қилинган китобида қатор ўзбек шоирлари ижодидан келтирилган мисолларни таҳлил қилиб, ўзбек шеъриятига хос тенденциялар ҳақидаги илмий кузатишларини баён қилган ва салмоқли хулосалар чиқаришга эришган: "...шеърда бирон янги, чукур фикр, пахтакор меҳнати ҳақида шоир Ўйғундан бошқа ҳеч ким айтиши мумкин бўлмаган гап йўқ. Биз пахтанинг аҳамияти ҳақида, пахта меҳнат билан битиши ҳақида маълумот олдик, холос. Бироқ бу гапни шу шеърни ўқимасдан аввал ҳам яхши билардик-ку! Демак, шоир бизга бирор янгилик беролмади. Мирмуҳсиннинг "Ирмоқлар" тўпламида "Ўзбекистон" шеъри бор. Шеърдаги баъзи бир мантикий ғализликларга эътибор бермагандай бўлайлик. Бунда ҳам қофия, вазн жойида; ўхшатиш, сифатлашлар ва ҳатто метафоралар бор. Аммо бу шеър ҳам хассос поэзия намунаси

бўйлмайди... Тўғри фикр ифодаланган, аммо шу фикрни айтиш учун факат қофиялаш илмига эга бўлиш шартми? Бу асарлар поэзия намунаси бўйлмайди".

Олимнинг "Биринчи мўъжиза" номли йирик китоби ҳам ўз даврида адабий жамоатчилик эътиборини тортган, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Устоз 70-йиллар ўзбек шеъриятига хос хусусиятларни бадиий маҳорат тарозусида ўлчаб, рўй берган янгиланишларни, ўзгаришларни қўллаб-кувватлашга ҳаракат килган эдилар. Адабиётимизга кириб келган А.Орипов, Э.Воҳидов, Омон Матжон, Х.Худойбердиева каби янги авлод вакилларининг ўзига хос истеъоди, услуби, маҳорати, поэтик кашфиётларини таҳлил қилиб, бу давр ўзбек шеъриятига хос янги руҳни бир бутун адабиётимиздаги кўтарилиш деб баҳолаган эдилар: "Поэзия – талантдан бошланади. Талант эса ҳаётнинг ҳеч ким кўрмаган томонларини кўра олиш, у орқали воқеликнинг муҳим томонларини ифодалай олиш, даврнинг катта муаммоларини кўтариб чиқа олиш қобилиятидир. Поэзиядаги образлилиқ - фикрий теранлиқ билан, ҳаётга янгича муносабат билан, шу муносабатни эҳтиросли формада айтиш билан чамбарчас боғлиқ... Поэзиянинг чинакам интеллектуаллиги ҳаёт ҳақидаги мулоҳазаларнинг чуқурлиги ва оригиналлигида кўринади. Интеллектуалликнинг чуқурланиши поэзияда фалсафий лириканинг кучайишига, ўткир умумлашмаларнинг кўпайишига сабаб бўляяпти".

Озод Шарафиддинов ҳалқ хурмати-ю олқишига сазовор бўлишнинг бирдан-бир сабаби ҳамда омили истеъод эканини алоҳида таъкидлаган ҳолда барча даврлар учун муҳим ҳақиқатни баралла айтади: "Абдулла Қаҳҳор билан фахрланишимиз сабабларини изоҳлаганда, унинг асарлари орқали ўзбекнинг шуҳрати оламга таралмоқда, дейишади. Тўғри, Абдулла Қаҳҳор асарлари ўнлаб қардош тилларга таржима қилинган... бироқ ҳар қандай асар ҳам ўнлаб қардош ва ажнабий тилларга таржима қилина бермайди-ку... Бу хукуқни қозониш учун асар чинакам санъат намунаси, улкан истеъододнинг самараси бўлиши керак. Бугун Абдулла Қаҳҳор асарлари Европада ҳам, Осиёда ҳам минглаб ўқувчиларнинг кўнглини овлаётган экан, демак, улар ҳақиқий истеъододнинг фарзандлариdir".

Мунаққид ўз фикрларини давом эттириб, ўзбек адабиётининг улкан сўз санъаткорлари биринчи галда бетакрор услуби билан маҳоратини намоён қилиш орқали ҳалқ қалбининг тўридан жой олганликларини асослаб берган. Ҳусусан, А.Қаҳҳор ижодини, у яратган асарлар ва қаҳрамонларнинг Толстой, Чехов яратган образлар билан қиёслаш воситасида муҳим илмий ҳақиқатни

кашф этишга эришган: ўзбек адабиёти ва унинг бағрида ижод қилган чинакам сўз санъаткорлари яратган асарлар жаҳон адабиёти билан бўйлаша оладиган, дунё адабиёти намунаси сифатида баҳолашга, эъзозлашга арзирли эстетик қимматга эга.

Таникли адид О.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романини юксак баҳолаган Озод Шарафиддинов тарихий асар яратиш масъулияти, тарихий романнинг жанр талаблари ҳақида назарий қарашларини баён этган эди: "Аввало, адид бир неча асрлар аввал яшаб ўтган одамларнинг қиёфасини, кийим-кечакларидан тортиб, уй анжомларигача, урф-одатларидан тортиб, қиликларигача ҳаммасини жонли тасаввур қилишга, уларнинг бошидан кечирган воқеаларни худди кўз ўнгига бўлиб ўтаётгандай қайта тирилтиришга имкон берадиган бой ва бақувват фантазияга эга бўлишлари лозим... хаёлот оламининг уфқлари жуда кенг бўлмоғи керак. Санъаткор тарихга қўл урап экан, уни биринчи навбатда бугун учун ибратли бўлган тарих сабоқлари қизиқтиради. Бунинг учун адид ёзувчи бўлишдан ташқари зукко тарихчи, олим ҳам бўлиши керак."

Агар О.Шарафиддиновнинг фикрларига таянадиган бўлсак, ҳақиқий олим илмий салоҳияти, иқтидори, ўзига хос тафаккур тарзига эгалиги билан бир қаторда чуқур назарий мушоҳада юрита олса, унинг қарашлари муайян илмий салмоққа эга бўлади. Бундай олимлар адабиёт равнақига, бадиий ижод ривожига ҳисса қўшади, ўзига хос эстетик олами қиёфасини белгиловчи феноменга айланади. Бунга шахсан О.Шарафиддовнинг ижоди аниқ мисол бўла олади. Олимнинг "Жаҳон адабиёти" журналининг мухаррири сифатидаги фаолиятидан тортиб "модернча услублар" теварагидаги баҳслар иштирокчиси сифатидаги фикрлари сўнгги давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига муайян салмоққа эга бўлди. Бу фикрлар олим ижоди ва илмий тафаккур доирасининг ниҳоятда миқёсли эканидан дарак беради.

## ЎЗ СЎЗИ ЎЗ ҚИЁФАСИ

Бадиий ижодда ҳам, фан соҳаларида ҳам ўз сўзи, ўз қиёфаси, ўзига хос тафаккур оламига, ижодий принципларига эга бўлиш, уларга амал қилиш ва ўз дунёсининг маёки – имону эътиқодига ҳамиша содик қолиб қалам тебратиш жуда кам истеъоддларга насиб этган.

Сермазмун ҳаёти, илмий, адабий танқидий рисолалари билан жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган, ўзбек адабиёти, адабиётшунослик ҳамда танқидчилигимиз равнақига сезиларли

таъсир кўрсата олган олим, устоз, курашчан танқидчи Норбой Худойберганов қарийб эллик йилдан ортиқ умрени, бор салоҳиятию имкониятларини, куч-қудратини ўзбек адабиётининг мавкеини кўтаришга, бадиий ижод тараққиётини талабчанлик ва жасорат билан илмий-эстетик янгиликлар, кашфиётлар учун курашиш орқали юзага келишини исботлашга сарфлади. Унинг ана шундай курашчанлик руҳи билан сугорилган "Эҳтирос тўлқинлари", "Сўз курашга чорлайди", "Сени ўйлайман замондош", "Ҳақиқат ёғдулари", "Мехру муҳаббат йўлларида" сингари ўнлаб илмий, адабий-танқидий рисолаларини ўқир эканмиз, адабий жараён муаммолари моҳиятига чукур кириб бориб, хилма-хил ижодкорлар яратган асарларни талабчанлик билан таҳлил қилганига гувоҳ бўламиз. Айрим бадиияти саёз асарлар ҳақида эса куюниб, эзилиб фикр билдираётганлигини ҳис қиласмиз. Олим гоҳо лўнда қилиб: "Шоир бўлиш шартми?" - дейди. Шоирликни "Кун ўтар касбга" айлантираётган бундай жўн назмбозликни фош қилиш орқали – ўзбек шеърияти равнақига зарар етказаётган ҳолатларни асослаб беради. Бундай ҳолатга қарши курашни кучайтириш зарурлигини кескин танқид ва таҳлил орқали кўндаланг кўяди: "Майли, сиз қўлингизга қалам олманг, деб кескин хукм чиқаришдан ўзимизни тийиб турайлик, аммо лоақал ёш қаламкашларимизнинг изланиш-интилишларидаги машақкатли кемтиклар, етишмовчиликларни асосли, ҳаққоний таҳлил орқали кўрсатиб, бир лаҳза шоир бўлишингиз шартми?, деган савол устида ўйлаб кўрсангиз бўлмасмikan, дейишимиз биз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir. Агар ўша Макаренкодай ёзолмасдан тўлғониб-тўлғониб қийналаверсангиз, қўлингизга қалам олишдан ўзга чора қолмаган вазиятда ёзсангиз ва ёзишдан олдин ҳозирги ўқувчиларнинг тили-ю, дилидаги дардлари, орзу ниятлари, ғам аламларини кашф этишга қурбим етадими, уларнинг билмаганини билдириб, сезмаганини сездириб, ижтимоий тараққиётга, халқимизнинг маънавий камолотига заррача наф келтираманми, деб бош қотиришингиз шарт, деб айтишимиз биз учун ҳам фарз ҳам қарзdir".

Танқидчининг бу таҳлит очиқчасига ва лўнда қилиб айтган фикрлари узоқ йиллар мобайнида адабий жамоатчилик томонидан гоҳ у, гоҳ бу зайлда қабул қилинди, баъзан эса" асоссиз танқид" сифатида баҳоланди.

Холбуки, Н.Худойберганов кимгадир "тош отиш"дан ёки кимгадир лаганбардорлик қилишдан йироқда бўлган, "аччик" бўлсада, кескин танқидий фикр айтишдан чўчимайдиган, пишвард натижада, адабиётимизнинг сон жиҳатидан эмас, сифат жиҳатидан

бойитадиган ҳақиқий санъат асарлари яратилишига хайрихохлик билдирувчи, айнан шундай бадиий кашфиётларни қўллаб-куватлашга тайёр курашчан танқидчи сифатида қалам тебратди. Айниқса, ижод жараёни, илм-фан олами ҳақиқат ёғдуларига бурканса, ижтимоий-маънавий юксалиш рўй бериши аниқлигини асослашга уринди. “Илму идрок қудрати” номли мақоласида олим О.Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романини таҳлил қиласр экан, теран ҳаётий, фалсафий фикрларни ўртага ташлайди: “илму ақл-идрок ҳар қандай синовларга бардош беради, асрлардан асрларга ўтиб боради, ижтимоий-маънавий-маданий тараққиётта хизмат қиласр, ўта кучли-ю даҳшатли тўсиқларни бартараф этади. Ахир, илмни яратиб, ривожлантирувчи, ақлу идрок билан иш кўрувчи инсон жуда кўп деганда юз йил, борингки, эллик йил яшashi мумкин, бироқ илму ақлу идрокка асло чеку чегара, ўлим йўқ-ку! Ҳа илму идрок бениҳоя зўр қудратга эга. Уни бу дунёда ҳеч ким, ҳеч нарса енголмайди... Голиб чиқиш учун қанчадан-қанча тўқнашувлар олишув-тортишувлар, курашлар рўй беради”.

Олимнинг мазкур фикрлари ўз ҳаёт йўлига ҳам тааллуқли: устоз ҳаёти давомида хилма-хил тўсиқлар билан курашларни бошидан кечирган. Ўз эътиқодидан ҳар қандай қийин вазиятларда ҳам воз кечмаган. Илму-фан равнақи йўлида, ўзбек адабиётини жаҳон миқёсида обрў қозониши истагида яшаб ижод қиласр, қарийб 20 йилга яқин муддатда собиқ иттифоқнинг марказий газета ва журнallарида ўз мақолалари билан қатнашиб, адабий жамоатчилик эътиборини жалб қиласр. Шубҳасиз, бу жараёнлар осонлик билан, силлиқина кечгани йўқ. У яратган асарлар, танқидий мақолалардан ўзи эътиқод қўйган адабиётга, илм фанга меҳру муҳаббат туйғулари сезилиб туради. Айни муқаддас туйғу туфайли устоз Норбой Худойберганов ижод довонларини забт этди; ўзига ва ўзгаларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлди. Олимнинг кейинги йилларда яратган илмий рисолаларидан ҳам ҳар қандай ижодкор ўз ижодини, ҳаёт йўлини, эришган ютуклари-ю камчиликларини тафтиш этиб борса, ютуклар соясида қолмай, ўзига танқидий муносабатда бўла олса, ижодий баркамолликка эришади, деган салмоқли фикр-мулоҳазалари етакчилик қиласр. “Меҳру муҳаббат йўлларида” номли рисоласидан жой олган “Ўз ўзимни тафтиш этиш” туркум мақолалари ҳар биримизни илмда ҳалолликка мардлигу матонатга даъват қиласр. Чинакам истеъдод соҳибларига меҳру муҳаббатимизни оширади. Ҳамиша ўзининг илмий кузатишлари, талқину таҳлиллари, хулосаларини “сўзсиз қабул қилинадиган ҳақиқат” деб даъво қилмайди, баҳсу мунозараага чақиради. “Ахир

мунозараларда ҳақиқат туғилади; зотан меҳру муҳаббат қайси соҳаларга тааллукли бўлмасин, бошқача йўли йўк, бўлиши мумкин ҳам эмас", - деб таъкидлайди олим.

Ўз сўзи ва ўз қиёфасига эга олим ва мунаққид Норбой Худойберганов шогирдлари орасида тўғри сўзлиги, меҳнаткаш, дангаллиги, ўз эътиқоди учун курашчанлик руҳи билан яшашига кўра ҳамиша ибрат бўлиб қолади. Мухтарам устозни муборак 70 ёшлик таваллуд кунлари арафасида чин дилдан қутлаймиз ва соғлик-омонлик тилаймиз.

**Н.Худойберганов,**  
“Бадиий таҳлил сехри” (Сайланма) китобидан.

## ЭҲТИРОМ

1993 йилнинг кузи эди. Тошкент Давлат Педагогика Университети олдига икки навқирон, зукко, ёрқин чеҳрали олимлар қизғин баҳслашган ҳолда етиб келдилар. Ёнма-ён турсакда, улар на мени, на бошқаларни илғамас, ўз қарашларини далиллашга киришиб кеттган эдилар. Мен ҳавас-у ҳайрат билан уларни кузатдим, муҳокама-мулоҳазалари адабиёт ҳақида эканлигини англаб, беихтиёр қулоқ тутиб, туриб қолдим. Бу икки таникли олимлар Низомиддин Маҳмудов билан устоз Боқижон Тўхлиев эдилар.

Орадан бир йил ўтиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” факультети декани Н.Маҳмудов мени ҳузурларига чорлаб: “Докторлик диссертациясини қачон ёқлайсиз?” – деб сўраб қолдилар. Мен қисиниб, қимтиниб, “Бадиий таҳлил усуллари” номли китобимни узатдим. Домла дикқат билан китобни вараклаб бўлиб, “Бир йил етадими якунлашга?” – дея савол беришда давом этдилар. Мен ишни умуман якунлаган бўлсам-да, илмий раҳбарга зарурат ва эҳтиёжим борлигини айтдим. Домла телефонда ким биландир гаплашиб, хонага таклиф қилдилар. 5-10 дақиқадан сўнг хонага кириб келган одам ўта жиддий қиёфали, синчков назарли, худди “ичингдаги сир-асрорларингчча билиб оламан”, дегандай туюладиган чехраси билан менга унча ёқинқирамади. Низомиддин Маҳмудов домла бизни танишитириб, “Мана, илмий раҳбар ҳам топилди, энди ҳеч қандай муаммо қолмади, бир йилда ишни столга қўясиз”, – деб хулоса ясади.

Бир неча йиллар давомида мен ҳақ сўзли, талабчан, илмга хиёнат қиласидиган, бадиий адабиётни чуқур ҳурмат ва муҳаббат билан севувчи, сўз қатламларида ётган энг яширин маъноларни, нозик ишораларни, жозиб тасвирларини чуқур идрок этиб, ҳис

қилувчи зукко адабиётшунос Боқижон Тўхлиевни гўё янгидан кашф этдим; устознинг асл қиёфасини, кўнглини тушунгандай бўлдим, меҳру-муҳаббатим, ихлосим ортди.

2008 йил устоз “Кутадғу билиг”нинг насрй баёнини ҳозирги ўзбек тилида тайёрлаб, китоб ҳолидаги нашрини кўтариб хонага кириб келдилар. Узоқ сұхбатлашдик. Ўтган ўн етти йил давомидаги яхши-ёмон кунларни хотирладик, дардлашдик, адабиёт ҳақида мириқиб сұхбатлашдик. Устоз бир неча китобларини менга совға тариқасида топшириб, хайрлашдилар. Китоблардан ҳар бирига эзгу тилак – дил сўзлари ёзилган эди: “Ҳамкасбим, маслақдошим, шогирдим, ҳамиша дилбар ва латофатли Марғубахонга оиласвий, илмий-ижодий баҳт-саодатлар тилаб қоламан”. Кўзимга ёш келди. Ахир устознинг меҳри, эътирофи, самимий кўнгил изҳорига сазовор бўлиш озмунча баҳтми? Умуман, одамларни англаш, уларнинг сени англаб тушунишлари учун баъзан бир инсон умри керак бўлади. Баъзида, жуда яхши биламан, деб ишонганларинг доғда қолдиради, “ўзгалар қўли билан” бўғизлайди. Бу дунёнинг алдамчилиги, бевафолиги турфа одамлар қиёфасида гавдаланади.

Устоз Боқижон Тўхлиев турланмайдиган, тусланмайдиган одамлар тоифасидан, ҳамиша бир хилда: оғир, вазмин, салобатли қиёфада, ўрнида “аччик”, “таг маъноли” танбех берадилар, кези келганда, дилкаш сұхбатдошга айланиб, ютуқларимиздан хузур қилаётгандикларини сездирадилар.

Устоз Боқижон Тўхлиев ташкилотчилигига ўтган йили “Ўзбек адабиёти ўқитиш методикасининг долзарб муаммолари”га бағишлиланган “Адабиёт ва маънавият тарбияси” мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман ялпи мажлисида мен ҳам маъруза қилдим. Аҳён-аҳёнда иштирокчилар ва устозимга кўз ташлаб, маъруза қандай таъсир қилаётгандигига эътибор қаратдим. Агар тингловчиларда зерикиш ҳолати кузатилса, сўзимни қисқароқ қилмоқчи эдим. Устоз жиддий қиёфада, дикқат билан менга тикилиб, маърузани тинглар, олдиларидағи қоғозга нималарнидир ёзиб қўярдилар. Тадбир тугагач, домла тез юриб келиб, елкамга қоқдилар: “Маъруза учун раҳмат,” - дея илтифот кўрсатдилар. Шу қисқа жумладан устознинг кўнгилларидағи ғурурни, қаноатни, эҳтиромни ҳис қилиб, бошим осмонга етди. Яна Юсуф Ҳожиб мисралари ёдимга тушди:

Жуда яхши деган киши афзали,  
Кишига меҳрибон, феъли гўзали:  
Кишига наф берар киши эзгуси,  
Киши эзгусидир эл-юрт кўзгуси.

## ИЗЧИЛЛИК

Касбдошларимиз орасида шундай захматкашлар борки, улар умр бўйи “ilm деб”, “ilmim деб”, ўзлари сайлаган йўналишда сабитқадамлик билан “хўша терадилар” (Жомий), нимага эришсалар олам-жаҳон завқ олиб, янги чўққини забт этиш пайида юрадилар, ўзларига ҳам, шогирдларга ҳам ўта талабчан бўладилар. Лаборантликдан профессорлик, кафедра мудири лавозимигача бўлган меҳнат пиллапояларини босиб ўтган Марғуба Мирқосимова ана шундай зуваласи пишиқ, закий олималардан хисобланадилар.

Марғубахонни аспирантурага қабул қилишда билимига баҳо қўйиш жараёнида айрим ўртоқлар унинг иқтидорига шубҳа билан қараб, иккиланиб туришди. Шунда таникли адабиётшунос, фан доктори, профессор Тўхтамурод Бобоев шундай дедилар:

- Азиз дўстлар! Марғубахон илмий муҳитда вояга етган: Турсуной опа ва Мирқобил акалар замонамизнинг ўта билимдон, поктийнат, фидойи олимлари. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қиласди” деган ҳикмат бор. Биз уни аспирантурага қабул қилсан, янглишмаган, яхши бир адабиётшуносни тарбиялаган бўламиз.

Ҳақиқатда ҳам Марғубахон намунали аспирант бўлди: барча фанлар бўйича минимумларни “аъло” баҳоларга топширди, адабий жараёнда фаол қатнаша бошлади. Қувонарлиси шундаки, ўтган асрнинг 90-йилларида кам юз берадиган номзодлик диссертациясини ўз вақтида ёзиб, тугатиб кафедра ҳукмига ҳавола қилди. Жамоа ишончини тўла оқлади.

Диссертация муҳокамаси мунозарали, жиддий кечди. Илмий ишни ўқиган ўртоқлардан кўпчилиги аспирантнинг ютукларини, илмий хulosаларини қўллаб-кувватлаб, уни якунланган тадқиқот сифатида ҳимояга тавсия этишни таклиф қилишди. Аммо, ўз мавзусини теран идрок этган бўлишига, барча саволларга асосли жавоб беришига қарамай, икки доцент диссертантни танқид қилишди, пашшадан фил ясад, ишни яна бир марта муҳокамадан ўтказиш хусусида фикр билдиришди.

- Муҳтарам дўстлар! Сизлар билдирган эътиrozларни, кўрсатган жузъий камчиликларни диссертант ҳимояга қадар bemalol тузата олади. Бунга ишончларингиз комил. Биз ҳамиша холислик йўлидан боришимиз керак. Бунинг устига бизда демократия. Ҳозир таклифларни овозга қўяман, ҳамма нарса равшанлашади-қўяди, - дедим зарда билан.

Овоз беришда ўша икки касбдош “қарши” чиқди, холос.

Натижада кўпчилик овоз билан диссертация очик ҳимояяга тавсия этилди. Йиғилишда иштирок этган Марғубаҳоннинг илмий раҳбари, машҳур танқидчи, филология фанлари доктори, профессор Норбой Худойберганов миннатдорчилик изҳор этди.

Ха, Марғубаҳон ҳаётдаги қийинчиликлар, ноҳушликлар, айрим касбдошларининг норавобинликларига қарамай узлуксиз, фидойилик, изчилик билан илм излади, ўз тафаккур доирасини муттасил ошириб борди. Ҳозирги адабиётнинг долзарб масалаларига оид, адабиёт ўқитишнинг ўрганилмаган жиҳатлари ҳақида монографиялар яратди, шогирдлар тайёrlади, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, профессор унвонига эга бўлди. Энг муҳими, ўзи илмда илк қадам кўйган кафедрани закийлик билан бошқармоқда, ҳар жабҳада ўзининг етук назариётчи, зукко методист сифатида кўрсатиб юрибди.

Замонамизнинг нозикфаҳм, таникли, ота-онаси анъанасини забардастларча давом эттираётган Марғубаҳон Мирқосимованинг кўз ўнгимизда камолотга етиб, илмнинг юксак чўққисини эгаллаб, биз билан бақамти ишлаб юрганидан фахрланамиз.

**Ҳомиджон Ҳомидий,**  
**филология фанлари доктори, профессор**

## **ДИЛБАР ВА МАРҒУБ ОЛИМА**

Методика илми ниҳоятда ўзига хос. Бу соҳада меҳнат қилаётганларнинг аксарияти назарий ва амалий соҳаларни бирластириб турадиган мутахассислар сифатида эътиборлидир. Марғуба уларнинг сардорларидан, сарварларидан бири. Энг аввало Марғубанинг ниҳоятда моҳир ўқитувчи эканлигини таъкидлаш жоиз. Марғуба аудиторияда ҳар доим ўзини эркин сезади. Демакки, соҳасини яхши билади. Аудиторияда у ҳузур қиласи. Марғубанинг машғулотларида талаба ҳам ҳузур қиласи. Янги нарсаларни эштиши, ходисаларнинг асл моҳиятини билиб бориш, ўзи билган нарсаларнинг мутлақо янги қирраларга эгалигини ҳис этиш ҳар кимга ҳам ҳузур беради.

Марғуба дарс ўтганида ҳақиқий адабиёт ўқитувчиси қандай бўлиши лозимлиги кишининг хаёлидан ўтади. Унинг билимдонлиги, зукколиги, адабиётни, сўз санъатини ниҳоятда нозик ва теран ҳис этиши, бадиий асарни таҳлил ва талқинидаги ўзига хосликлар кишига завқ беради, унинг қалбида ҳавас ўйғотади. У ўқитувчи сифатида ўз ўқувчилари-талабаларини ром этиб олади. Кўплаб талабаларнинг Марғуба туфайли бу соҳага меҳр ва муҳаббатларининг ортиб бораётганлиги бежиз эмас.

Илмий раҳбар сифатида талабаларнинг “Марғуба опамдан мавзуу оламан” деган қатыятига аслида мана шу амалий сабоқлар рух берганлиги ҳам ҳақиқат.

Құллаётган сўзларини танлаш, саралаш, уларнинг талаффузи, оҳангини жойига күйиб етказиш, Марғубагагина хос бўлган майин, аммо жарангдор оҳанг, уларга мос мазмун салмоғи тингловчиларни, талабаларни, шогирдларни ўзига мафтун қиласди.

Илмий анжуманларда ҳеч кимнинг эсига келмаган адабий ходисалар, уларнинг ўзига хос маъно қирраларини илғаш ва бошқаларга муносиб тарзда етказа олиш Марғубагагина хос.

Марғуба адабий таълимдаги узвийлик ва узлуксизликни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этиб келаётган, бу соҳада мунтазам кузатиш олиб бораётган олималаримиздан. Унинг мақолаларида, китобларида мактабгача тарбиядан бошлаб олий таълимгача бўлган оралиқдаги муаммоларнинг таҳлилга тортилиши бежиз эмас.

Марғубанинг таҳлиллари ўзига хосликлари билан эътиборли. Уларда муаллиф кўзда тутган поэтик ғоянинг нозик даражада илғаб олиниши, ҳар бир бадиий асарнинг ўзига хос жиҳатларини кўриш ва кўрсата олиш хислати очиқ бўй кўрсатиб туради. Ҳалол ва самимий таҳлиллар, кенг мушоҳадага таянадиган талқинлар кўпчиликни бефарқ қолдирмайди.

Мана, эътибор беринг: “бу шеърларда фикр ва туйғу ҳаракати жўшқин, ҳис-ҳаяжон салмоғи юксак. Шу сабабли майин мусиқийликка уйғун рухият манзараларини қалб қўзимиз орқали кўргандай бўламиз. Нафис бўёқларда берилган табиат чизгиларида оқ, ним пушти ранглар етакчилик қиласди. Табиат тасвирига уйғун инсоний кечинмаларни кечираётган лирик қаҳрамон кўз ўнгимизда жонланади, унинг қалби илиқлиқка тўла, гўзалликка ташна эканини ҳис қиласмиз. Шоиранинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишилаб ёзган шеърлари айниқса, ҳаяжонли, дардчан. Табиат тасвирига сингдирилган майин оҳанглар оқ бўёқларда тасвирланади; инсоний дардга йўғрилган фарёд нолалари, дарду алам, армону изтироб туйғулари астасекин сарғиши ёки тўқ рангларга кўчади. Лирик қаҳрамон қўлидаги даста гул, ёруғликни тўсиб келган қора булат, аёл изтиробларига чидомасдан дув ўш тўккан осмон, оқ булатлар – бари рамзий маъноларни ташийди”.

Бу олиманинг ардоқли шоирарни Зулфия ҳақидаги мулоҳазалари. Уларда ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким айтмаган нуқталарнинг топилгани эътиборни тортади.

Олиманинг илмий тадқиқотлари билан яқиндан танишган киши

унинг ниҳоятда серқирра фаолият соҳиби эканлигини эътироф этади. Бир томондан, янги давр адабиётини таҳлил ва тарғиб этиш, бир томондан, ҳозирги адабий жараёнга фаол аралашиш, бошқа томондан адабиёт ўқитишининг назарий муаммолари билан жиддий тарзда шуғулланиш, уни ўқитишининг амалий жиҳатларига эътибор...мазкур қамровни тасаввур этишга имкон беради. Хоразмий ва Атойй, Навоий ва Бобур, Машраб ва Оғаҳий, Ойбек ва Зулфия, жаҳон адабиёти, ҳозирги адабий жараён, янги педагогик технологиялар ва уларнинг адабий таълимга татбиқи, адабий таълимнинг бошланғич синфлардаги, умумий ўрта таълим мактабларидағи, академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари, шунингдек, олий таълимдаги ўзига хосликлари мазкур қамровнинг айрим қирралари, холос.

Марғуба шу йиллар ичида ўзини яхши раҳбар сифатида кўрсатди. Ҳақиқатда ҳам бошқалар билан бирга ишлаш, бошқаларга раҳбарлик қилиш осон эмас. Ёш нуқтаи назаридан ўзидан кичикларга раҳбарлик қилиш нисбатан осонроқ. Тенгдошлар орасида раҳбарлик қилиш бироз мураккабликлар билан алоқадор бўлиб қолади. Агар раҳбарнинг ёши қўл остидаги ходимлардан кичик бўлса-чи?! Одамзоднинг ақлу идроки, тафаккури, тадбиркорлиги худди шу ерда намоён бўлади.

Марғуба бошлиқ, раҳбар сифатида ҳам кучли мушоҳада ва чуқур мулоҳаза эгаси эканлигини кўрсата олди. Бизнинг замонамиз тезкорликни, пухтакорликни, тадбиркорликни хуш кўради. Сустлик, лоқайдлик, бепарволик бугунги жамиятимиз талабларига мутлақо зид эканлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо айни жамоанинг ҳамма аъзоси бир хилда фаол, бир хилда ижрочи бўлмаслиги ҳам аник. Аммо бошлиқ “қаловини топса, қор ҳам ёнади”. Марғуба бош бўлган кафедра аъзолари жуда қисқа муддатда олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичлари учун ўкув режасидаги барча фанларга оид дарслик, ўкув қўлланмалари, методик адабиётларнинг салмоқли қисмини ўз қўллари билан яратишиди. Кўплаб монографиялар, рисолалар, илмий ва методик мақолалар юзага келди.

Марғуба ишни ташкил қилишни, бошқаларни тегишли ишларга сафарбар қилишни ниҳоятда қойиллатиб ўринлатади. Аммо унинг ўзи буларни бир чеккага ўтиб олиб кузатиб ўтирумайди. Унинг ўзи бу соҳадаги биринчи намунаидир. Муҳим ва қисқа муддатли топширикларни бажариш зарурати бўлиб қолганда, унинг ўз ходимлари билан ярим кечагача кафедрада қолиб кетиши аҳён-аҳёндаги воқеалар сирасига кирмайди. Токи қилинаётган ишдан кўнгли хотиржам бўлмагунча унинг тиним

билмаслигини кўпчилик яхши билади.

Кафедранинг салоҳияти факультетдагина эмас, Республика миздаги турдош кафедралар орасида ҳам етакчи мавқелардан бирини эгаллайди. Ҳозир кафедрада тўрт нафар фан доктори, беш нафар фан номзоди фаолият кўрсатади. Шу кунларда яна бир фан доктори, бир неча номзодлик ишлари ҳимоя арафасида турибди.

Марғубанинг илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборли. Илмий даражани олиб бирорта шогирд тайёрламаган, шундан кейин ўз соҳаси мутахассисларининг эътиборига тушадиган бирорта дарслер, ўқув қўлланмаси, китоб, монография, рисола ёзмаган мутахассислар ҳам топилади. Аммо ҳақиқий олим ўз зиммасидаги вазифаларни чуқур хис қилса бундай қилолмайди. У ўз фикрларининг, ғояларининг давомчилари бўлишини истайди, шунга интилади, шогирдларини мана шу муборак ва муқаддас ишларга сафарбар қиласди. Унинг ҳозиргача ҳимоя қилган, адабиётшунослик, адабиёт ўқитиши методикаси соҳасида меҳнат қилаётган шогирдлари устоз изидан бориб ўз соҳаларида яхши ном қозонишмоқда. Яна бир гурӯҳ шогирдлар эса адабиётшунослик ҳамда адабиёт ўқитишининг энг долзарб муаммолари устида жиҳдий илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш билан банд. Уларнинг умумий сони ўндан ортиқ.

Марғуба расмий оппонент, тақризчи, муҳокамалар иштирокчиси сифатида кўплаб илмий ишларининг тегишли талаблар даражасига кўтарилишига, уларнинг назарий, методик, амалий аҳамиятининг ортишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У Республика миздаги фаол адабиётшунос ва методист олимларимиздан бири сифатида ҳақли равишда эътироф этилган.

Халқ таълими вазирлиги қошидаги Республика таълим марказида адабиётга оид методик кенгашининг раиси, Низомий номидаги ТДПУ илмий-методик кенгашининг аъзоси, ўзбек тили ва адабиёти факультетининг илмий кенгаши аъзоси, ўзбек тили ва адабиёти ўқитиши назарияси ва методикаси мутахассислиги бўйича ҳимоя кенгаши қошидаги илмий семинар аъзоси сифатида Марғубанинг нихоятда катта ташкилий-методик ишларни амалга ошираётганини ҳам эътироф этиш керак. Буларнинг ёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг педагогика соҳасидаги Эксперт Кенгашида аъзо сифатида ҳам Республика миздаги юқори малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Марғубадаги бундай меҳнаткашлик, ғайрат, шижаот тасодифий эмас. Бу хислатлар унинг юксак даражадаги инсонпарварлиги ва самимияти билан чамбарчас боғланиб кетади. Жамоадаги ҳар бир аъзо билан, унинг ёши ва мавқедан қатъий назар меҳр билан, муҳаббат билан муносабатда бўлиши, керак бўлган ҳар қандай ҳолатда ёрдам қўлини чўзишга тайёrlиги, бошқаларнинг манфаати билан рўпара келганда ўз манфаатини ортга суриш ёки тамомила воз кеча олишга қодирлиги унинг жамоа олдидаги обрўсига асос бўлган бўлса ажаб эмас.

Сабр ва чидам, матонат ва бардош Марғубанинг доимий ҳамроҳлари эканлигини ҳам яхши биламиз. Бўлган ва бўлмаган гаплар, айниқса, майда гаплардан устун бўлиш учун инсонда ниҳоятда катта қалб бўлиши керак. Марғуба ўзининг шу хислатлари билан ҳам кўпчиликка ўrnak ва намуна бўлиб келаётir.

Бир аёл сифатида ҳам уй юмушларини, фарзандлар тарбиясини, илмий тадқиқот ишларини, устоzлиknи, мураббийликни қўшиб олиб бораётган, бунда чарчашни билмайдиган, янги марраларга дадил интилиб бораётган ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлик ва катта ижодий муваффақиятлар ёр бўлаверишини тилаймиз.

**Боқижон Тўхлиев,**  
филология фанлари доктори, профессор

## ҲАВАС КЕЛТИРИБ ЯШАШ БАХТИ...

Бахт кенг тушунча бўлиб, у ўз навбатида хусусий маънога ҳам эга. Чунки уни ҳар ким ҳар қанақа тасаввур қиласи. Бироқ бу тушунчага фалсафий жиҳатдан ёндашилса, ўз ҳаётидан мамнун ва ўзгаларнинг ҳавасини келтириб яшаш чинакам баҳт экани англашилади. Афсуски, бу зайлда яшаш барчага ҳам насиб қилмайди. Бундай баҳтга инсонлик моҳиятини теран англаган ва ўз ҳаётини шунга монанд курган кишиларгина мұяссар бўлиши мумкин. Илмий адабиётларда инсон табиат шоҳи ва эволюция тожи сифатида талқин қилинади. Аҳмад Дониш эса "Ҳақиқатда инсон улуғ олам. Унга қараганда бу олам кичик оламдир", - дейди. Инсон бундай таърифга ўз тафаккури билан мұяссар бўлгани ҳақиқатdir. Педагогика фанлари доктори, профессор Марғуба Мирқосимованинг ҳаёти, фаолияти бу ҳақиқатнинг исботи, десак янглишмаймиз. Қадимги юонон ва ҳинд манбаларида аёллик негизида фаоллик ва яратувчилик куввати ётади, дейишлиги фикримизнинг чинлигини асослайди. Марғубанинг келинлик, оналик ва хизмат бурчини аъло даражада бажариши билан бирга,

ўттизга кирмай фан номзоди, қиркка кирмай фан доктори бўлганлиги ҳавас қилгулик ҳолат. Албатта, бу ютуқлар заминида катта ва машаққатли меҳнат ётади. Меҳнат эса баҳт ва омад қалитидир. Марғуба меҳнати туфайли шундай қалитни қўлга киритган. У икки соҳа – адабиёт ва педагогика фани мутахассисидир. Олиманинг бу борадаги фаолиятини кузатганда иккала соҳада ҳам етакчилик қилаётганлигини сезиш мумкин. Бундай ҳулосага келишимизга чоп этилган монография, ўкув қўлланмалари, рисолалари ва илмий мақолалари изн беради.

М.Мирқосимова педагогика фанининг методика йўналишида иш олиб боради. Унинг докторлик иши бадиий асар таҳлили муаммосига бағишлиланган. Бу борадаги дастлабки китоби 1993 йилда чоп этилган “Бадиий таҳлил усуслари”dir. Унда ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчиларга қатор тавсиялар берилган, яъни шеърларни мустақил ўқиши, ижодий тақриз ёзиши, ижодий тадқиқотга ундаш, шеърий ёки насрый асарларга тақриз ёзиши, реферат тузиши, адабий кечалар, адабий альбомлар, маъruzалар ташкил этиш борасидаги методик тавсиялар ўз ифодасини топган. Маълумки, киши бадиий асарга қанчалик яқинлашса, унинг замиридаги фикрни теран англаша, қалбига, шуурига жо қилса, у шунчалик покланиб боради ва комиллик сари қадам ташлайди. Бу нарса қанча эрта бўлса, унинг самараси шунчалик кучли бўлади. Марғубанинг айни долзарб муаммони мактабдан бошлаш керак, деб ўз фикрини изчил илгари суриши, уни мисоллар билан асослаши китобнинг илмий аҳамиятини белгилайди ва бу олиманинг илмий салоҳиятини кўрсатади.

М.Мирқосимова ўз концепциясини босқичма-босқич такомиллаштириб, янги асарлар таҳлили билан бойитиб бормоқда. Агар биринчи китобида бадиий таҳлил усусларини бошлангич ва таянч синфлар мисолида амалиётда қўллаган бўлса, “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари” монографиясида юқори синфларда мураккаб таҳлил усулини қўллашга оид методикани ёритади. “Адабий материални ўрганиш жараёнида ўқувчининг тўғри, тез, равон ўқиши малакасини ҳосил қилишга, оғзаки ва ёзма нутқини, боғланишли нутқини ривожлантиришга, сўзларни қўллаш, сўз маъносини, унинг товуш хусусиятларини ўрганиш, жумлалар ва гаплар тузиши воситасида ўз мулоҳазаларини мантиқий изчиллиқда, тасвирий ифодалардан фойдаланиб баён этиш; асарни қайта ҳикоялаш, ўқувчини кузатган ҳодисалари ёки расмлари воситасида мустақил ҳикоя тўқишига ўргатишнинг самарали усуслари ушбу китобда батафсил ёритилган. Натижада,

бошланғич синф ўқувчисида адабий материални ўқиб ўрганиш, унинг мазмунини ўзлаштириш, китоб устида ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Таянч синфларда эса бундай кўникмаларни янада ривожлантириш заминида адабий асарнинг қурилишини ўрганиш, бадиий образ моҳиятини англаш, эстетик дидни тарбиялашга эътибор қаратилади".

"Бадиий асар таҳлили" китоби олиманинг янги тадқики ҳисобланади. Магистратура босқичидаги "Ўзбек адабиёти" мутахассислиги учун ўқув қўлланма сифатида чоп этилган ушбу қўлланмада М.Мирқосимова илмий ва амалий асосга эга бўлган шундай фикрни илгари суради: "Адабий таълим жараёнида ёш авлоднинг ҳиссиёти тарбияланади. Унинг гўзаллик ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари такомиллаштирилади. Бу борада бадиий асар таҳлилига таяниб иш олиб борилади. Бадиий асар таҳлили орқали ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳияти ўсади, оғзаки ва ёзма нутқи такомиллашади, ўқувчида ўз фикрларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш малакалари шакллантирилади".

М.Мирқосимованинг методик йўналишдаги билими адабиётшунослик бўйича ёзган тадқиқот ишларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига қўл келган, яъни бадиий таҳлилнинг илмийлигини оширган, мукаммаллаштирган. "Жанр ва маҳорат" рисоласидаги "Хозирги ўзбек шеъриятининг етакчи тамойиллари" бўлимида янги модерн йўналишидаги шеърлар таҳлил қилинган ва уларнинг ўзига хослиги ёрқин очиб берилган. Олима мустақиллик даври ўзбек шеъриятига хос хусусият: руҳий таҳлилнинг теранлиги; асарлар поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглиги; воқеаларни анъанавий реалистик асарлардан фарқли ҳаётий манзараларда гавдалантириш; ҳодисалар, кечинмалар "мен" орқали ҳис қилиниши янгилик сифатида қабул қилинди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу хусусият реалистик тасвир услуги багрида юзага келган "янгилик" сифатида эътироф этилаётган "ўзбек модерн шеърияти" алоҳида ва ўзига хос эстетик тамойил сифатида юзага келганлиги ҳамда ривожланаётганини асослайди. Яна бир ўринда: "Бугунги ўзбек шеърияти марказида турган лирик қаҳрамон замондошимиз қалбида кечеётган ҳис-туйғуларни XXI аср кишисининг тафаккур тарзи, руҳий эврилишлари фонида ифода этмоқда", - дея таъкидлаб, бу фикрларни Баҳром Рўзимухаммад, Ҳалима Худойбердиева, Зулфия Мўминова, Кутлубека, Усмон Азим, Фахриёр шеърлари мисолида асослайди. Шеърларни илмий-назарий, эстетик жиҳатдан тўғри ва чиройли таҳлил қиласиди. Рисола фақат шеърият таҳлили билан чекланиб қолмаган, унда ҳикоя ва қиссалар ҳам таҳлилга тортилган. Улар адабиётшуносликнинг муҳим муаммолари, яъни шахс

фожеаси, характер моҳияти жиҳатидан ёритилган. Бу олиманинг эпик кўламда фикрлашидан ва тафаккурининг кенглигидан далолатдир.

М.Мирқосимованинг тадқиқотлари ичida “Хозирги адабий жараён” номли ўкув қўлланмаси алоҳида ўрин тутади. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 апрелдаги 177-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган. Унда мустақилликдан кейин нашр этилган барча жанрдаги сара асарлар таҳлилга тортилган ва уларни бугунги кун ўзбек адабиётида тутган ўрни тўғри белгиланган. М.Мирқосимова асарларга бугунги кун тафаккури билан ёндашганлиги, илгари сурган фикрларини матн мисолида асослаши бугунги адабиёт хақида нафақат талабаларда, балки адабиёт билан қизиқувчи барча кишиларда кенг таассурот уйғотади. Кўлланманинг аҳамияти ҳам ана шундадир.

М.Мирқосимова эллик йил умрининг ярмини ўзгаларда ҳавас уйғотиб яшади. Мен уни эллик ёши билан муборакбод этарканман, яна шунча йил эзгу ниятли одамларнинг ҳавасини, ёвуз ниятиларнинг ҳасадини келтириб яшашини яратгандан илтижо қиласман. Аллоҳ эзгулик йўлида меҳнат қилганларга ва ҳаётини шу асосга қурганларга бундай имкониятни албатта беради.

**Ҳакимжон Каримов,**  
филология фанлари доктори, профессор

## МАЬНАВИЙ ЖАСОРАТ СОҲИБАСИ

Орамизда шундай одамлар борки, ўзига хос табиати, феъл-атвори, ҳаётга муносабати билан бошқалардан деярли фарқланмайди. Бирор жиддий ютуқقا эришган ёки мешақатли юмушни уddaлаган тақдирда ҳам бирордан рафбат кутмайди. Буни одатдаги ҳол, деб тушунади. Аслида бу манманлик ҳам, камтарлигу камсукумлик ҳам, борингки, хокисорлик ҳам бўлмай, ўз-ўзига талабчанлик ва масъулият билан ёндашиш натижаси тарзида қабул қилинса ўринли бўлади. Бундай кишилар ўзини тарбиялаб вояга етказган улуғ зотлар ва Ватан олдиғаги фарзандлик бурчига самимий эҳтироми, юксак эътиқоди ва қатъий садоқати билан камолот пиллапояларидан илгарилаб борищдан қониқиши тудилар. Улуғ йўлда нимагаки эришган бўлса, унинг заминида мешақатли меҳнат, тинимсиз изланишлар, ақл-идрок ва устозлар нигоҳи турганлиги ҳаволанишга изн бермайди, аксинча, мэрраларга етаклайди.

Марғубаҳон Мирқосимова хақида гап кетганда, ҳар сафар шу

фикrlар хаёлимдан кечади. Кўп йиллик ҳамкорлигимиз давомида шунга амин бўлдимки, у ўзи учун мушкул пайтларда ҳам бирор марта на ота-онасига суюнди, на “қиличи кескир” устози Н.Худойбергановга орка қилди, ҳар қандай мушқулот ақл-идрок билан ҳал бўлишини қалбан хис этиб фаолият юритди. Профессор Н.Худойбергановнинг илмий раҳбарлигига “70-80 йиллар ўзбек романларининг жанр ва услуб хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясини ёқлаб, И.Султон, М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов, У.Норматов, А.Расулов каби устозлар назарига тушганида Марғубаҳон ёшгина қизалоқ эди. Орадан кўп ўтмай, педагогика фанлари доктори илмий даражасига эришиш унинг юксак истеъдодидан дарак берди.

Низомий номидаги ТДПУнинг “Хозирги ўзбек адабиёти” кафедрасига бошчилик қилиши, Республика Таълим Маркази қошидаги ўзбек адабиёти илмий методик кенгаши раислиги раҳбар сифатидаги фаолиятининг янги қирраларини намоён этди. Лекин у ҳамиша иккита фарзанднинг онаси, ҳар жиҳатдан тўқис оила бекаси эканлиги билан баҳтиёрлигини биринчи навбатда мамнуният билан тилга олади.

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Мирқосимованинг илмий-ижодий фаолиятини шартли равишда З босқичга бўлиш мумкин:

1. Адабиётшунослик соҳасидаги фаолияти.
2. Адабиёт ўқитиш методикаси соҳасидаги фаолияти.
3. Педагогик фаолияти.

Мазкур соҳаларнинг ҳар бири ўзаро фарқланса-да, уларни бирлаштириб турадиган бир нуқта бор. Бу – услубият муаммоси. Зеро, олиманинг адабиётшунослиги адабиёт ўқитиш методистлигига, методистлиги эса педагоглигига ижобий таъсир кўрсатиб келиши бежиз эмас.

Назарий қарашларни амалиётда синаб кўрмасдан ёки амалий ишлардан муайян қонуниятларга қараб бермасдан туриб ҳар қандай илмий изланишнинг муваффақияти, мукаммаллиги тўғрисида сўз юритиб бўлмаслиги ортиқча изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқат эканлигига М.Мирқосимова фаолияти яққол далил бўла олади. Шунинг учун ҳам мақолаларида “методист олим ҳам адабиётшунос, ҳам ўқитувчи бўлиши, ўз илмий фаолиятини таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқликда олиб бориши шарт”, - деган қатъий хulosага келади.

Гап шундаки, О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Хошимов, Ш.Холмирзаев романларининг жанр ва услуб хусусиятлари мисолида адабиёт назариясининг ўзак масалаларига қўл уриши бадиий ижод

қонуниятлари: тил ва услуб, ёзувчи нуқтаи назари ва жанр хусусиятлари, бадиий сюжет ва композиция, характер ва адабий эстетик таҳлил каби назарий масалалар ичига чуқурроқ кириб боришга йўл очди.

“Адабиётни барча даврлариға хос хусусиятларни чуқур ўрганмай туриб, бугунги адабий жараён ҳакида фикр айтиш мушқуллигини қалбдан ҳис этган олима “Кўламдор сўз санъаткори” номли илк мақоласидан тортиб, олий ўкув юртлари учун яратган “Ўзбек адабиёти” ўкув қўлланмасигача, “Жанр ва маҳорат” номли рисоласидан тортиб “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари” номли монографиясигача муаммонинг ечимини топиш учун унинг илдизига назар ташлаганини кузатиш мумкин. Адабий жараёнга шу хилда ёшдашиб “Тошкентнома” достони билан “Мирзо Улуғбек” трагедияси таҳлилга тортилган “Кўламдор сўз санъаткори” мақоласида лирик қаҳрамондаги ватанпарварлик туйғуларининг рангнлиги, кўтаринки ва улуғвор кайфияти шоир шахсиятига хос “ўйчанлик, лирик жўшқинлик, кўламдор мулоҳазакорлик” билан уйғунлиги юзасидан чуқур умумлашма хуносаларга олиб келади, “инсон қалбини англаш учун юрак кечинмаларини чуқур тушунишга” ҳаракат қилишни маслаҳат беради. “Хозирги ўзбек шеъриятининг етакчи тамойиллари” мақоласида истеъдодли шоир Баҳром Рўзимухаммад яратган поэтик кашфиётларнинг анъанавий шаклларга мос тушмаслиги, шоирнинг талай асрлари” гапларнинг грамматик жиҳатдан параллел жойлаштирилиши, риторик тузилиши, мурожаат, хитоб оҳангларини ифодалашга йўналтирилганлиги билан янгича” лигини илмий жиҳатдан асосли далиллайди. “Мумтоз шеърият анъаналари билан умумевропа бадиий тафаккурининг нафис намуналаридан бохабарлиги”ни шоир ижодининг ютуғини таъминлаган омиллардан бири сифатида тўғри эътироф этади. Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Сирожиддин Сайийд, Салим Ашур, Фахриёр каби шоирлар ижоди мисолида истиқлол даври ўзбек шеърияти намуналарида жаҳон адабиётига хос илғор ижодий анъаналарни миллий руҳият рангларига йўғириб ифодалаш ҳам, янгича талқин услуги ва янги шаклий изланишлар, анъанавий услубнинг хилма-хил ифода кўринишлари ҳам мавжудлиги поэтик кашфиёт яратишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтади.

Олиманинг “Сўнгги давр ўзбек достонлари поэтик тафаккурининг ўзига хослиги”, “Ёзувчи Назар Эшонқул ижодига чизгилар”, “Ижодкор шахси ва бадиий услугуб” номли мақолаларида ҳам У.Азим, С.Сайийд, И.Отамурод, Саломат Вафо, Н.Эшонқул каби

турли даражадаги ижодкорлар асарлари хусусида қизгин баҳс-мунозаралар қўзғаш орқали истиқпол даври ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан ўз сўзини айтади: “Ранг-баранг инсоний характерлари, - деб ёзади у, - бадиий тадқиқ қилиш, теран бадиий тасвир, қаҳрамон руҳий олами таҳлили воситасида китобхонга таъсир кўрсатиш каби ижобий сифатлар “Шўро даври адабиёти” қобиқларини ёриб, ҳаётга, инсонга ижтимоий-синфий муносабатда бўлиш талабларини рад этди. Ўзбек насри ижтимоийликдан субъективликка – инсон руҳияти, кўнгил оламига томон эврила борди”.

М.Мирқосимованинг адабиётшуносликка доир изланишлари, адабиёт ўқитиши методикаси соҳасидаги фаолиятини чекламади, аксинча, фикрлаш доирасини кенгайтирди, илмий-методик таҳлил салоҳиятини оширди, таҳлил объектини синчиклаб ўрганишни ўргатди; муаммони тӯғри қўйиш ва таъсирчан ифодалаш йўлларини кўрсатди. Муҳими, соҳага тегишли глобал муаммоларни тадқиқ қилиш услубини шакллантириди.

Олиманинг олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари учун яратган дастур ва дарслеклари, ўқув-методик кўлланма, рисола ва “Халқ таълими”, “Бошлангич таълим”, “Тил ва адабиёт таълими”, “Педагогик таълим”, “Узлуксиз таълим”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар ва “Моҳият”, “Маърифат”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Кўзгу” каби ўнлаб газеталардаги мақолалари фикримиз далилидир.

Олима ўз сухбатларидан бирида профессор К.Йўлдошевнинг илмий-методик асарлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳозирги ўзбек адабиёти методикаси тараққиётига юксак баҳо беради. “Ёш авлодни, - дейди у, - мустакил фикрлайдиган, ностандарт, мураккаб вазиятларда тӯғри ечим топиш йўлида изланадиган қилиб тарбиялаш масаласи – таълим-тарбияни трансакция фалсафаси асосида ташкил этиш foяси ўзбек методикасида илмий талқинини топди.” Аслида бу фикр унинг ўз ижодига ҳам тегишилдири.

М.Мирқосимова олий таълим тизимидағи қарийб 30 йиллик, ўрта мактабларда ўриндошлиқ асосидағи 20 йиллик педагогик фаолияти давомида адабиётдан сабоқлар бериш, илмий-ижодий ишлар билангина шуғулланиб қолмасдан, балки ўзининг foявий-ахлоқий қарашларини ҳам синовдан ўтказиб, ҳақиқат баҳс-у мунозараларда ойдинлашишини амалда намойиш этиб келмоқда.

**Сафо Матчонов,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

## УСЛУБШУНОС

Муаммолар етарлича бўлгани ҳолда, барча соҳаларда ҳар бир даврда муайян масалаларга қизиқиш кучаяди. Адабиётшуносликда ҳам долзарб илмий-назарий муаммолар анчагина бўлгани ҳолда, ўтган асрда “ижодкор услуби” масаласи узоқ муддат дикқат марказида бўлди. Фарбда ҳам, Шарқда ҳам филологлар кўпроқ шу муаммони ўрганишди. Ушбу муаммо файласуф, руҳшуносларнинг ҳам эътиборини тортди. Адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшуносликда илмий-назарий масалаларни кўпроқ ижодкор услуби муаммоси билан боғлаб таҳлил қилиш тамойил тусини олди. Адиб, шоирларнинг услуби хусусидаги мақолалар энг яхши тадқиқот сифатида эътироф этилди. Марғуба Мирқосимова талабалигигидаёқ филология соҳасида юзага келган айни ҳолатни аниқ англади ва тиришқоқ кишиларга хос иш тутиб, ижодкор услуби муаммосини ҳам диплом, ҳам номзодлик ва докторлик диссертацияси иши учун мавзу қилиб олди. У “Улуғбек хазинаси” (О. Ёқубов), “Юлдузли тунлар” (П. Қодиров) романларида ижодкор услуби қандай намоён бўлгани хусусида мақолалар эълон қилди, рисолалар чоп эттирди. Унинг “Шарқ юлдузи”, “Гулистан” сингари журнallаридағи чиқишиларини Норбой Худойберганов, Умарали Норматов сингари адабиётшунослар маъқуллашди.

Устозларининг эътирофи, қўллаб-кувватлаши унга далда бўлди, изланишларга рағбатлантириди. У ўзининг табиатидаги тиришқоқлигини намоён этиб, қисқа фурсатда докторлик диссертациясини ёқлади. Унинг номзодлик диссертацияси филология, докторлик диссертацияси педагогика йўналишида бўлса-да, улар ўртасида мавзу жиҳатидан ўзаро боғлиқлик, узвийлик кўринади. Номзодлик диссертациясида тарихий мавзудаги ўзбек романларида ижодкор услубининг намоён бўлиши тўғрисида сўз юритилган бўлса, докторлик иши адабиёт фанини ўқитиш услубиятига бағишлиланган. Изланишлари марказига шу тарзда ижодкор услуби муаммосини қўйиши М.Мирқосимовани услубшуносга айлантириди.

ХХ асрда ижодкор услубини ўрганишга нега бунчалик эътибор берилди? Нима учун ушбу масала барчани фавқулодда қизиқтириб қўйди? Беихтиёр туғиладиган бу каби саволлар ҳануз жавобсиз қолмоқда. Эҳтимол, ижодкор услубини ўрганишга қизиқиш айни даврда инсон дунёсини англашга интилиш кучайгани билан боғлиқдир. Чунки шоир, адиб, мусаввир, композиторлар дунёкараши, фикрлаш тарзи билан бошқалардан алоҳида ажралиб

туради. Улар, ҳатто, юриш-туриши, кийиниши жиҳатидан ҳам ўзига хос кўринади. Ижод ахли ўзининг ғалати феъл-автори билан барчани қизиқтиргани боис уларнинг шахсий ҳаёти, ижод жараёни доимо сухбату, турфа хил фийбатларга мавзу бўлиб келади. Ижодкор услубини унинг таржимаи ҳоли, феъл-автори билан боғлиқ ҳолда ўрганиш бадиий асар хусусида эмас, инсон табиати тўғрисида ҳам теран тасаввур беради. Фарб адабиётшунослигида Стендаль, Бальзак, Достоевский, Чехов каби адилларнинг асарлари шу асосда таҳлил қилинади ва айни тадқиқотлар худди роман, қисса, ҳикоя сингари мутолаа қилинади.

Бизда эса “ижодкор услуби” деганда адиб, шоирнинг нималарга эътибор қаратгани-ю, асарларидаги жумла қурилиши назарда тутилади. Марғуба Мирқосимова мақолаларида О. Ёкубов, П. Қодиров каби ўзбек адилларининг тарихий мавзудаги романларида ижодкор услубини намоён этадиган жиҳатларга бир оз кенгрок ракурсда қаралади ва бу унинг тадқиқотларига илмий салмоқ бағишланди. Марғуба Мирқосимова муаллифнинг ижодкор сифатидаги оламини очишга интилади. Адабиёт фанини ўқитиш методикаси тўғрисида сўз юритганида эса у ўзининг аник тавсияларини тақдим этади. Тажрибадан ўтган, илмий-назарий жиҳатдан асосланган бу тавсиялар, таъкидлаш жоизки, кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

Айримларнинг назарида “Сифат семеманинг дифференциал семаси реаллаштирилар экан, дифференциал семага мувофик аниқланмиш танлаш, аниқланмишига қўшимча аниқловчи келтириш, у қўлланган гап таркибида маъно очувчи иборалар ёки тасвирлар бериш, антитета тузиш, ўхшатиш қурилмасининг ўхшатиш асоси сифатида танлашдан фойдаланилади” тарзидаги жумлалар “илмий услугуб” намунаси саналади. Ижтимоий-гуманитар соҳалардаги тадқиқотларда бундай услубнинг этalonга айлантирилиши эса илмий мақолаларни мавҳум, зерикарли, тушунарсиз қилиб қўяди. Чунки фалсафа, психология, тарихга оид тадқиқотларни ҳамма ҳам мириқиб мутолаа қилгиси келади. Афсуски, бу соҳалардаги аксарият мақола, китобларни ўқиш кишининг юрагини безиллатади. Чунки улардаги узундан-узун жумлалар шу даражада чалкашки, нима дейилмоқчи эканини асло тушуниб бўлмайди. Аммо эга, кесими турли термин ва бир-бирига боғланмаган пойма-пой сўзлар ўюнида кўринмай кетган гаплардан иборат айни мақолаларни мамнуният билан мақтайдиганлар ҳам борки, уларнинг таъкидлашича, катта фикрлар узун жумлалардан тузиладиган мураккаб услубни тақозо қилас әмиш... Бундай даъволар одамзоднинг ҳар қандай ишни оқлашга ёки қоралашга

сабаб, баҳона топиши, унинг турфа важ-карсонларни тўқишида моҳирлигини эсга солади. Нима дейилмасин, шуниси аниқки, тушунарсиз жумлалар қалаштирилган тадқиқотлар шу соҳанинг мавқеини оширади эмас, туширади. Қизиқишни сўндириб, шу соҳани ўрганишга интилишни сусайтиради. Фалсафа, тилшуносликка оид аксарият ўзбекча мақолаларни ўқиб чиқиш, рости, кўпчиликка малол келади. Уларни минг бир азоб билан ўқигандага ҳам нима дейилмоқчи эканлигини тушунмайсан. Марғуба Мирқосимованинг ижодкор услубини ўрганишга ҳаракат қилиши, адабиёт фанини ўқитиш методикасига доир илмий изланишлар олиб бориши шу жиҳатдан эътиборни тортади.

“Услуб” сўзини илм-фанга термин сифатида ким олиб киргани тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотларда “услуб – бу одам” ибораси Бюффонга тегишлилиги қайд қилинса, айрим адабиётшунослар бошқа ижодкорлар ҳам шундай дейишганини таъкидлашади. Айни фикр анча асосли кўринади. Чунки барча машҳур шоир, адиллар ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услуби мавжудлигини эътироф этишади. Марғуба Мирқосимованинг мақолалари ҳам, педагогик фаолияти ҳам унинг “услубшунос” эканлигини билдириб туради. У адабиётшуносликка оид изланишларида ҳам, педагогика йўналишидаги тадқиқотларида ҳам бир-биридан фарқли бу икки соҳани услубшунос сифатида уйғунлаштиради. Адабиётшунос, педагог олиманинг ушбу ўзига хослиги унинг илмий изланишларида эмас, ҳаёт тарзида ҳам аниқ билинади. Марғуба Мирқосимова оила даврасида ҳам, ҳамкасабалари билан мулоқотда ҳам ўз қарashi билан алоҳида ажралиб туради. Унинг мақолаларидаги ўзига хос мураккаб ифода услуби сўзлашиб тарзи, анжуманлардаги чиқиши, маърузаларида ҳам яққол сезилади. Бу Марғуба Мирқосимованинг услубшунос экани, у танланган мавзусига сидқидилдан берилганидан далолат беради.

**Абдулла Улуғов,**  
филология фанлари номзоди,  
ЎзМУ доценти

## **МАРГУБ ТАЛҚИНЛАР СОҲИБАСИ**

Адабий ижодга, бу бетўхтам жараёнга, бадиий намунага, унинг мақсад-моҳиятига муносабатнинг шаклу шамойили ниҳоятда кўп. Тадқиқ усулларининг ранг-баранглиги, илмий миқёсларнинг кенглиги фанларда матлуб ва табиий бир ҳолдир.

Аммо ният ила изланиш – холис, нуқтаи назар – беғубор, ўлчову мезонлар – ҳалол бўлмаса, ҳар қандай муаммога исталган йўсиндаги ёндашувда натижалар илмий қадр-қиммат касб этмайди. Яашашда дунёни ўз қаричи билан ўлчашдек башарга хос хатокорлик муайян илмларда ҳам, жумладан, ижод масалаларига қаратилган илмларда панд бермоғи ҳеч гап эмас. Фақат соф тафаккур, очиқ қалб эгаларининггина илмий муносабат тарзларию донишона “қарич”ларигина асл ва ҳаққоний ўлчовларга мувофиқ келмоғи мумкин.

Негаки, ҳар турли масалага ҳар зайл ёндашувда ҳақ эътиқод таълимотлари, умуминсоний қадриятлар, барқарор қонуният ҳамда қоидалар, ҳақгўйлик масъулияти доимо уларнинг ўзлигидан-да устун мавқеда туради. Айни олий мезонлар улар шахсиятларини бошқариб боради, шаънларини муҳофазалайди. Бундай асослар заминида эришилган илмий натижалар эса соҳа моҳиятига тароват бағишлаб туради. Эзгуликни кенг ёяди.

Сўз санъатининг ўзида бўлгани сингари адабий-назарий тафакурга доҳилликда ҳам тўғри таҳлил, ишончли далил, манзур талқин, событ қарашлар ва оқил баҳолаш, бир сўз билан айтганда, ўз овозинг, ўз сўзинг, бетакрор услубинг тақозо этилади. Адабий ижод оламидаги каби бунда ҳам саёз тааммуллар, сунъий олқишиловлар, номуносиб ташвиқ ва ўртамиёна кузатув хуш кўрилмайди. Адабиётшуносликнинг ўткинчи адабий эпкинларга алданмаслик, ноқисликни хаспўшламаслик, зиёда мадҳ этмаслик сингари яна ўнлаб масъулиятталаб шартлари бор. Чинакам адабиётни шахс-ижодкорлар вужудга келтиради. Худди шундай, адабиёт илмларини ҳам ҳар даврнинг ўз шахс-олимлари заҳмат илиа ҳосил қиласди.

Адабиётшуносликнинг қатор муаммолари тадқиқида серфазилат илмий салоҳияти билан танилган, ўз илмий овози, теран назарий ва услубий қарашлари билан адабий, илмий жамоатчилик эътироғидаги олимлардан бири профессор Марғубаҳон Мирқосимовадир.

М.Мирқосимованинг илмий фаолияти икки йўналишнинг уйғунлигига - адабиётшунослик билан услубиётнинг бирикуvida намоён бўлади. Бу икки жиҳат бир-бирини тўлдириб, илмий

мувозанатни вужудга келтиради. Зеро, адабий-назарий карашларнинг ҳаққоний юзага чиқмоғини у адабий таълим учун ҳам нечоғлик самара беришини чуқур идрок этади. М. Мирқосимова ўзининг услубиётчи олима сифатида олиб борган илмий тадқиқотларида асосий эътиборни бадиий асарни таҳлил қилишнинг энг мақбул усуулларига қаратади. Буни олиманинг турли даврларда чоп этилган “Давр талаби: изланиш, ижодкорлик”, Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари” каби кўлланмалари ва “Бадиий асар таҳлили” каби монографияси мисолида кўришимиз мумкин.

Олиманинг таҳлил усуулларига оид назарий қарашлари адабиётшунос сифатидаги изланишларида ўзининг амалий ифодасини топмокда. Шу жиҳатдан олиманинг сўнгги давр ўзбек адабиётидаги ижодий изланишларига оид, айниқса, ўзбек насли ва шеъриятида кечәётган янгиланиш жараёнларини тадқик этувчи теран тадқиқотлари характерлидир. Айниқса, “Хозирги адабий жараён”, “Жанр ва маҳорат” каби рисолаларидағи кузатишлар илмий салоҳиятининг кўламдорлиги билан диққатга сазовор.

Олима “Хозирги ўзбек шеъриягининг тараққиёт тамойиллари” номли мақоласида бугунги шеъриятга хос етакчи тамойилларни, янгиланиш жараёнларини равshan тавсифлаб беради. Сўнгги давр шеъриятида анъанавий тасвир усууллари билан бирга унга сифишимайдиган Р. Парфи, Б. Рўзимуҳаммад, И. Отамурод каби шоирлар шеърларидағи тасвирнинг ўзига хослиги, оригинал ва ноанъанавийлиги синчков нигоҳ билан идрок этилади, талқин килинади.

Хусусан, Б. Рўзимуҳаммад шеъриятида ҳаёт ва инсон ҳақидаги мазмуннинг ўзига хос тарзда ифода этилганлиги аниқ-тиник таҳлиллар билан кўрсатилади. Шоирнинг “Соялар сұхбати” шеърида эса поэтик мазмуннинг рамзий тимсол – соя образи орқали намоён бўлиши ишонарли таҳлиллар билан асосланган. Жумладан, шеърдаги иккита рангиз соянинг ўтган маънисиз умр эканлиги, сариқ соя эса инсон умри ниҳояси – қарилек чоғида ўз умрини сарҳисоб қилиб, ўз умри устидан чиқарилган ҳукм-холосаси эканлиги ва бу жараён шеърда шоир томонидан “ранг-образ ва ранг-рамз”дан моҳирлик билан фойдаланиш асосида намоён бўлиши илмий асосланганлиги билан характерлидир.

Олима ўз изланишларида бугунги ўзбек шеъриягининг етакчи тамойилларини белгилар экан, уни кечаги кун билан қиёслаб, керакли холосаларга келади. Масалан, истиклолгача бўлган шеъриятда асосий эътибор кўпроқ лирик қаҳрамон туйғуларини акс эттиришга, шу орқали унинг қалб кечинмалари, ҳис-

туйғуларини англашга интилган бўлса, бугунги шеърият ушбу анъанавий"...шакл ва услуб чегараларидан қалқиб чиқиб, асосий эътиборни турфа хил манзаралар тасвирига қаратмоқда".

Муносиб далилланган ва мамнуният билан эътироф этилган янгича адабий-эстетик тенденция хусусидаги ўз фикрларини Марғубаҳон қуидагича ҳаққоний холосалайди:

"...Лирик қаҳрамон нигоҳи қадалган манзара қатига яширган маъноларни эса китобхон ўз тафаккур туйғулари, бадиий-эстетик идроки ва фаҳми орқали англаб олиши мумкин. Бу хусусият шеъриятнинг сирли-сехрли ва ранг-баранг инсон оламини шоир ёки лирик қаҳрамон қандай англаётганлигини тасвирлашдан ўша бетакрор инсонларнинг турфа идроклари-ю ҳис-туйғуларига, кўнгилларига ўзлари йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англатиш томон қадам ташланганлигидан далолат беради..."

Олима фикрича, лирик қаҳрамон нигоҳларида акс этаётган турфа манзараларни китобхон ўз тафаккури, бадиий-эстетик идроки орқали турлича англайди ва мулоҳаза қиласди. Ушбу кузатишлардан келиб чиқиб, у бугунги ўзбек шеъриятининг муҳим ижодий-эстетик тамойилларини қуидагича белгилайди:

- ўзбек классик шеърияти ва ҳалқ оғзаки ижоди анъаналарини давом эттириб, ижтимоий-фалсафий маънолар ташувчи бадиий умумлашмалар яратиш тамойили. Ҳ. Худойбердиева, З. Мўминова каби шоиралар ижодида фаол қўлланилаётган "остона", "буюклиқ", "ягоналик" каби анъанавий тимсолларнинг янги поэтик мазмун билан бойитилаётганини олима асосий тамойиллардан бири сифатида кўрадики, бу ўринлидир.

- бугунги ўзбек шеъриятида поэтик нутқ шаклининг ҳалқ ижодига хос бўлган рамзлар, поэтик кўчимлар, жарангли иборалар билан бойиб бораётганлиги. Шоирларнинг поэтик нутқ шаклларидан моҳирлик билан фойдаланиб, ўз ички "мен"ининг руҳиятини таъсирчан ифодалаш асосий тамойиллардан бири экани Ҳ. Худойбердиева ва У. Азимовнинг монолог руҳидаги шеърлари таҳлили орқали кўрсатилади.

Марғубаҳоннинг кузатишларида бугунги ўзбек модерн шеърияти ҳам етакчи тамойиллардан бири сифатида эътироф этилади. Унинг фикрига кўра, модерн йўналишидаги шеърлар XXI аср китобхонининг маънавий, руҳий эҳтиёжларига монанд равишда юзага келди. У инсон руҳий ҳолатини тафтиш қилувчи, ўзлигини, "мен"ини кашф этишга қаратилган йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

М. Мирқосимова факат шеърият эмас, балки бошқа жанрларга

оид илмий кузатишларида ҳам событ, залворли хулосаларни илгари суради. "Жанр ва маҳорат" номли рисоласидаги "Сўнгги давр ўзбек достонларида поэтик тафаккурининг ўзига хослиги", "Ҳикояда шахс фожиаси талқини", "Қиссачилик уфқлари" каби кузатишлари кўп жиҳатдан эътиборга лойиқ. Хусусан, Икром Отамуроднинг "Ёбондаги ёлғиз дараҳт" достонидаги шаклий изланишлар – сўз ва сўз бирималарига юкланган поэтик маъноларнинг кучайиши қатор таҳлиллар билан асосланилган. Мақолада И. Отамурод достонлари таҳлилга тортилар экан, унинг ижодига хос етакчи хусусият – марказда шоир "кўнгул" и туриши, унинг поэтик тимсолини яратишида "ичкари" ва "ташқари"нинг жой алмашиниб намоён бўлиш тасвирлари етакчилиги ишонарли таҳлиллар билан кўрсатилади.

Инсон онги-шуури, мушоҳадаси ва ҳаёт тарзидаги бугунга хос янгиланишларнинг адабиётда ҳам ўзига хос кўринишларга омил бўлганлигини таъкидлар экан, олима ҳозирги ўзбек насли, хусусан, ўзбек ҳикоясининг янгича жанрий хусусиятларини шундай изоҳлади:

"Бадиий тафаккурда юз бераётган ўзгаришлар ҳикоя тарзига мутлақо янги ислоҳлар киритди. Бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш имкони кўпайди. Натижада батафсил тасвир, баён, ҳажмнинг ортиши кузатилди. Ҳикоя сюжети ва тўқимасини воқеа-ҳодисалар эмас, балки тимсоллар, рамзлар, ташбеҳлар ташкил эта бошлади. Муайян оҳанг, ритмлар уйғуналиги воситаси билан кайфият уйғотувчи-мусиқа асаларига монанд ҳикоялар яратила бошлангани ўзбек реалистик насли, бинобарин, ўзбек ҳикоячилиги учун янги ҳодисадир..."

Ҳар қайси даврнинг ўз ижод жараёни, адабий-маърифий вазифалари, ижтимоий-эстетик, таълимий, тарбиявий масалалари бўлади. Муаммоларнинг ечимлари, оқилона йўриклиари ибратли изланишларни, салоҳиятли ва ишончли тадқиқларни тақозо этади. Шунингдек, соҳаларнинг келажақдаги тўғри тараққииси учун қувватбахш адабий-назарий, услубий-методик ғоялар, қарашлар мажмунини яратиш, мустаҳкам тажрибаларни барпо килиш, шогирд-издошлар мактабларини вужудга келтириш барча даврларда муҳим талаблардандир.

Бу каби табиий, умумий қоидалар илму маърифат аҳлига улкан масъулияtlар юклайди. Инсон ўз табиати, руҳиятида асл эътиқодга хос нодир сифатларни мужассам эта олмаса, серқирра шижаот, доимий фаоллик ва фидоийлик кўрсатмаса, чинакам мақсадга мувофиқлик юзага чиқмайди. Содир этилган жамики нарсалар – сўзу ҳаракатлар, ифода-ю муносабатлар, инчунун, илму таълимлар

ҳам амал саналар экан, ҳамма амалларга солиҳлик бағишилаш илм ахлиниңг юксак мұндаосидир.

Айни юксак мақомни орзулаң вә ҳаётининг шиори қилиб яшаётган Марғубаҳон Мирқосимова салоҳиятида шу мақсаднинг ўзига мувоғиқ заҳматкашликнинг, солиҳликнинг, қатор ибратли фазилатларнинг уйғун тажассуми бор. Олима ҳозирда айни илмий-ижодий камолот давридадыр. Күп жабҳали фаолиятининг олимага янада баркамол ютуқлар келтиришини, зафарларининг узоқ йиллар бардавом бўлишини тилаймиз.

**Курдош Қахрамонов**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Тоҳир Шермуродов**  
филология фанлари номзоди

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Сермазмун умри давомида ҳам адабиётшунос, ҳам методист олима сифатида ўз сўзи, қараашларига эга бўлган, яратган асарлари билан фанимизга муносиб хисса кўшиб келаётган Марғуба Мирқосимова бугун 50 ёшни қаршиламоқда.

Инсон камолотида у тарбия топган мұхитнинг аҳамияти катта. Яхши оила мұхити боланинг ҳар томонлама етук бўлиб шаклланиши учун асосий пойдевор вазифасини ўтайди. Марғуба Мирқосимова ана шундай оиласда, илмий мұхитда тарбия топган, ёшлиқдан адабиётга меҳр кўйган. Шу боис, олима ҳамиша ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, гўзаллик оламига олиб кириш йўллари, самарали метод ва усууллар ҳақида ўйлади, изланади.

Марғуба Мирқосимованинг “Ўрта мактабларда драматик асарларни ўрганиш” китобида машҳур адібимиз Мақсуд Шайхзоданинг “Тошкентнома” достони қамровли таҳлил қилинган. Олима қўйидагиларни таъкидлайди: “Шоир вужудининг бир бўлаги – кўнгли орқали унинг ўзбек халқига, жаннатмакон юртга бўлган меҳр-у мұхаббати, ҳайрат-у ҳавасини ҳис қиласиз. “Тошкентнома” сўз санъаткори Шайхзодага хос ўйчанлик, лирик жўшқинлик, кўламдор мулоҳазакорлик каби хусусиятларни намоён этибгина қолмай, унинг ватанпарварлик туйғулари нечоғли рангин, кўтаринки ва улуғвор эканлигини ҳам англатади”<sup>10</sup>.

Олима асарларида шу тариқа ижодкор феноменини англаш

10. Мирқосимова М. Ўрта мактабларда драматик асарларни ўрганиш. Тошкент, 1993.

муаммоси тадқиқига алоҳида диққат қаратилади. Чўлпон, У.Носир, Шайхзода, Қаххор, Зулфия каби сўз санъаткорлари қатори замонавий ўзбек шеъриятининг Баҳром Рӯзимуҳаммад, Ҳалима Ҳудойбердиева каби ижодкорлари шеъриятидаги поэтик нутқнинг ўзига хослиги, ўзбек шеъриятида ранг билан боғлик рамзий образларнинг яратилиши ҳақидаги таҳлиллар орқали ҳар бирининг ўзига ҳос услуби, ижодий қиёфасининг ўзаги сифатида ўрганилган.

Мустақиллик даври ўзбек шеъриятига ҳос хусусиятлар адабиётшунос олима томонидан қўйидагича изоҳланади: “Мустақиллик даври ўзбек шеъриятига ҳос хусусият: руҳий таҳлилнинг теранлиги; асарга ҳос поэтик тафаккур тарзининг сероҳанглиги; воқеаларнинг анъанавий реалистик асарлардан фарқли ҳаётий манзараларда гавдалантириш; ҳодисалар, кечинмалар “мен” орқали ҳис қилиниши янгилик сифатида қабул қилинди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу хусусият реалистик тасвир услуби бағрида юзага келган “янгилик” сифатида эътироф этилаётган “ўзбек модерн шеърияти” алоҳида ва ўзига ҳос эстетик тамоийл сифатида юзага келганлиги ҳамда ривожланаётганлигини асослайди”.

Шеърий асарлар ҳақида фикр юритилар экан олима ҳам адабиётшунос, ҳам методист сифатида фикр юритади: “...ҳар қандай шеър шоирнинг безовта, эҳтиросли, дардчан қалбининг туғёни, ҳосиласи сифатида дунёга келади, ҳаёт ҳақиқатининг бетакрор қирраларини сермањо образлар орқали ҳиссий идрок этишга, инсон руҳини поклашга, чукур ва кенг миқёсли мушоҳада юритишга йўллайди”<sup>11</sup>. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик зарурки, айрим ўқувчилар кўпинча шеърий асарга нисбатан олдиндан, ҳали уни ўқимасдан туриб субъектив ёки локайд муносабатда бўладилар. “Шеърият инсоннинг фикр-ўйларини, ҳис-туйғулари, олам гўзалликларига муносабатини бадиий тарзда яратади, кўз ўнгимиизда бадиий сўз орқали жонлантиради”<sup>12</sup>.

Ўқитувчи бадиий асар таҳлилига йўналтирилган дарс соатларида ижодкор қиёфасини чукур англатишга, ўзига ҳос услубда яратилган бадиий олами ичига ўқувчиларни олиб киролса, уларнинг бадиий идроки чукурлашиб асарнинг маҳорат билан яратилганлик сирларини “кашф этишларига” эришилади, - деб ҳисоблайди олима.

Ўзбек достонларидаги поэтик тафаккурнинг ўзига хослиги

11. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун кулланма). - Т.: РЎММ, 1993. - 40-б.

12. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. - Тошкент: “Фан”, 2006. – 14-б.

олима томонидан сўнгги йилларда яратилган достонлар таҳлили мисолида очиб берилса, бугунги кун қиссалари Назар Эшонқул ижоди мисолида ёритиб берилган. Қиссачиликда руҳият тасвири ва пейзаж тасвиридан фойдаланишдаги адиллари маҳорати чиройли мисоллар билан асослаб бериладики, олиманинг кузатишларидан беихтиёр таъсиранамиз.

Марғуба Мирқосимова 1995 йил май ойида “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуслари” мавзууда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. “Бадиий таҳлил усуслари”, “Адабий таҳлил методикаси”, “Мактабда саҳна асарларини ўрганиш”, “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари” номли монографиялари эълон қилинган. Бу асарлар бизга олима Марғуба Мирқосимованинг методист сифатидаги фаолияти қирраларини ёрқин намоён этади. Бадиий асар тилини ўрганиш, шеърни таҳлил қилиш жараёнида унинг тил хусусиятларига эътибор бериш, лирик ифоданинг таъсирчанлигини оширишда шеърий санъатлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида урғу берилган.

М.Мирқосимованинг методика соҳасида олиб борган ишларининг аксарият қисми бадиий таҳлил билан боғлиқдир. “Биз ўз тажрибамиз ва илмий кузатишларимизга асосланган ҳолда бадиий асарлар таҳлили адабий жанр талаблари асосида қуий ва юқори синфларда шакл жиҳатдан фарқли, аммо мазмуни ва мақсадига кўра тадрижий кўринишда: аввал оддийроқ, сўнгра мураккаброқ усусларни кўллаш тарзида ташкил этилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, қуий синфларда адабий таҳлил жараёни: а) асарни ифодали ўқишига ўқувчиларни ўргатиш; б) асарнинг ғоясини белгилаш ва мазмунини баён этиш; в) етакчи қаҳрамонларга тавсиф бериш ва уларнинг асар бадиий тўқимасида тутган ўрнини, бадиий қимматини ёритишга эришиш; г) хилма-хил асарларни жанр жиҳатидан фарқлашга доир назарий тушунчаларни сингдириш; д) асардан олган таассуротларига таянган ҳолда ўқувчиларни унинг бадиий қимматини белгилашга ўргатишни қамраб олиши лозим”лиги<sup>13</sup> ҳақидаги фикрлари бугунги кун адабий таълим амалиётида ўз натижасини кўрсатди, дейишимиз мумкин.

М.Мирқосимова талabalарнинг касбий тайёргарлигини ошириш масалаларига алоҳида дикқатни қаратади, зарур кўрсатмаларни беради: “Мустақил ижодий изланишлар чоғида

13. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талabalар учун кўлланма). - Т.: РЎММ, 1993. - 5-6.

ўкувчилар ўзаро мuloқотда бўладилар, тадқиқотлари юзасидан ўқитувчига саволлар билан мурожаат этадилар. Ўқитувчи уларнинг мустақил ижодий изланишлари қай йўсинда кетаётганилигидан хабардор бўлади, зарур маслаҳатлар беради, ўқувчилар фаолиятини бошқаради. Белгиланган муддат яқинлашган сайин ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлари ҳам якунланиб боради. Ўқитувчи уларнинг мустақил мулоҳазалари билан танишиб, зарур ўринларни тўлдиради, якуний машғулотни ташкил этади”<sup>14</sup>.

Булардан ташқари, Марғуба Мирқосимова ўз тажрибаларига таяниб, ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид ўқувчиларнинг маърузалари, айрим асарлар юзасидан реферат ишлари ташкил этишга оид қатор методик тавсиялар яратган.

Ўқитувчи мустақил ижодий тадқиқот олиб бориша чоғида ўқувчилар нималарга аҳамият беришлари лозимлигини кўзда тутиб, зарур маслаҳатлар бериши лозим. Марғуба Мирқосимованинг фикрича, бу маслаҳатлар қўйидагилардан иборат бўлади:

1. Ижодкор ҳаётига оид маълумотлар билан танишишда тарихий шароит ва ўша даврдаги адабий муҳитга эътиборни қаратиш.

2. Ёзувчи яратган асарда замонасининг қандай долзарб ижтимоий-маънавий масалалари акс этган ва уларга нисбатан ижодкор муносабатини белгилаш.

3. Ёзувчи бадиий маҳоратига бадиийлик ва ҳаққонийлик талаблари асосида баҳо беришда хилма-хил асарларни қиёсий ўрганиш.

4. Ижодкор услубининг шаклланишига таъсир этган адабий анъаналар, ижодий таъсир ва шахсий изланишлар аҳамиятига эътибор бериш.

5. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ёритувчи адабиётлардан (ўқитувчининг тавсиясига кўра) фойдаланиш<sup>15</sup>.

“Мустақил ижодий изланишлар чоғида ўқувчилар ўзаро мuloқотда бўладилар, тадқиқотлари юзасидан ўқитувчига саволлар билан мурожаат этадилар. Ўқитувчи уларнинг мустақил ижодий изланишлари қай йўсинда кетаётганилигидан хабардор бўлади, зарур маслаҳатлар беради, ўқувчилар фаолиятини бошқаради. Белгиланган муддат яқинлашган сайин ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлари ҳам якунланиб боради. Ўқитувчи уларнинг мустақил мулоҳазалари билан танишиб, зарур

14. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун кўлланма). - Т.: РУММ, 1993. - 27-б.

15. Мирқосимова М. Номи кўрсатилган асар. - 26-27- бетлар.

ўринларни тўлдиради, якуний машғулотни ташкил этади”<sup>16</sup>.

Хуллас, машғулотдан ташқари китоб ўқиш дақиқалари ўқувчиларда ўқишга бўлган эҳтиёжни, ҳавасни, қизиқиши тарбиялаши ва шакллантириши ҳамда ўқилганлар юзасидан ўйлаш, муаллиф бу ерда кўтарган асосий муаммоларни англаб етиш, китобдан талай хаётий мухим саволларга жавоб излаш малакаларини ҳосил қилиши керак.

Олиманинг республика матбуотидаги чиқишлиари, “Маърифат” газетаси мухбири билан “Адабий сұхбатлар”идан унинг илк устозлари, илмга кириб келиши, оима сифатидаги қарашлари, аёлнинг илмдаги ва оиласидаги ўрни, бурчи, вазифалари ҳақидаги фикрларининг гувоҳи бўламиз. Бу фикрлар инсонга нафақат маънавий озуқа беради, балки ҳар биримизни ибрат олишга чорлайди. Олиманинг айрим фикрларини келтириб ўтамиз: “...аёл ўз оиласини, фарзандларини чин дилдан севса, оиласига меҳрли бўлса, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга куч-қувват топа олади. Ахир, Ватан ҳам ўз оиласидан бошланади-ку?”<sup>17</sup>. Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файз киритадиган, хонадонимизни меҳр-муҳабbat, нафосат ва эзгулик нури билан мунаvvар қиладиган зотлар аслида, аёлларимиздир. Устозимиз Марғуба опа ҳам ана шундай аёллардан бири. Президентимизнинг “Фарзандлар камоли йўлида умрини, куч-қувватини, ҳузур-ҳаловатини сарф этиб, ўз оромидан кечиб, фидойилик қила олишлик-бу ўзбек аёлига хос фазилатдир”, - деган фикрларини профессор Марғуба Мирқосимованинг ҳаётида яққол кўришимиз мумкин. Олиманинг ушбу фикрлари бунинг исботидир:

“Танимизнинг соғлигига, ҳаётимизнинг осудалигию, тинчлигимизга шукр қиласилик, оздир-кўпdir Оллоҳ насиб этган рисқимизга, фарзандларимиз борлигига, оиласиз омонлигига шукроналик билан яшайлик. Бу бири кам дунёда қайси инсон ҳамма нарсага эга бўлибдики, охир-оқибат у бўлди, етади, қолгани мен учун ортиқча, дебди. Хом сут эмган бандаси қачон Ҳақни танийди, қачон эркаклар ўз ўринларини эгаллаб, аёллар оиласига, фарзандлари бағрига қайтади? Қачонки, аёллар сабрли бўлишга, шукр қилиб яшашга эришсалар, оила бошлигининг ҳалол топиб келган битта нонини бошларига кўтариб, қадрлаб ейишни билсалар, кўз ёш тўкмайдилар. Бор имкониятларини оиласига, фарзанд тарбиясига бағишиласалар яхши инсонлар кўпаяди”<sup>18</sup>.

Марғуба Мирқосимованинг нафақат илмий фаолиятига балки

16. Мирқосимова М. Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси (Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун кўйлланма). - Т.: РЎММ, 1993. - 27-б.

17. “Маърифат” газетаси. 2000 йил 1 июль.

18. “Маърифат” газетаси. 2000 йил 1 июль

оиладаги фаолиятига ҳам ҳавас құлса арзиди. Олима баҳтли оила соҳибаси, иккі фарзанднинг камолини күраётган тенгсиз, бебаҳо она!

Марғуба опанинг шогирдлар даврасида устозлигига, уларга бўлган меҳрига ҳавас қиласиз, талабчанлигига тан берасиз. Айниқса, устознинг вақтдан ўта унумли фойдаланишлари кишини хайратга солади. Мен ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасига янги келган вақтларим доцент Раъно опа Абдулаҳатова: “Қизим, вақтни тежашни устозингиз Мирқосимовадан ўрганинг, шунда илмий ишингизни тезроқ яқунлайсиз!” - деганлар. Ҳақиқатан ҳам Марғуба опанинг илмий фаолиятига назар солсак 25 ёшида филология фанлари номзоди, 35 ёшида педагогика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлганларки, бу олиманинг вақтдан унумли фойдаланиши натижасидир.

Мен ҳам бугун Марғуба Мирқосимованинг тўнғич шогирдларидан бири сифатида айтаман: шу университет даргоҳига келишимдан бошлаб, эришган барча ютуқларимда сизнинг хиссангиз катта. Бугун сизнинг шогирдларингиз сафи кенгаймоқда, сизнинг ниятларингиз амалга ошмоқда.

Сизни ярим асрлик умрингизни мақтанса арзигулик ютуклар билан жилоланган кунда қутлаб, умрингиз ва ижодингиз янада баракали бўлишини тилаб қоламан. Сўзимни эса севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисралари илиа яқунлайман:

Сен шундок азиз зот, азиз муаллим,  
Рост айтсам ўзингсан энг аввал даҳо.  
Сен ҳаёт ганжида дуру бебаҳо,  
Улуғ айёмингда шеърий қалом бу,  
Шогирдлар номидан кутлуг қалом бу!

**Роза Ниёзметова,**  
педагогика фанлари доктори

## **МОҲИР МЕТОДИСТ ОЛИМА**

Мен Марғубаҳонни таниганимдан бери уни яхши ўқитувчи, моҳир мураббий, ажойиб инсон сифатида биламан. Марғуба аёл сифатида ниҳоятда келишган, гўзал, қалби ҳассос, диди баланд. Унинг илмий-методик ишлари ҳам шунга муносиб. Уларнинг барчаси ўзбек адабиётини ўқитиш борасида энг сара ва янги фикрлардан иборат. Марғубаҳон бу соҳадаги энг ўзак масалаларни танлаб олган - адабий таҳлил борасида узлуксиз изланишларни амалга оширмоқда. У шу соҳага алоҳида қизиқиш

билдириб келаётган методист олимадир.

Олиманинг бошқа асарларини гапирмаганда ҳам, “Ўкувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари”<sup>19</sup> китобини методика илмидаги энг сўнгги ютуклардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Унда муаллиф ўкувчиларни адабий таҳлилга ўргатиш бир босқичдагина амалга ошириб бўладиган иш бўлмасдан, унга узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида ёндошилганидагина тегишли самара бериши мумкинлиги ишонарли далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Бадиий асар таҳлили малакасини бошланғич синфларданоқ шакллантириш кераклиги ҳақидаги назарий қарашлари дикқатга сазовор. Бу ҳақда оима шундай ёзади:

“Дастур талабига кўра V–VII синфларда адабий материални ўрганиш жараёнида ўқувчининг тўғри, тез, равон ўқиши малакасини ҳосил қилишга, оғзаки ва ёзма нутқини, боғланишли нутқини ривожлантиришга, сўзларни қўллаш, сўз маъносини, унинг товуш хусусиятларини ўрганиш; жумлалар ва гаплар тузиш воситасида ўз мулоҳазаларини мантиқий изчиллиқда, тасвирий ифодалардан фойдаланиб баён этиш; асарни қайта ҳикоялаш, ўқувчини кузатган ҳодисалари ёки расмлар воситасида мустақил ҳикоя тўкишга ўргатиш лозим. Натижада, бошланғич синф ўқувчисида адабий материални ўқиб ўрганиш, унинг мазмунини ўзлаштириш, китоб устида ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Таянч синфларда эса бундай кўникмаларни янада ривожлантириш заминида адабий асарнинг қурилишини ўрганиш, бадиий образ моҳиятини англаш, эстетик дидни тарбиялашга эътибор қаратилади”<sup>20</sup>.

Англашиладики, ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришнинг илмий-методик асосларини тайин этиш, бу муаммони илмий-методик жиҳатдан тўғри ҳал этиш босқичмабосқич амалга оширилиши лозим.

Бадиий асар таҳлили ёзувчи маҳоратини ўрганиш муаммоларини ҳам ўз ичига олиши ушбу китобда Абдулла Қаҳдор, Атоий, Алишер Навоий ижоди намуналари таҳлилига оид тавсиялар мисолида ёритилганки, шубҳасиз олиманинг ушбу тавсия-ю, хулосалари адабий таълим самарарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабий-назарий тушунчаларни ўрганишда изчилликнинг ўрни ва ахамияти ҳам китобда ўринли ёритилган. Умумий ўрта таълим

19. М.Мирқосимова. Ўкувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш асослари. - Тошкент, Фан, 2006.

20. Ўша китоб, 3-бет.

мактабларининг 5-9-синфлари адабиёт дарслари давомида ўрганиладиган адабий-назарий тушунчалар асарлар таҳлилига боғлаб ўзлаштирилиши, яхши самара бериши қатор дарс ишланмалари мисолида асослаб ёритилган.

Мазкур китоб илк марта академик лицей ва касб-хунар коллежларидағи адабий таълим муаммоларига дахлдорлиги билан ҳам эътиборлидир.

Мен Марғубаҳон билан жуда кўп илмий-амалий семинарларда, дарс машғулотларида, талаба ва ўқувчилар, ўқитувчи ва мураббийлар даврасида, учрашувларда иштирок этганман. Унинг мантиққа тўла мулоҳазаларини таъсирчан тарзда бошқаларга етказиши, бутун тингловчиларнинг унга маҳлиё бўлиб қолгандарини, адабий ҳодисалар таҳлилидан улар тўла қаноат ҳосил қилгандарини порлаб турган кўзларидан, эътирофга тўла сўзларидан англаганман. Айниқса, олиманинг факультет ва университет миқёсида ўтказилган тадбирлардаги маъruzалари, ёзувчи ва шоирлар билан бўлиб ўтган ижодий учрашувлардаги чиқишлари кўпчиликнинг эътиборини қозонгандигини эслаш мумкин .

Марғубаҳоннинг синфдан ташқари ишларни ташкил этиш, мустақил таълимни уюштиришга оид илмий кузатишлари, мулоҳазалари ҳам дикқатга сазовор. Олиманинг бундан кейинги илмий-ижодий ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Туйғуной Ниязметова,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

## ШОГИРДЛИК ЭҲТИРОМИ

Марғуба опа деганда, дафъатан кўз олдимизга турфа чечаклар билан зийнатланган чаманзор келади. Бу гулзорнинг номи “Адабиёт” деб аталган бўлиб, илм ва маърифатнинг муаттар бўйлари билан оролангандир. Марғуба опа – устоз, Марғуба опа – адабиётшунос, Марғуба опа-педагог оима, Марғуба опа-кафедра мудири, ёшларнинг ғамхўри, фарзандларига меҳрибон она, суюкли ёр, гўзал аёл, катталарга сингил, кичикларга эса опа...

Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин. Талабалик йилларимда Марғуба опа бизга “Адабиёт ўқитиши методикаси” фанидан сабоқ берганлар. Барча курсдошларим қатори уларнинг дарсларини жон қулогимиз билан тинглаб, ҳар бир сабоқни интиқлиқ билан кутар эдик...

Не баҳтки, улар билан шогирд ва ҳамкасб сифатида бирга ишлаш насиб этди. Марғуба опани жамоада ҳамма ҳурмат қиласи ва яхши кўради. Чунки улар ҳамманинг кўнглини топа оладилар.

Файратли олима сифатида адабиётшунослик ва педагогика соҳасидаги илмий ишлари анча салмоқли, Марғуба Мирқосимованинг шу пайтгача юзлаб мақолалари республикада ва хорижда нашр этилган. У адабиётшунослик ва педагогика фанларига тааллукли муаммоларни ёндош тадқиқ этиб, салмоқли хулосалар яратган, адабий таҳлил борасида узлуксиз изланишларни амалга ошираётган таникли олималардан ҳисобланади. “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари”, “Жанр ва маҳорат”, “Хозирги адабий жараён”, “Бадиий асар таҳлили” сингари китоблари адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари ва педагогиканинг адабий таҳлил каби ўзак муаммоларига бағишлиланган. Олиманинг ютуғи шундаки, у ҳам шеъриятни ҳам насрни яхши тушунади, ҳис этади. Унинг таҳлилларида фалсафийлик ва теранлик уйғунлашиб кетади ва беихтиёр ана шу тавсифлар ичига кириб кетамиз: “Жийда гулининг ифоридан маст ҳолдаги лирик қаҳрамон тасвирланади... Бундай одамлар фақат ейиш-ичиш, ғами билан умр ўтказадилар, уларни боларининг машақкатли меҳнати натижаси эмас, ўз жонининг ҳузур-ҳаловатининг бехавотирлиги қизиқтиради”<sup>21</sup>.

Баҳром Рӯзимуҳаммад шеърлари таҳлилидан келтирилган юқоридаги парчада нафсга қўл одамларнинг нақадар майда, ҳатто боларичалик ҳалққа нафи йўклиги, ҳар бир сўз, образлилик ва рамзийлик сирлари ўқувчига жуда ёрқин рангларда очиб берилган.

Илм давраларида, устоз ва шогирдлар орасида Марғуба опага катта ҳурмат билан қарашади. Бундай эътироф ва эътибор бежиз эмас. Доимо ҳаракатчан, файратли, меҳнатсевар, меҳрибон ва талабчан устознинг эллик йиллик таваллуд айёmlари билан муборакбод этаман. Уларнинг ижод ва ҳаёт йўли биз шогирдлар учун ҳаёт мактаби бўлиб келяпти. Марғуба опа шаънларига айтилган барча фикрлар ҳаётий асосига эга деб ўйлайман. Устозимга соғлик, ижодий баркамоллик тилайман.

**Гулбаҳор Ашуррова**  
“Хозирги ўзбек адабиёти”  
кафедраси ўқитувчиси Ф.Ф.Н.

21. Мирқосимова М. Ҳозирги адабий жараён. - Т.: 2008. 5-6-б

## ИБРАТГА АЙЛАНГАН УМР

Фаннинг ибтидоси – ақл, ақлнинг ибтидоси эса сабр-тоқатдир. Улуф ишлар учун фақат истеъдоднинг ўзи кифоя эмас, толмас сабот керак. Истеъдод фақат ишга солинган, ортидан ёшларни эргаштира олган тақдирдагина жилоланади, олис-олисларгача шуъласи етиб боради. Ўткир ақл, кучли сабр-тоқат ила ўз истеъдодини ёш авлодни ўзбек адабиётига меҳр руҳида тарбиялашдек улуф ишга бағишилаётган устозимиз профессор Марғуба Мирқобиловна Мирқосимова республикамиздаги таникли олималардан ҳисобланади.

Олима 1960 йилда Тошкент шаҳрида, комилликка интилишни умрининг мазмунига айлантирган зиёли оиласида туғилган. Отаси – педагогика фанлари номзоди, профессор, доцент Мирқобил Мирқосимов, онаси – педагогика фанлари номзоди, доцент Турсуной Абдуллаева умр бўйи ҳалқ таълимининг ривожи учун ҳалол меҳнат қилишди. Узоқ йиллар Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетида ёшларга сабоқ беришди. Илмга фидойи икки қалбнинг меҳр билан ўстирган фарзандлари маърифат йўлини танлашлари аниқ эди. Марғуба Мирқобиловна мактабни олтин медаль, Тошкент Давлат Университети (Хозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан битирди.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтида (Хозирги ТДПУ) оддий лаборантликдан бошлади. 1982-1985 йилларда мазкур университет аспирантурасида ўқиди. Талабалик йиллари ўзбек прозасининг жанр хусусиятларини ўрганишни бошлаган, республика матбуотида мақолалар ҳам эълон қилганди. 1985 йилда филология фанлари доктори профессор Н.Худойберганов раҳбарлигида “70-80 йиллар ўзбек романларининг жанр ва услуб хусусиятлари (О.Ёқубов ва П.Қодиров романлари мисолида)” – 10.01.02 – миллий адабиёт (Ўзбек адабиёти) мутахассислиги бўйича филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

1990 йилда доцент илмий унвонига ҳам сазовор бўлди. Тинимсиз меҳнат қилди. Талабаларга ўзбек адабиётидан дарс бериш билан бирга Шайхонтохур туманидаги 254, Сирғали туманидаги 268-мактабларда ишлади.

1995 йилда “Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари” мавзусида

докторлик диссертациясини (илмий раҳбар профессор Б.Тўхлиев) муваффақиятли ёқлади. Илмий ишда қўтарилган муаммоларни ўрганиш республика мактабларида оммалаштирилди.

2000-2002 йилларда Шайҳонтохур туман ҳокимининг “Маънавият ва маърифат ишлари” бўйича муовини – масъул котиб сифатида нафақат туман, балки Тошкент шаҳри миқёсида кўплаб маънавий-маърифий тадбирларга ташкилотчилик қилди. Туман, маҳалла ва мактабларда, оиласларда маънавий тарбияни шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

2000-2006 йилларда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника Университетининг “Тиллар” кафедраси мудири, 2006 йилдан бери Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Хозирги ўзбек адабиёти” кафедраси мудири, профессор лавозимида ишламоқда. Устозим профессор М.Мирқосимова бир неча йиллардан бери “Йил ўқитувчиси” республика кўрик-танлови ҳайъати аъзоси сифатида тадбирларнинг холис ва адолатли бўлиши, ҳақиқий истеъоддлар юзага чиқиши учун самарали фаолият кўрсатмоқда. Олиманинг “Хозирги ўзбек адабиёти”, “Адабиёт назарияси”, “Ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси” йўналишлари бўйича 2 та дарслик, 1 та монография, 15 та ўқув ва услубий қўлланмалари ва 230 дан ортиқ илмий мақолалари нашр қилинган.

Ҳайратга соларли жиҳати шундаки, устозимиз Марғуба опа оиласда раҳбар, оима, лидер аёл қиёфасидан ўзгача, ниҳоятда оддий, ҳақиқий оила бекаси тимсолида намоён бўладилар. Доимо хонадонлари саранжом-саришта, дастурхон тўкин, эшикдан келган катта-ю кичикни очиқ чехра билан меҳмон қиласдилар, меҳмон иззатини жойига кўядилар. Бир неча дақиқада таникли оима билан орамиздаги масофа йўқолади, дилкаш суҳбатдошга айланамиз. Бир неча йиллардан бери оила “юки”ни тортиб, фарзандларни илмли бўлиши учун жон куйдираётганликлари, бемор умр йўлдошларини “пай-пай”лаб, асрраб-авайлаб, меҳр билан парваришилаётганликлари биз шогирдларда ибрат ҳиссини уйғотади. Энг ажабланарлиси, устозимизнинг ҳеч қачон кўзда ёш билан ҳеч кимга ўз қийинчиликларидан, ҳаётнинг паст-у баландидан шикоят қиласликлари, аксинча, кулгу, ҳазил-мутойиба билан ҳаёт синовларини мардона енгиб ўтаётганликларидир.

Бир куни педагогика университети олдида йигирма йилдан ортиқ устозимиз билан ҳамкасб бўлиб ишлаган бир домла билан юзма-юз келиб қолдик. Устоз ўша олимни қандайдир ютуғи билан

самимий табриклаб, ҳазил-мутойиба аралаш хандон отиб кулишдилар. Шунда ўша домла :

“Марғуба, ҳаётда умуман ташвиши, муаммоси йўқ одам ким?-дейишса, Сизни кўрсатар эдим. Ҳамиша гўзал, қувноқ, бекам-у қўст, хурсанд юрасиз,”-деб илтифот кўрсатди. Устозим: “Агар ҳаётда шундай одам бўлса, албатта мени унга шерик қилиб кўрсатинг,”- дея кулиб хайрлашдилар.

Англадимки, Марғуба опанинг нафақат инсонлик, олималик, балки аёллик мартабаси ҳам юксак экан.

Муҳтарама устозимизни муборак 50 ёшлари билан кутлаб, соғлик, ижодий ишларига ривож тилаб қоламан.

*Малика Рустамова,  
филология фанлари номзоди.*

## Мундарижа

<i>Сўз боши.....</i>	3
<i>Сўз - мўъжизалар гавҳари.....</i>	4-66
<i>Методик тавсиялар.....</i>	66-91
<i>Адабий сұхбатлар.....</i>	91-104
<i>Устозларга эҳтиром.....</i>	105-111
<i>Дил сўзлари, қутловлар.....</i>	112-142

МАРГУБА МИРҚОСИМОВА

# Сўз изтироблари

Муҳаррир:

Бадий муҳаррир:

Техник муҳаррир:

*Б.Ботиров*

*Нодир Раҳмонов*

*Собир Гулбоев*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашириёти

Босишга рухсат этилди: 26.01.2010.

Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{32}$  Ҳажми 9 б.т. Адади 100 нусха  
Буюртма №2

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.  
100100, Тошкент ш., Юсуф Хос Хожиб қўчаси, 103-уй.